

BOSH MUHARRIR v. b. :
Azamat TOIROV

TAHRIRIYAT KENGASHI A'ZOLARI:

Ravshan MAMUTOV,
O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi
Qonunchilik palatasi Agrar va suv
xo'jaligi masalalari qo'mitasi raisi

Ibrohim Abduraxmonov,
O'zbekiston Respublikasi
Qishloq xo'jaligi vaziri

Aktam XAITOV,
O'zbekiston fermerlari kengashi raisi

Akrom ALIMOV,
"Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-
quvvatlash" markazi direktori

Sirojiddin RUSTAMOV,
"Agro Biznes Inform Tahririyati" MCHJ
direktori, "Turon" FA faxriy a'zosi

Fayzullo TOJIQULOV,
O'zLiDeP Toshkent viloyati Chinoz tuman
Kengashi rahbari

Bosh muharrir o'rinbosari
Asror MO'MINOV

Mas'ul kotib:
Shukurjon JABBOROVA

Dizayner:
Ramazon RUSTAMOV

Musahhih:
Jo'rabek SIROJIDDINOV

Viloyat muxbirlari:
Qoraqalpog'iston Respublikasi va
Xorazmda
Baxtiyor ESANOV

Sirdaryo va Toshkentda
Farmina G'ayratova

**Nashr O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining
2020-yil 31-dekabrda 290/10-sonli
qarori bilan Oliy attestatsiya
komissiyasining ilmiy jurnallar ro'yxatiga
olingan.**

**Jurnal 2005-yildan buyon chiqa boshlagan
The journal has been published since 2005**

№3 (176) 2025

TAHRIR HAY'ATI RAISI :

Zafar ISKANDAROV,
"Turon" FA vitse-prezidenti, t.f.d., professor

TAHRIR HAY'ATI A'ZOLARI:

Ibrahim DILER,

Isparta Amaliy fanlar universiteti rektori, professor (Turkiya).

Kamoliddin SULTONOV,

Toshkent davlat agrar universiteti ilmiy ishlar bo'yicha prorektori.

Durbek MAXKAMOV,

Toshkent davlat yuridik universiteti "Ekologiya huquqi" kafedrasida prof.v.b., yuridik fanlar nomzodi.

Temirjan AYTBAEV,

Qozog'iston Milliy FA akademigi, Qozog'iston Milliy agrar universiteti Meva-sabzavotchilik va yong'oqchilik kafedrasida mudiri, q.x.f.d.

Surayyo AXMEDOVA,

O'zbekiston Jurnalistlar uyushmasi a'zosi, xalq deputatlari Chinoz tuman Kengashi deputati.

Baxrom MADARTOV,

Samarqand VMI Toshkent filiali direktori, q. x. f. d, professor.

Khashim YAKHYAEV,

O'simliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti yetakchi ilmiy xodim, professori, q. x. f. d.

Usmon NORQULOV,

ToshDAU, Dehqonchilik va melioratsiya kafedrasida professori, q. x. f. d.

Erkin BERDIYEV,

ToshDAU, Manzarali bog'dorchilik kafedrasida professori, q. x. f. d.

Erkin FARMONOV,

Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti, professor, texnika fanlari doktori.

Mansur YULDASHOV,

ToshDAU, Baliqchilik kafedrasida professori, biologiya fanlari doktori.

Asqarbek SAFAROV,

ToshDAU, qishloq xo'jaligi fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent.

Alevtina KOJEVNIKOVA,

ToshDAU, biologiya fanlari doktori, professor.

Abdulla MADALIEV,

"Toshkent gumanitar fanlari universiteti" professori, iqtisod fanlari doktori.

Abdunabi FATXULLAEV,

ToshDAU, texnika fanlari doktori, professor.

Sirojiddin JO'RAYEV,

ToshDAU Qishloq xo'jaligi ekinlari seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasida mudiri.

Murod RAXMANKULOV,

ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasida professori, q. f. d.

Shavkat AXMURZAYEV,

Toshkent davlat agrar universiteti qishloq xo'jaligi fanlari doktori.

O'ktam QO'LDOSHEV,

Samarqand davlat chet tillar instituti Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrasida mudiri (PhD).

Dilmurodjon HAKIMOV,

ToshDAU, "Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini standartlashtirish va sertifikatlash" kafedrasida dotsenti.

Jursinbay BALTASHEV,

Qoraqalpog'iston qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti "Agrobiznes va buxgalteriya xisobi" kafedrasida assistenti, i.f.f.d.

Iroda BAKIEVA,

Toshkent moliya instituti Iqtisodiy xavfsizlik kafedrasida professori v. b., i. f. d.

Erkinjon BOTIROV,

Toshkent moliya instituti "Iqtisodiy xavfsizlik" kafedrasida dotsenti, i. f. n.

Gulxehra TANGIROVA,

ToshDAU, Qishloq xo'jaligi ekinlari genetikasi, seleksiyasi va urug'chiligi kafedrasida dotsenti.

Musulman ZIYATOV

Paxta seleksiyasi, urug'chiligi va yetishtirish agrotexnologiyalari ilmiy tadqiqot institutining katta ilmiy xodimi, q. x. f. d., (PhD).

Nilufar IRGASHEVA,

Toshkent davlat agrar universiteti O'simliklarni himoyasi va karantini kafedrasida dotsenti.

Mohichehra ABLAZOVA,

Toshkent davlat agrar universiteti O'simliklarni himoyasi va karantini kafedrasida dotsenti.

Olimjon ALLANAZAROV,

O'simliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti Surxondaryo mintaqaviy filiali "Entomologiya va biosul" laboratoriyasi katta ilmiy xodimi, q. x. f. d., (PhD).

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА ТАБРИГИ

Қадрли юртдошлар!

Аввало, Янги Ўзбекистоннинг янгиланаётган матбуотида, телерадиоканаллар, интернет нашрлари, наشريёт ва матбаа корхоналарида, ахборот хизматлари ва платформаларида ўз бурчини сидқидилдан адо этиб келаётган сиз, ҳурматли журналистлар, муҳтарам фахрийларни, барча ижодий ва техник ходимларни бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Глобал ижтимоий-сиёсий жараёнлар беқиёс шиддат билан ўзгараётган ҳозирги ўта мураккаб ва нотинч дунёда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири ҳар қачонгидан ҳам кучли аҳамият касб этаётганини ҳаммамиз сезиб-англаб турибмиз.

Шу маънода, бепоён медиаоламда холис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш билан бирга, миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қиладиган журналист аҳлининг машаққатли меҳнатини муқаддас сарҳадларимизда сергак турган Ватан посбонларининг жасоратига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади.

Ушбу қутлуғ айёмда мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ишларга ўз истеъдоди, профессионал маҳорати билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган оммавий ахборот воситаларининг барча ходимларига халқимиз номидан юксак ҳурмат ва эзгу тилаклар изҳор этиш мен учун катта шарафдир.

Азиз дўстлар!

Атоқли жадид бобомиз Ҳожи Муин айтганидек, “Матбуот тарихи – Уйғониш даври тарихининг бир бўлагидир”.

Биз кейинги йилларда, улуғ аجدодларимиз бошлаб берган ибратли анъаналарни давом эттириб, демократик жамиятнинг муҳим шарти ва тамойили бўлган оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантиришга устувор эътибор қаратмоқдамиз.

Ана шундай ёндашув туфайли медиа маконимизга илғор лойиҳа ва технологиялар, янгича мулкӣ муносабатлар жадал кириб келмоқда. Республикамизда фаолият кўрсатаётган 2 минг 400 га яқин оммавий ахборот воситаларининг 65 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келаётгани, хусусий нашрлар, телерадиоканаллар, интернет ресурслари тобора ортиб, улардан фойдаланувчилар сони 14,7 миллиондан 32,7 миллионга етгани, ахборот контентларини яратувчилар сафи кенгайиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг медиа соҳасидаги салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Айниқса, миллий медиаконтентни ривожлантириш йўлида ёш ижодкорлар, мустақил студия ва продюсерлик марказлари фаолияти қўллаб-қувватланаётгани виртуал маконда юксак сифатли, рақобатбардош лойиҳалар пайдо бўлиши учун замин яратмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини, матбуот ва сўз эркинлигининг қонуний ижросини таъминлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Биз келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш билан бирга, уларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Бу борада 2030 йилгача болалар учун мўлжалланган миллий контентлар, жумладан, нашр маҳсулотлари фойда солиғидан озод қилиниб, ижтимоий солиқ 1 фоиз миқдорида белгилангани, қўшилган қиймат солиғини қайтариш тартиби жорий этилгани муҳим қадам бўлди.

Ана шу ўзгаришларнинг давоми сифатида яқинда Болалар контентини ривожлантириш марказини ташкил этдик. Ушбу марказ ёш авлодимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни эзгулик ва маърифатга ошно этиш бўйича амалий ҳаракатларни бошлаб юборгани албатта эътиборлидир. Бу ҳақда гапирганда, онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилганини ҳам қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда сунъий интеллект технологияларининг шиддат билан ривожланаётгани журналистика учун катта имкониятлар очиш билан бирга, бу борадаги ишларимизни замон талабларига мос ҳолда йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўз касбини, она тили билан бирга хорижий тилларни, IT технологияларини пухта эгаллаган, жонкуяр ва ватанпарвар янги журналистлар авлоди етишиб келаётгани барчамизни хурсанд қилади. Айни вақтда оммавий ахборот воситаларида

холислик ва қонун устуворлигини таъминлаш, профессионал билим ва маҳоратни ошириб бориш, ахборот тарқатишнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, аҳоли ўртасида ахборот, баҳс ва мулоқот маданиятини шакллантириш, жамиятимиздаги турли иллатлар, коррупция балосига қарши курашиш каби долзарб вазифалар бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Қадрли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Мамлакатимиз журналистлари ва ижодий жамоалари томонидан билдирилган таклифларни инобатга олиб, бу йил “Олтин қалам” миллий мукофоти биринчи марта 27 июнда – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунида топширилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун сизларнинг иштирокингизда тантанали равишда тақдирланадиган барча танлов ғолибларини ва юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган соҳа ходимларини чин қалбимдан самимий табриклайман.

Сизларнинг ҳар бирингиз келгусида ўз тажриба ва маҳорат мактабингизни яратиб, миллий журналистикамиз равнақига янада катта ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.

Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари ходимларининг машаққатли меҳнатини қадрлаш, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бундан буён ҳам Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, қалбимдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Доимо соғ-омон бўлинг, масъулиятли ва шарафли меҳнатингиздан барака топинг, азизлар!

*Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

ТЎКИН ДАСТУРХОНИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА



Маъруфжон Ўролов,

Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш
жамғармаси бош мутахассиси

Мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлар давомида халқимизнинг анъанавий турмуш тарзига айланиб кетган томорқачиликни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилаётгани алоҳида эътиборга молик.

Бу борада, айниқса, Президентимизнинг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан муҳим дастуриламал бўлмоқда. Қарор асосида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа

ер эгалари кенгаши ҳузурида алоҳида Жағарма тузилди.

Бугунги кунда Жамғарма томонидан фермер, деҳқон хўжаликлари, “Томорқа хизмати” МЧЖлар ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари молиявий қўллаб-қувватланмоқда.

Кредит ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, соҳада инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, янги турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни рағбатлантириш, шунингдек, янги самарали технологияларни жорий қилишга ҳам кўмаклашилмоқда.



Жамғарма қишлоқ хўжалиги фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашувчи давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларни, лойиҳалар ҳамда тадбирларни амалга оширишга ҳам иштирок этаётир. Биргина мисол, ўтган давр давомида 128 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги лойиҳаларига жами 2 триллион 580 миллиард сўмдан ортиқ молиявий қўллаб-қувватланган бўлса, биргина ўтган 2025 йил 1-ярмида Жамғарма томонидан фермер, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жами 65,7 млрд.сўм пул маблағлари ажратилган бўлиб, шундан, 42,6 млрд.сўми фермер хўжаликлари, «Томорқа хизмати» МЧЖ ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига кредит ресурси, 0,8 млрд. сўми Жамғарма таъсисчилигидаги масъулияти чекланган жамиятлар устав

фондига улуш, 2,3 млрд.сўми лизинг хизматлари кўрсатишга, 20,0 млрд.сўми аҳоли томорқаларида артезиан қудуқлари учун субсидия сифатида йўналтирилган.



Натижада мазкур қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ҳудудлардаги 220 дан ортиқ фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ҳамкорликда мева-сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш, 2 минг гектардан зиёд ер майдонларини



ҳайдаш, экин экиш ишлари, 4 млндан ортиқ ем-ҳашак прессланди, шу билан бирга 400 гектар майдонда мевали ва манзарали боғлар ташкил этиш ҳамда етиштирилган кўчатлар, меваларни ички ва ташқи бозорга йўналтириш ишлари олиб борилмоқда.

Масалан, жорий йилнинг 9 июнида Самарқанд вилояти Ургут тумани “Ўрамас” ҚФЙ Қайроқли қишлоғидаги “Неъматжон Холмуродов замини” фермер хўжалигига 765 млн сўм миқдорида кредит ажратилди. Мазкур маблағлар эвазига фермер хўжалик томонидан “Беларус-1025.3” ҳайдов трактори ҳамда ловия ўрувчи осма комбайн сотиб олинди.

Кредит маблағлари ҳисобидан харид қилинган қишлоқ хўжалиги техникалари ёрдамида тумандаги Янгиҳаёт, Қайроқли, Юқори Қайроқли ва Мустақиллик маҳаллаларида жами 500 та хонадонга тегишли 50 гектар томорқа ерлари ҳайдалиб, қишлоқ хўжалиги экинлари экишга тайёрлаб берилди. Натижада, ярим миллион квадрат метрни ташкил этувчи аҳолига тегишли томорқа ерларига қишлоқ

хўжалиги экинлари ўз вақтида экиб чиқилди.

Жумладан, 15 гектар майдонга сабзавот, 2 гектарга полиз экинлари, 13 гектарга картошка, 10 гектарга дуккакли ва мойли экинлар, қолган 10 гектарга эса бошқа турдаги экинлар экилди.

Шу билан бирга, фермер хўжалиги томонидан тумандаги 30 та фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ҳамкорликда ерларни шудгорлаш, дуккакли экинларни ўриб йиғиш ҳамда пресслаш ишлари амалга оширилди.

Ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан фермер хўжалиги томонидан қўшимча 4 та мавсумий ва 2 та доимий иш ўрни яратилди.

Шунингдек, қўшимча равишда республика ҳудудларида 1 052 тоннали 4 та қайта ишлаш ва саралаш ҳамда қадоқлаш цехлари фаолияти йўлга қўйилди. Совиткич омборхоналарини ташкил этилиши натижасида йилига 10,3 минг тонна маҳсулотни сақлаш орқали мавсум бўлмаган вақтда уларнинг тақчиллигининг



олди олиниши ва нархлар ошиб кетмаслиги таъминланади. Қайта ишлаш ва саралаш ҳамда қадоқлаш цехларида йилига 20 минг тонна маҳсулот қайта ишланиши ҳамда экспорт қилиниши ташкил этилади.

Бундан ташқари, фермер хўжаликлари ва ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига 2020-2025 йилларда Жамғарма маблағларининг қуйидаги йўналишларга ажратилган, қишлоқ хўжалиги техникалари йўналиши учун 2020 йилда 20,8 млрд сўм, 2021 йилда 31,4 млрд сўм, 2022 йилда 41,0 млрд сўм, 2023 йилда 25,2 млрд сўм, 2024 йилда 5,2 млрд сўм, 2025 йилда 3,1 млрд сўм, музлаткич, омборхона, саралаш ва қадоқлаш ускунаси йўналиши учун 2020 йилда 8,5 млрд сўм, 2021 йилда 12,2 млрд сўм, 2022 йилда 20,3 млрд сўм, 2023 йилда 16,3 млрд сўм, 2024 йилда 16,5 млрд сўм, 2025 йилда 15,5 млрд сўм, чорвачилик йўналиши учун 2020 йилда 0,8 млрд сўм, 2021 йилда 0,2 млрд сўм, 2022 йилда 3,8 млрд сўм, 2023 йилда 2,0 млрд сўм, иссиқхона йўналиши учун 2020 йилда 13,3 млрд сўм, 2021 йилда 14,6 млрд сўм,

2022 йилда 9,1 млрд сўм, 2023 йилда 16,0 млрд сўм, 2024 йилда 4,8 млрд сўм, 2025 йилда 4,3 млрд сўм, Боғ ва тоқзор, кўчат ва уруғчилик йўналиши учун 2020 йилда 13,7 млрд сўм, 2021 йилда 31,0 млрд сўм, 2022 йилда 12,5 млрд сўм, 2023 йилда 14,4 млрд сўм, 2024 йилда 3,5 млрд сўм, 2025 йилда 15,9 млрд сўм, бошқа йўналиш (парранда, асалари, балиқчилик, артезиан қудуқ, дала дўкони, айланма маблағ...) йўналиши учун 2020 йилда 49,8 млрд сўм, 2021 йилда 33,7 млрд сўм, 2022 йилда 56,3 млрд сўм, 2023 йилда 16,1 млрд сўм, 2024 йилда 8,6 млрд сўм, 2025 йилда 3,8 млрд сўм маблағлар ажратилган.

Қувонарлиси, ушбу ҳаракатлар натижасида жорий йилда 90 та доимий 350 та мавсумий бандлик таъминланади.

Албатта, бизнинг асосий мақсадимиз юртимизда фермер, деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий қўллаб-қувватлаш ва бу орқали хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантиришдир.

ФАБРИКАДА ТАДБИР



Жорий йил 26-июнь куни Шароф Рашидов номидаги халқаро жамоат Фонди бошқаруви томонидан, ўзбек халқининг асл фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ва шоир, оташин публицист ва нотик, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Ўзбекистонга чорак аср раҳбарлик қилган Шароф Рашидовнинг китоблари тўпламини Тошкент вилояти Қибрай туманидаги Шароф Рашидов номидаги паррандачилик МЧЖга топшириш маросими ва Шароф Рашидовнинг рус тилида “В душе моей горит любовь к Отчизне” ҳамда “Севги

билан ғолибман ҳар он!” шеърлар тўпламлари бўйича “Шароф Рашидов – Ватан ишқида ёнган атоқли шоир!” номли “давра суҳбати” ўтказилди. “Давра суҳбати”да МЧЖ раҳбарияти, “Нуроний” жамғармаси республика, вилоят ҳамда Қибрай тумани фаоллари, паррандачилик соҳаси фахрийлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди...

Фонд топшириғига биноан, китобларни Шароф Рашидов номидаги паррандачилик МЧЖ раҳбари С. Салоҳиддиновга Ўзбекистон ХДП МК ҳузуридаги Фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, Ўзбекистон журналист-лари уюшмаси аъзоси Н. Тоиров топширди ва “давра суҳбати”ни кириш сўзи билан очди ва суҳбатни олиб борди.

Суҳбат давомида “Дўстлик” ордени соҳиби, жамоат арбоби, таниқли журналист, шоир ва таржимон А. Хўжаев, паррандачилик соҳаси фахрийси З. Орипжонов, Илҳом Рашидовнинг дўсти ва ҳамкасби А. Аҳмаджонов, Шароф Рашидов номидаги паррандачилик МЧЖ раҳбари С. Салоҳиддинов ва бошқалар сўзга чиқди.

Гулноза Набиева

БОЛАЛИК ЭРТАГИМ



Яқинда “Қанот” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, истеъдодли журналист, ёзувчи ва шоир Фозил Фарҳоднинг публицистик мақола, эссе, очерк, тақриз ва суҳбатлари жам бўлган “Болалик эртагим” китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари, таниқли шоир Минхожиддин Мирзо, “Тафаккур” журнали Бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам, ношир Амиркул Каримов ва адабиётимизнинг бошқа ёрқин

намоёндалари иштирок этдилар ва сўзга чиқдилар.

Фозил Фарҳод 1985 йилнинг 26 августида Сурхондарё вилояти Қумқурғон тумани Бўйрабоб қишлоғида туғилган. 2014 йили Ўзбекистон Миллий университети Журналистика факультетини тамомлаган.

Турли йилларда “Ватанпарвар”, “Хуррият” газеталари, “Жаҳон адабиёти”, “Маънавий ҳаёт”, “Автоолам” журналлари, “Ўзбекистон 24” телеканалида фаолият юритган. Айни пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ахборот хизмати




рахбари вазифасида ишлаб келяпти.

“Йилнинг энг фаол журналисти” танлови ғолиби (2022 йил). “Мактуб”, “Кўклам куйи” номли насрий, “Автопортрет” номли шеърий китоблари чоп этилган.



“Олтин мерос пресс” нашриётида чоп этилган мазкур китобдан муаллифнинг 2011-2025 йилларда “Янги Ўзбекистон”, “Халқсўзи”, “Моҳият”, “Хуррият”, “Маърифат”, “Ватанпарвар”, “Китоб дунёси”, “Даракчи”, “Солиқ плюс” газеталарида, “Ёшлик” журналарида, турли ижтимоий тармоқларда чоп этилган 50 га яқин энг сара материали ўрин олган.

– Китобни ўқиркансиз, муаллифнинг болаларча беғубор дили, образли ўхшатишлари, жуда катта марра олган орзулари, ҳеч қачон ўлмайдиган уйғоқ хотиралари оламига кирасиз, руҳиятингизга ажиб таъсир ўтказди, – дейди “Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали Бош муҳаррири, таниқли шоир ва ёзувчи Тоҳир Долиев. – Ижодкор жамият танасидаги дардга айланган энг ўткир муаммоларни ҳам кескирлик билан, дона-дона қилиб ўртага қўяди, аҳолини қийнаётган жиддий муаммоларга ечимлар беради.



“Ватан ҳақида мактуб”, “Менинг уйим”, “Болалик эртагим”, “Йиғинди гаплар”, “Корея кундалиги”, “Ўзгаришимиз керак”, “Ижодкорнинг бахти”, “Ўзингизга ишонинг, бошқаси бекор”, “Адабиёт – барча санъатнинг онаси” каби мақолалари ва суҳбатларни ана шундай ижод намуналари дейиш мумкин.



– Серқирра қаламкаш Фозил Фарҳод бу йил жуда катта ижодий юксалишга эришди, дея оламиз. Шу кунларда “Автопортрет” китоби ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этиляпти, – дейди Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли шоира Шоҳсанам Нишонова. – У мақолаларида элимизнинг суюкли фарзандлари, миллат ойдилари Абдулла Қодирий, Ойбек, Рўзи Чори, Эркин Аъзам, Собир Ўнар, Шерзодхон Қудратхўжа каби тан олинган атоқли ёзувчи ва шоир, рассом ва журналистларнинг ибратлари ва ҳаётини кечмишлари мисолларида тўқмағизли қаймоқ ғояларни, мазмунли фалсафий қарашларини айтмоқчи бўлган ғоясига сингдиради.

– Маҳорати йил сайин чархланиб бораётган Фозил Фарҳоднинг қаҳрамонлари қиёфаси ва характерлари турфа хил. Муаллиф уларни шунчаки қаламга олмайди, балки ҳар бирининг ичида яшайди, – дейди

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маҳлиё Мирсоатова. – Китобда муаллиф журналистиканинг тириклик дарёлари ҳақида, ўзбек тилига эътиборсизликнинг аянчли оқибалари, замонавий адабиётимизнинг энг яхши тенденциялари, миллий қадрият ва анъаналаримизни ташқи таъсирлар натижасида ситилиб бораётгани, коррупцияга қарши барчамиз бирдай курашишимиз кераклиги тўғрисида бонг уради.

Ф. Фарҳод мақолаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб этади, адабиёт ва санъатнинг шайдоси сифатида сўнгги йилларда ишланган энг ёрқин фильмларни чуқур таҳлил қилади. Суҳбат, интервью каби публицистик жанрлардан унумли фойдаланади.

Сўнгги йилларда қўшни ва хориж мамлакатларига, хусусан, Корея, Қирғизистон Республикаларига амалга оширган бир нечта ижодий сафарлари таъсирида ўзбек-корейс, ўзбек-қирғиз халқлари ўртасида ривожланиб бораётган кўп қиррали дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини ўз кўрганлари, адабий учрашувларида олган унутилмас таассуротлари асосида аниқ мисоллар орқали очиб беради, элларимиз қалбларига маънавий кўприк бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, тасаввур, таассурот, кучли руҳий эҳтиёж, кўп йиллик изланишлар маҳсули бўлган ушбу салмоқли тўплам ўқувчилар қалбидан ҳам, китоб жавонларидан ҳам муносиб ўрин эгаллайди.

Тадбир якунида Фозил Фарҳод ижоди бўйича ўтказилган танловда иштирок этган 100 дан ортиқ иштирокчи орасидан ғолиб ва совриндорлар тақдирланди.

Азамат Тоиров,


Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ИСТЕЪФОДАГИ ПОЛКОВНИК ОТАХОН :

ХАЛҚИМИЗНИНГ “ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ”,
ДЕГАН СЎЗЛАРИДА, БИР ОЛАМ ҲИКМАТ БОР



Акрамбой ака Абдувалиевнинг суҳбатини
олгани жазм қилдик...



Суратда: А. Абдувалиевнинг ота-
оналари Қирғизбой ота ва Ҳожархон ая

Маълумки, Мустақилликнинг 34 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ҳолда ўтказилади... Ўзбекистон мустақиллигининг 34 йиллиги арафасида, биз бугун, бутун умрини Ватан учун, миллат учун, халқ учун, бағишлаб келаётган кекса отахон – истеъфодаги милиция полковниги

Раҳматли техника фанлари доктори, академик Маматхон Аҳмаджоновнинг уйи ёнидан ўтиб, Акрамбой аканинг камтарона хонадонининг олдидан чиқдик...

Бир пайт, хонадонда фотиҳагарчилик бўлганда, Акрамбой Абдувалиевнинг акаси Аъзамхон ака билан бирга, эшик олдида гулхан ёқиб ўтирганимиз эсга тушди. Шунда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ

шоири Абдулла Орипов устоз журналист, ўша пайтда “Ўзбекистон овози” ва “Голос Узбекистана” газеталари Бош муҳаррири Сафар ака Остонов билан келишган эди...



Суратда: полковник А. Абдувалиев Тошкент вилояти биринчи ҳокими С. Сайдалиев, Ўзбекистон физкультура ва спорт қўмитаси раиси О. Назиров ва бошқа фаоллар билан (1992 й.)

Акрамбой ака билан суҳбатлашар эканмиз, Оржоникидзе (ҳозир Қибрай тумани) туманида бир пайт мавжуд бўлган “XXI партсъезд” совхозиди директор бўлган отамиз Абдулҳақ Тоиров эсимга тушди.... Мен отамизнинг олдиларига у-бу юмуш билан бориб қолсам, кадрдонлари, ўша йиллари Оржоникидзе (ҳозир Қибрай) туман комсомол қўмитасининг биринчи котиби Аъзамхон Абдувалиев, бир пайтлар Зомин тумани комсомоллари етакчиси бўлиб, кейинчалик, “халқ душмани” дея, қатағонга учраган Умар Тоғаев, Рустам Қурбонов, Мизроп Камолов, Раҳматилла Қамбаров, Анвар Акрамов, Дадахон Зокирхўжаев, Абдурахим Шерматов, Раҳим Дадахўжаев, Ғофур Одиловлар билан суҳбатлашаётган бўлар эдилар. Лекин, олдиларида кўпинча, қишлоқ хўжалик дарғаларидан бири

– Қирғизбой ота Абдувалиевни кўрар эдим...

Бу тасодиф эмас эди. Зеро, Қирғизбой ота устоз мақомида бўлиб, отамиздан ёшлари анча катта эди ва ўз вақтида қатор йиллар колхоз раиси лавозимида самарали фаолият юритиб, раҳбарлик нақадар оғир юк эканлигини яхши билар эди. Бундай одамнинг маслаҳати ниҳоятда бебаҳо.

У кишининг иссиқхона, парниклар бўйича тўплаган тажрибаси, отамиз Ўзбекистонда биринчи Иссиқхона комбинатига биринчи директор этиб тайинланганларида, жуда асқотган... Қирғизбой ота ҳаёт бўлганда, шу кунларда 125 ёшга кирар эдилар, бугунги кун тили билан айтганда – юбилей...

Акрамбой ака билан босиб ўтган ҳаёт йўллари, хусусан, ички ишлар идораларида, давлат автоинспекцияси соҳасида самарали хизмат қилишлари, қандай қилиб бу соҳага киргани, устозлар ва шогирдлар Мурод Шералиев, Тоҳир Маҳкамов, Бахтиёр Ҳақимов, Ихтиёр Фозилхонов, Қобил Тошмуҳамедов, Обид Исағалиев ва бошқалар ҳақида гаплашдик... Хизмат соҳасида эсда қолган воқеалар тилга олинди.

Акрамбой ака катта ҳурмат билан, устозлик қилган, Тошкент вилояти бир неча туманида прокурор бўлган Рустам Қурбонов, Ички ишлар идораларига тавсия қилган полковник Эгамберди Остонов, ишга олган Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи бўлган генерал-майор Мурод Шералиев, истеъфога чиқишида Ички ишлар вазири бўлиб, кўп марҳамат кўрсатган генерал-полковник Зокир Алматовни эсга олди.

Шу билан бирга, бугунги кунда ички ишлар идораларида самарали хизмат



қилаётган юзлаб шогирдлари ҳақида фахрланиб гапирдилар....

Истеъфодаги полковник юртимизда оғишмай амалга оширилаётган ислохотлар, қўшни ва узоқдаги давлатлар билан яхши қўшничилик алоқалари ўрнатилиши, кўплаб соҳаларда, шу жумладан спортда, хусусан футбол, кураш, бокс, шахмат соҳасидаги ютуқлар ҳақида қувониб сўз юритди....

Собиқ давлат автоинспекцияси ходими сифатида, бу соҳадаги бугунги аҳвол тўғрисида гапирар экан, Акрамбой ака, Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев яқинда ўтказган, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилмасини яхшилаш ва тирбандликларни камайтириш чоратадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ҳақида мамнунлик билан гапирдилар...

Мазкур йиғилишдатаъкидланганидек, ҳудудларда бу борада муайян ишлар қилинмоқда. Охириги 7 йилда йўл қурилиши ва таъмирлашга 61 триллион сўм

ажратилган. Бу – 2017 йилгача берилган маблағлардан 3,5 баробар кўп.

Онлайн мурожаат тизими ишга тушиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларига келувчилар сони 50 фоизга камайди. Соҳадаги 3 минг 365 нафар ходим электрон планшет ва бодикамера билан таъминланди. Қоидабузарликларни сунъий интеллект асосида саралаш ва қарор чиқариш амалиёти жорий қилинди...

Лекин соҳада ҳали долзарб масалалар кўп. Биринчи навбатда йўл-транспорт ҳодисалари. Ўтган йили 9 минг 364 та шундай ҳодиса содир бўлган. Уларда қарийб 9 минг фуқаро жароҳат олган. Энг ачинарлиси, 2 минг 203 нафар одам ҳалок бўлган. – Ҳар тўртинчи аварияда бир киши ёки кунига ўртача олти киши вафот этаётгани барчани қаттиқ ташвишга солиши керак, – деди куюнчаклик билан Президентимиз Шавкат Мирзиёев. 2025 йил бошидан буён 855 минг марта йўл қоидалари бузилган, шундан 13701 маст ҳолда машина ҳайдашдир. 2025 йил январь-март ойларида 900 га яқин киши авария

билан боғлиқ ишлар бўйича жавобгарликка тортилган, Улардан 173 киши қамалган...

Президентимиз кейинги йилларда ҳайдовчиларни тайёрлаш бўйича янги тизим самара беришни бошлаганини таъкидлаб, шу билан бирга барчанинг, хусусан, ёшларнинг маданияти ва йўл ҳаракати қоидалари ҳақидаги билимларини ошириш долзарб масала эканини таъкидлади.

Шу ўринда масъул вазирликларга янги ўқув йилигача мактаб ва боғчаларда ҳаракат хавфсизлиги бўйича дастурларни тубдан янгилаш топширилди. Зеро, кўп нарсa тарбия ва маданиятга боғлиқ. Шу боис, йўл ҳаракати маданиятини шакллантиришни мактабдан бошлаш келажакдаги ҳалокатларнинг олдини олиш демакдир. Шу йўл билан, қоидалар асосида шаклланган онг ва масъулият вужудга келади.

Халқимизнинг “Йўл қоидаси – умр фойдаси”, деган сўзларида, бир олам ҳикмат бор... Яқин орада бундай объектив, аниқ мисоллар билан ўтган бирор республика миқёсида тадбирни билмайман, – дейди Акрамбой ака Абдувалиев.

Келтирилган рақамлар ҳар қандай кишини ўйлантиради. Бундай йиғилиш ўтказилиши, чуқур ўйланган чоралар кўрилиши, булар ҳаммаси Юртбошимизнинг инсонпарварлиги, миллатпарварлигининг ёрқин кўринишидир.

Ўйлайманки, бу борада тез орада кескин ижобий бурилиш бўлади, – дейди оқсоқол.

Президентимизнинг:

“Йилдан йилга автотранспорт воситалари ва ҳайдовчилар сони кўпайгани билан уларнинг маданияти, ўзаро ҳурмат ва билим-тажрибаси пасайиб бораётгани ҳам айна ҳақиқат...

Бизнинг йўлларда транспорт воситаларига кўп устуворлик берилган. Аслида пиёдалар ҳаракатини, одамларнинг ҳаловати, саломатлигини биринчи ўринга қўйиш керак...

Йўлларда қатновни ташкил этиш ва хавфсизликни таъминлаш илм билан ҳамоҳанг бўлиши керак”, каби сўзлари йўл ҳаракати барча иштирокчилари: пиёдалар учун ҳам, ҳайдовчилар учун ҳам дастуриламал бўлиши лозим, – дейди Акрамбой ака.


Сухбат охирида оқсоқол полковник кўллари дуога очдилар:

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!
Халқимиз Миллатимиз Сардори –
Юртбошимиз Шавкат Миромонович
Мирзиёев раҳбарлиги ва у киши билан
биргаликда тезроқ Янги Ўзбекистонни
курсин, III Ренессанс асосларини яратсин.
Барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат
ёр бўлсин! Ислохотлар бардавом бўлсин!
Ҳаётимиз фаровон бўлсин! Барчани йўллари
беҳатар бўлсин! Халқимиз, ёшу-қари кўчада
юриш маданиятига, йўл қоидаларига риоя
қилишсин. Бизнинг ҳамкасабалар – ички
ишлар ходимлари халқимизга, Ватанимизга
ҳалол хизмат қилиб, ўз бурчларини бекаму-
кўст бажарсинлар!

Носир Тоиров,

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

КИТОБ ЎҚИШДА ҲИКМАТ КЎП



Бугунги кунда жадид боболаримиз ҳақида кўп гапирмоқдамиз. Эндиликда у улуғ зотларнинг асарлари мунтазам нашр этилмоқда, жўшқин ҳаёт йўллари ҳам илмий асосда, ҳам оммабоп тарзда ўрганилмоқда. Бу борада изчилликни таъминлаш мақсадида “Жадид” газетасига асос солинди.

Аслида, жадидлар ҳам осмондан тушмаган, ҳар қандай эл-юртнинг зиёли инсонлари қатори оддий ва ҳаётий йўлдан борганлар. Яъни, дарсликлар ёзганлар, мактаблар очганлар, ёшларнинг хорижда таҳсил олишини уюштирганлар, газета-журнал чоп этганлар, кутубхона очганлар, китоб ёзганлар, нашр этганлар ва элга улашганлар, аҳолини китоб ўқишга – маърифатпарварликка рағбатлантирганлар.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз таъбири билан айтганда, «Китоб (битиг) барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни яратувчи

мураббийдир». Нега деганда, китоблар миллий ўзлик ҳамда умуминсоний қадриятларни тарғиб этишга хизмат қилади.

Халқимизни китобхон миллатга айлантириш Янги Ўзбекистоннинг маърифий янгиланиш жараёнларида устувор аҳамият касб этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан сўнги йилларда қабул қилинган устувор стратегик дастурлар доирасида, жумладан, беқиёс кўламдаги маърифий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Китобхон ҳамюртларимиз, айниқса, ёшларимиз учун зарур адабиётлар нашр этилмоқда ва кенг миқёсда тарқатилмоқда.

Биргина “Ўзбекистон - 2030” стратеги-ясида аҳоли, айниқса, ёшлар орасида китобхонлик маданиятини кучайтириш мақсадида китобхон ёшларни 5 миллионга етказиш, ҳар йили 100 та энг яхши бадиий асар ва ёшлар учун мўлжалланган 50 та бадиий

китоб яратиш ҳамда 40 миллионга яқин китоб фондини рақамлаштириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Мамлакатимизда китобхонликни тарғиб қилиш, китобхонлик маданиятини оширишга муҳим эътибор қаратилаётгани замирида ҳам аҳолини маърифатли қилишдек улкан мақсадлар мужассам. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, бир қанча китоблар муаллифи Маҳмудхон Тоировнинг яқинда нашрдан чиққан “Ҳикматга йўғрилган ҳаёт” номли китобини ўқир эканман, ана шу қиёсий мулоҳазалар ҳаёлимдан кечди.

Муаллифнинг янги китоби, таъбир жоиз бўлса, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларига кенг татбиқ этилаётган китобхонлик, китобсеварлик ва китобпарварлик муҳитини янада ривожлантириш ишига қўшилган мўъжазгина, аини чоғда, ўзига хос муносиб бир ҳиссадир. Зеро, бир томондан, китоб мутолааси глобал ахборотлашув шароитида мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилса, иккинчи томондан, китобхонликка қизиқиш юқори бўлган жамият ҳаётининг деярли барча соҳалари баравж тараққий этаётганлигини кўриб-кузатиб турибмиз.

Аслида китоб нима ўзи? Китоб – билимлар кони, кадриятлар тимсоли, маънавий мерос қўрғони, цивилизациялараро мулоқот воситаси, ранг-баранг маданиятлар кўзгуси, моддий фаровонлик манбаи, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган ноёб ижод маҳсулидир. Башар аҳли китобнинг аҳамияти ана шундай ниҳоятда серқирраллигини тобора теран англамоқда.

Шу ўринда Маҳмудхон Тоиров публицист, шоир ва таржимон сифатида серқирра ижод маҳсули – китоблари, мақолалари, шеърлари ва таржима асарлари билан Учинчи Ренессанс пойдеворини тиклашга азму-жазм этган

жамиятимизда тобора кенгайиб бораётган маърифатпарварлик ишига имкон қадар ўз улушини қўшиб келаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, муаллифнинг 2014 йилда “Ҳаёт сўқмоқларида”, 2017 йилда “Ҳаёт битиклари”, 2018 йилда “Тафаккур неъматлари” (“Мысли вслух”), 2023 йилда “Тафаккур дурдоналари” номли фалсафий китоблари, 2016 йилда “Сен ва мен” шеърый тўплами нашрдан чиққан.

Маҳмудхон аканинг диплом бўйича мутахассислиги геолог бўлса-да, ҳаётда давлат хизматчиси сифатида турли лавозимларда катта тажриба тўплаган. У киши журналист ва муҳаррир сифатида ҳам қалами обдан чархланган мутахассис. Янада муҳими, Маҳмудхон ака бадий-фалсафий йўналишда ўзига хос овозга эга ёзувчи ва шоир ҳамдир.

Қолаверса, Маҳмудхон аканинг яна бир фазилати – икки тил, ўзбек ва рус тилида равон ёза оладиган ижодкорлиги янги китобнинг мазмун-мундарижаси янада теранлик ва кенг қўламлик касб этишида катта аҳамият касб этган.

Асарга сўзбоши ёзган таниқли шоир ва журналист Тоҳир Долиев таъкидлаганидек, “Бу китоб унинг (Маҳмуд аканинг – Ё.М.) 70 йиллик ҳаёт йўли, 50 йиллик меҳнат ва ижодий фаолияти, жамиятда, замондошлар орасидаги нуфузи ҳақидаги рисоладир”.

“Ҳикматга йўғрилган ҳаёт” китоби уч бобдан иборат. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу битиклардаги бош образ – инсон, унинг ҳаёти ва қалб дунёсидир. Китобнинг бошидан-охиригача барча саҳифаларда айнан инсон кечинмалари, турмуш ташвишлари, соғинчу аламлари ва орзу-умидлари ўз аксини топган.

Хусусан, биринчи боб муаллифнинг публицистикасига бағишланган бўлиб, кейинги йиллар давомида даврий матбуотда эълон қилинган қатор мақолаларни ўзида жамлаган.

Муҳими, бу мақолалар шунчаки “ҳаво”дан олиб, яъни ўйлаб-тўқиб ёзилмаган. Аксинча, улар муаллиф бевосита иштирок этган воқеа-ҳодисаларнинг бевосита таъсирида битилган, шунинг учун ҳам барчаси таъсирчан ва ниҳоятда ўқишли.

Масалан, “Сўнгги дийдорлашув” номли мақолада ўзбек халқининг асл фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли ёзувчи ва шоир, оташин публицист Шароф Рашидовнинг 1983 йили бевақт оламдан ўтиши билан боғлиқ қайғули воқеа тафсилотлари қаламга олинган. Ўшанда эндигина 28 ёшни қаршилаган навқирон Маҳмуджоннинг зиммасига катта масъулият юкланади. У ўзи хизмат қилаётган халқ депутатлари Тошкент вилояти ижроия қўмитаси раҳбарияти ва ходимлари номидан Шароф отанинг тобути пойига гулчамбар қўйиш учун масъул этиб тайинланади.

Муаллиф ана шу масъулиятли вазифани қандай адо этганини ёрқин ва ғамгин лавҳаларда ифода этар экан, мақола якунида кейинчалик Шароф Рашидов номини булғаш учун қанчадан-қанча бўҳтон тошлари отилгани ҳақида ҳам сўз юритади. “Лекин ҳеч қандай қора бўёқлар уларнинг тоза ва пок ҳаётларига, халқ орасидаги обрўларига путур етказа олмади! Мустақиллик йиллари Шароф Рашидовнинг номи муносиб тарзда тикланди. Адолат қарор топди”, деб қайд этади М.Тоиров.

Мақолаларнинг салмоқли бир туркуми Сайёра Шарофовна Рашидова, Оқил Умурзоқович Салимов, Мирза Маҳмудович Мусахонов каби машҳур давлат ва жамоат арбобларининг ибратли ҳаёт йўлига бағишланган бўлса, яна бир туркум мақолаларда Туроб Холтоев, Эркин Шайхов, Абдулҳамид Саидхўжаев, Пўлат Абдурахмонов, Абдухолиқ Айдаркулов, Усмонали Умаров, Неъматилла Худойбергенов, Григорий Дубовский сингари моҳир раҳбарлар ва заковатли олимларнинг фаолиятига тааллуқли қизиқарли воқеалар ҳикоя қилинган.

Муаллиф ўз мақолаларида атоқли адиб Чингиз Айтматов, ҳассос шоирлар Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шухрат, Муҳаммад Юсуф, Маҳмуд Тоир, Ориф Одилхонов ва Асрор Мўмин, журналистлар Анвар Жўрабоев, Сафар Остонов, Фармон Тошев, таниқли рассом Рўзи Чориев, Фан арбоби Ҳамид Сулаймон, академиклар Шавкат Воҳидов, Обидхўжа Акрамхўжаев, Шавкат Акмалхонов, Шодмон Номозов, билан бўлиб ўтган юз-юз мулоқотларини ғоятда жонли тасвирлайди. Шунингдек, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, Маҳмуд Исматов, Маҳмуд Мўйдинов, Маҳмуд Мирзаев, Аъзам Абдувалиев, Карим Юсупов, қишлоқ хўжалиги соҳасининг жонкуяр олимлари ва фидойи етакчилари билан бўлган учрашувлари тафсилотлари яна бир туркум мақолаларда ифодасини топган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Тоировлар сулоласи юртимиз ҳаётининг турли соҳалари учун бир қатор сара мутахассисларни етказиб берган. Хусусан, 1960-1983 йилларда Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов Сирдарё ва Жиззах вилоятлари пахта далаларига ташриф буюрганда, Маҳмудхон аканинг амакиси Абдулҳай Тоиров пахтачилик билимдони сифатида у кишига доим ҳамроҳ бўлганлар. Китобда ана шу чўлқуварлар отахони хотирасига тааллуқли саҳифалар ҳам ўрин олган.

Китоб муаллифи “Кўпларга устозлик қилган деҳқон отам” мақоласида падари бузруквори Абдулҳақ Тоировни эслайди. У киши аввалбошда оддий колхозчи, табелчи, хўжалик мудири бўлиб ишлаган бўлса, кейинчалик, туман, вилоят ва республика даражасидаги ишлаб чиқариш корхоналарида раҳбарлик лавозимларида фидокорона меҳнат қилган.

Ўз навбатида, “Қуёшга монанд она юраги” номли мақола муаллифнинг волидаи муҳтарамаси Тоҳирахон Мўминхўжа қизига бағишланган. Хусусан, Маҳмудхон ака: “онам оқилалиги, заҳматкашлиги билан рўзғорда

учраб турадиган камчиликларга қарамасдан, олти нафар фарзандининг барчаси олий маълумот олишига асос бўлди”, деб ёзади онаизори ҳақидаги хотираларида.

Бундан ташқари, муаллифнинг акаларидан бири Носирхон ака – таржимон ва журналист, Мансурхон ака – файласуф, укалари Фозилхон ака – банк соҳасининг пири, у кишининг фарзанди Алишербек – ёш ижодкор, Маҳмудхон аканинг ўғли Азаматбек – навқирон муҳаррир ва ношир ҳисобланади.

Китобда маърифатга, илм ва ижодга ошно бўлган ушбу инсонларга оид маълумотлар ҳам қайд этилгани эътиборга лойиқ.

Китобнинг иккинчи бобида Маҳмудхон Тоиров йиллар мобайнида ёзиб, тўплаб ва матбуотда эълон қилиб борган, мухлислари томонидан “миниатюра асарлар” деб эътироф этилган ҳикматли битиклар ҳамда шеърлар тақдим этилган.

Бу боб 12 та фаслдан иборат. Жумладан, “Фикрат дурдоналари” фаслида шундай ёруғ фикр диққатимизни тортди: “Умид – ғалабага бошлар, умидсизлик – мағлубиятга”.

Китобдаги учинчи бобда Маҳмудхон Тоиров замондошларининг дил изҳорлари жамланган. Йигирмадан ортиқ фаслдан иборат ушбу бобда муаллиф билан узоқ йиллар давомида бирга ишлаган ҳамкасблари, ижодий ҳамкорлари, дўстлари ва оилавий борди-келди қиладиган қадрдон инсонларининг эзгу тилаклари битилган.

Яна бир муҳим жиҳат: китоб саҳифалари кўпдан-кўп тарихий ва рангли фотосуратлар билан безатилган.

Камина аввало ўзининг мақоласига ҳавола этилган суратлар билан танишиш асносидаёқ амин бўлганидек, китобда матн ва

тасвир уйғунлиги таъминланган ва бу ҳам бир ажиб маҳорат, десак, янглишмаймиз.

Муҳими, бундай серқирра китоблар бизга ҳаётни ўргатади, ҳар биримизни дунё сир-синаотлари ва маърифатидан баҳраманд этади, билим ўргатишнинг энг қудратли омили ва билимни асрашнинг ишончли воситаси бўлиб хизмат қилади, маърифатга ошно айлайди, дунёдаги турфа маданиятлар ва анъаналарнинг маъно-моҳиятини англашга кўмаклашади, яшаш ҳамда ижод қилишга доимо илҳомлантириб туради. Зеро, улуғ аллома аجدодимиз Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари сўзлари билан айтганда, “Китоб — саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғизлик дамларида йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули дамларда мададкор, одамлар орасида зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир”.

Хулоса қилиб айтганда, китоб ва китобхонлик ҳар бир даврнинг энг долзарб мавзуларидан бири бўлиб келган. Ҳозирги кунда унинг долзарблик кўлами янада ортди. Чунки китоб ўқишда ҳикмат кўп. Кенг дунёқараш ва билимга эга бўлишда китобнинг аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Китоб инсонни интизомли қилади. Нафсни енгишга ва каттани ҳурмат, кичикни иззат қилишга ўргатади. Китоб ўқиган киши қонунларга итоат қилиш кераклигини англайди.

Бугунги тараққий этаётган техника даврида кўпчилик мутолаага вақт ажрата олмаслиги мумкин. Аммо ҳар қандай вақтда ҳам китоб ўқишга вақт топган инсон ютади. Бир нарсани унутмаслигимиз керак, яқинларни китоб ўқишга даъват қилиш уларга яхшилик тилаш ҳисобланади. Бинобарин, камина ҳам Сизни фароғатли мутолаага чорлаб қолажак.

Ғулом Мирзо,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ - ДАВР ТАЛАБИ

Коррупция давлатни емирувчи энг мудҳиш иллат бўлиб, у ижтимоий, иқтисодий ва қолаверса сиёсий ривожланишга тўсқинлик қилади.



Рўзиев Ж.,

“Бухоро” адвокатлар ҳайъати адвокати

Коррупция сузи лотинча бўлиб, “Пора бериб сотиб олиш” маъносини англатади. Ушбу иллатни олдини олиш ва унга қарши кураш борасида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда маъқулланган ва ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 4 январдаги 2-сонида расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Қонуннинг мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни

тартибга солишдан иборат бўлиб, Қонунда, урта асосий тушунчалар қўлланилган, булар – коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик-коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш, манфаатлар тўқнашуви - шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик, шахснинг



мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият, каби тушунчалардан иборат.

Қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги коррупцияга қарши курашишнинг асосий принципларини ташкил этади.

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг самарали ижро этилиши-ни таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқиладиган давлат дастурлар асосида амалга оширилиши, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилди.

Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланиши, нодавлат нотижорат ташкилотлари коррупцияга



қарши курашиш бўйича назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Идоралараро комиссия ва ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятида, шунингдек, давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоат-маслаҳат органлари фаолиятида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этадилар, бундан ташқари, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бевосита, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ҳам амалга

ошириш ваколатига эга бўлдилар. Қонунда, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи комиссия ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари аниқ тизимли равишда белгилаб берилди.



Бу иллатга қарши самарали курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган ҳамда коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Жумладан қонунда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши

курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар, хусусан коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир тушунтириш ишларини амалга ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш самарали натижа беришлиги қайд қилинган.

Коррупция фуқороларнинг давлат бошқаруви органларига бўлган ишончини йўқолишига олиб келиш билан бипр қаторда уюшган жиноятчиликнинг авж олишига ҳам замин яратади.

Барча демакратик давлатлар коррупциянинг ривожланишига қарши ҳамжихатликда кураш олиб боришни ўзларининг асосий вазифаси деб билиб, 2003 йил 31 октябрда БМТ нинг Коррупцияга қарши Конвенцияси қабул қилинишига эришдилар

ва бунга 160 дан ортиқ давлатлар аъзо бўлишди.

Ҳуқуқий онгни юксалтириш, коррупцияга қарши кураш ва бу иллатнинг олдини олиш чораларини кўришга бағишланган мавзуларни ОАВларида кенг тарғиб қилишимиз, ёш авлодни олий таълим, касб-хунар коллежлари, мактабларда ўқитишимиз албатта, ўз самарасини беришига ишонамиз.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, коррупцияга қарши сезиларли зарба бериш учун аввало, қонунустуворлигига, жиноятга қўл урган кимсаларга нисбатан жазо муқаррарлигига амалда эришимиз, қолаверса, ҳар бир ватандош ўзларининг ҳуқуқ ва бурчларини яхши билгани ҳолда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан амалда кенг жамоатчилик назоратини ўрнатишда фаол иштирок этиши ва бу борада ҳар биримиз жонбозлик кўрсатишимиз айти муддао деб биламан.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ

Нуриббетов Тимур Узакбергенович,

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети халқаро алоқалар бўйича проректори

Аннотация. Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг табиий-иқлим шароити, сув танқислиги ва ер шўрланиши билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Деҳқон шахсий ёрдамчи хўжаликларининг аҳамияти, соҳадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича истиқболли йўналишлар ёритилган.

Таянч сўзлар: қишлоқ хўжалиги, деҳқон хўжаликлари, сув танқислиги, ер шўрланиши, суғориш тизими, агросаноат кластер, барқарор ривожланиш.

Кириш. Қорақалпоғистон Республикаси — Ўзбекистоннинг шимолида жойлашган, маъмурий-ҳудудий жиҳатдан алоҳида мақомга эга бўлган мустақил республика ҳисобланади. Республика ҳудуди катта қисми билан текис плато — Устюрт ва Амударё оралиғидаги Қорақалпоқ паст текислигидан иборат бўлиб, денгиз сатҳидан паст жойлашган. Бу ерда тоғ ва тоғолди ҳудудлар мавжуд эмас, яъни тупроқ-иқлим шароити ва рельеф хусусиятлари қишлоқ хўжалигига муайян чегаралар қўяди.

Минтақада лалми ерлар деярли йўқ ва деҳқончилик фақат суғориладиган ерларда амалга оширилади. Суғориш учун асосий манба — Амударё бўлиб, унинг сув ресурслари ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги ривожини учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Аммо охириги йилларда сув ресурсларининг кескин камайиши, Орол денгизи фожияси ва ерларнинг шўрланиши оқибатида суғориш имкониятлари чекланиб бормоқда. Шу боис қишлоқ хўжалигида юқори самарадорликка эришиш учун сувни

тежовчи технологиялар, мелиорация ишлари ва ҳосилдор навлардан фойдаланиш долзарб масалага айланди [1].

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласи нафақат иқтисодий, балки экологик барқарорлик нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Ушбу мақолада минтақа-нинг қишлоқ хўжалиги соҳасига таъсир этувчи табиий, иқтисодий ва ижтимоий омиллар, шунингдек, унинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш истиқболлари таҳлил қилинади.

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ҳудуд иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Географик ва табиий шароитларга боғлиқ ҳолда қишлоқ хўжалиги асосан суғориладиган ерларда олиб борилади ва деҳқончилик ҳамда чорвачилик асосий соҳалар сифатида фаолият юритади.

Тадқиқот материаллари ва услуги.

Ушбу тадқиқотда Қорақалпоғистон Республикасидаги қишлоқ хўжалиги ҳолатини ўрганиш учун расмий статистик маълумотлар, давлат ҳисоботлари, илмий нашрлар ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланилди.

Таҳлил жараёнида муқобил солиштира таҳлил, динамик ўсиш кўрсаткичлари, ҳамда тизимли ёндашув асосида соҳадаги мавжуд муаммолар ва имкониятлар баҳоланди.

Таҳлил ва натижалар. Республикада экин майдонлари асосан пахта, дон, сабзавот ва полиз маҳсулотларига ихтисослашган. Суғориш имкониятлари чекланганлиги сабабли етиштирилаётган экин турлари

мослашувчанликни талаб қилади. Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бош бошқармасининг маълумотларга кўра 2010 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 250,7 млрд сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилда 2 805,2 млрд сўмга етди. Бу ўсиш 11,2 баробарга тенгдир, яъни ўртача йиллик ўсиш суръати 10,2–11,3% атрофида бўлди. Ўртача йиллик ўсиш суръати эса 2021–2023 йилларда 102,8–106,9% оралиғида сақланиб келмоқда. Бу аҳоли талабини қоплаш ва экспорт имкониятларини кенгайтиришга замин яратмоқда [3].

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий омиллардан бири — сув ресурсларининг танқислиги ва ерларнинг шўрланишидир.

Худуддаги асосий суғориш манбаи бўлган Амударё дарёсининг сув оқими сўнгги ўн йилликларда изчил камайиб бораётгани сабабли, суғориш имкониятлари чекланиб, экин майдонларида сув етишмовчилиги юзага келмоқда. Бу эса экин ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, агротехник тадбирларнинг етарли даражада амалга оширилмаслиги, суғориш тизимларининг самарасизлиги ва табиий шароитлар туфайли худуддаги қишлоқ хўжалиги ерларининг тахминан 70 фоизга яқини шўрланган.

Ерларнинг шўрланиши туфайли ўсимликлар ривожланиши сустлашади, тупроқнинг унумдорлиги кескин пасаяди ва натижада, умумий ҳосилдорлик камаяди. Шунинг учун худудда мелиорация ишларини

кенг кўламда ва тизимли равишда олиб бориш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ жойларда аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилмоқда ва мазкур тармоқ уларнинг асосий тирикчилик манбаи ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, ҳудуддаги иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт кўп жиҳатдан аграр секторга боғлиқ. Жумладан, деҳқон шахсий ёрдамчи хўжаликлари бу соҳада алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар нафақат аҳолининг ўзини ўзи озиқ-овқат билан таъминлашини, балки ички бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан барқарор таъминлашни ҳам таъминлаб беради.

Деҳқон шахсий ёрдамчи хўжаликлари — юридик шахс мақомига эга бўлмаган, аҳолига тегишли бўлган ер майдонида амалга ошириладиган хўжалик юритиш шакли бўлиб, уларнинг мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ўрни жуда юқори.

Статистик маълумотларга кўра, республика бўйича гўшт маҳсулотларининг 94,6 фоизи, сутнинг 91,5 фоизи, ҳамда тухумнинг 73,5 фоизи айнан ана шу шахсий ёрдамчи хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади.

Бу рақамлардан кўринадики, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигида, хусусан, ҳайвонот маҳсулотлари билан таъминлашда шахсий хўжаликлар ҳал қилувчи роль ўйнамоқда [2].

Ушбу хўжаликлар одатда кичик ҳажмдаги ер майдонида картошка, сабзавот, полиз ва мева етиштириш, қорамол, қўй, эчки ва парранда боқиш каби фаолият

турлари билан шуғулланади. Улар фақатгина ўз эҳтиёжлари учун эмас, балки ортиқча маҳсулотни бозорга чиқариш орқали ҳам иқтисодий фаол субъектлар сифатида намоён бўлмоқда.

Сўнгги йилларда қишлоқ жойларда аграр ислохотлар доирасида шахсий хўжаликларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, уларни арзон кредитлар билан таъминлаш, уруғ ва техника билан ёрдам бериш, агротехнологик маслаҳат хизматлари кўрсатиш, бозор инфратузилмасини яратиш, маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотиш занжирларига жалб этиш каби чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шунингдек, аёллар ва ёшларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлардаги иштироки учун алоҳида грант дастурлари, микрокредитлар ва ўқув курслари ташкил этилиб, қишлоқ жамиятларининг ижтимоий барқарорлигига ҳисса қўшилмоқда.

Натижада, деҳқон шахсий хўжаликлари нафақат иқтисодий, балки ижтимоий барқарорлик ва аҳоли фаровонлиги учун ҳам муҳим тизимга айланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш учун биринчи навбатда сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш долзарб вазифалардан биридир.

Бунинг учун томчилатиб суғориш, фавворали суғориш ва шу каби сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш талаб этилади. Шу билан бирга, шўрланиш даражаси юқори бўлган ерларни мелиорация қилиш ва биологик муқобил усуллар орқали

уларни қайта тиклаш муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллий иқлимга мос, кам сув талаб қиладиган ва шўр ерларга чидамли бўлган юқори ҳосилдор навларни танлаш ҳам ҳосилдорликни оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, аграр таълимни такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва инновацион ечимларни амалиётга жорий этиш орқали соҳанинг илмий асосда ривожланишига эришиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ янги, муқобил йўналишлар — хусусан, экологик туризм, органик деҳқончилик, табиий озиқ-овқат етиштириш ва қайта ишлаш соҳаларидаги лойиҳаларни ривожлантириш ҳудудда иқтисодий диверсификация ва аҳоли бандлигини оширишга олиб келади.

Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ жойларда ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса. Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳаси табиий-иқлим шароити, сув ресурсларининг чекланганлиги ва ерларнинг шўрланиши билан боғлиқ ҳолда ўзига хос хусусиятларга эга.

Суғориш имкониятларининг тобора камайиб бориши, лалми ерларнинг мавжуд

эмаслиги ва Орол фожиаси оқибатида юзага келган экологик муаммолар соҳанинг барқарор ривожига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, республикада етиштирилаётган асосий экинлар — пахта, дон, сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳудуднинг иқтисодий фаоллиги ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутати.

Деҳқон шахсий ёрдамчи хўжаликлари гўшт, сут ва тухум ишлаб чиқаришда асосий таъминловчи манба сифатида ажралиб турибди. Иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан улар аҳолининг даромадини таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва қишлоқ жойларда барқарор турмуш шароитини яратишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Соҳани истиқболда ривожлантириш учун сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш, мелиорация ишларини кучайтириш, инновацион ёндашувларни жорий этиш ва муқобил аграр йўналишларни ривожлантириш талаб этилади. Бу орқали Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалигини экологик ва иқтисодий жиҳатдан барқарор тизимга айлантириш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Qishloq xo'jaligi vazirligi. (2020). Qishloq xo'jaligi sohasini rivojlantirish konsepsiyasi. Toshkent: Qishloq xo'jaligi vazirligi nashriyoti.
2. Jo'rayev, J. J., & Rajabov, M. M. (2022). Qoraqalpog'iston Respublikasida suv resurslaridan foydalanishning iqtisodiy masalalari. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, (6). <https://iqtisodiyot.uz>
3. Davlat Statistika Qo'mitasi. (2023). Qoraqalpog'iston Respublikasining asosiy makroiqtisodiy ko'rsatkichlari (2010–2024 yillar). <https://stat.uz>

АГРОТЕХНОЛОГИЯ ВЫРАЩИВАНИЯ АФРИКАНСКОГО ПРОСА

Норкулов У.¹, Эшонкулов Ж. С.¹, Абдумажитов А. А.², Абдумажитова Р. Р.³,

¹профессор ТошДАУ

²докторант ТошДАУ

³преподаватель ТашГАУ

Аннотация. В статье представлены результаты экспериментальных исследований по выращиванию проса африканского с использованием системы орошения. Предложена принципиальная схема полива. В статье представлены результаты исследований по разработке схемы полива африканского проса в условиях регионов Узбекистана. Выявлены оптимальные фазы полива, нормы орошения и их влияние на продуктивность культуры. Установлено, что рациональная схема полива позволяет значительно повысить урожайность зерна и биомассы проса при сохранении водных ресурсов.

Следует учитывать, что внесение удобрений создаёт благоприятные условия не только для культурных растений, но и для сорняков, что, несмотря на определённое подавление последних быстрорастущими культурами, может привести к росту общей засорённости посевов. Поскольку сорные растения поглощают больше питательных веществ, чем культурные, для компенсации потерь макроэлементов применяются минеральные удобрения, которые способствуют доминированию культурных растений при соблюдении всех норм агротехники.

С учётом актуальности задачи повышения урожайности проса в засушливых регионах Узбекистана проводятся исследования по изучению влияния различных факторов (погодных условий, засорённости посевов, предшественников, минеральных удобрений) на продуктивность культуры при севооборотах и бессменном возделывании в степной зоне.

Ключевые слова: агротехника, африканское просо, удобрения капельное орошения, урожайность.

Введение. В сельскохозяйственном производстве в настоящее время выращивается ограниченное количество полевых культур. Включение нетрадиционных культур в севообороты может обеспечить стабильность и устойчивость сельского хозяйства. Как кормовая культура, малоизученное просо африканское (*Pennisetum americanum*) обладает огромными биологическими свойствами и высоким потенциалом урожайности. В мире, и Узбекистане уделяется большое внимание разработке и внедрению в практику мер, направленных на коренное реформирование механизмов использования природных ресурсов, обеспечение их рационального и эффективного использования, поддержку и стимулирование внедрения экономически эффективных технологий. Изменения климата, рост численности населения республики требуют повышения эффективности использования земельных и водных ресурсов при производстве сельскохозяйственной продукции.

Просо африканское представляет большой интерес в пищевой промышленности благодаря своим многочисленным биологическим особенностям и свойствам.

Урожайность проса африканского зависит от влияния внешней среды и условий выращивания

Африканское просо имеет преимущество перед кукурузой по пищевой ценности: даёт урожая за вегетационный период. Сегодня проводятся исследования новых сортов высокобелковых зерновых культур и агротехники их возделывания, изучается питание проса африканского, потребность в минеральных удобрениях, агротехника возделывания..

Форма и сорт проса африканского, собранного для посева на большой площади, должны быть адаптированы к разным сезонам вегетации. В засушливой зоне высаживают низкорослые формы и сорта, а во влажной – долголетние сорта.

Заготовку проса африканского на силос производят главным образом в период колошения так как именно в это время в паренхиме стебля накапливается наибольшее количество сахара.

Уникальной особенностью африканского проса по сравнению с другими злаками является то, что листья и стебли остаются зелёными до момента сбора урожая. Плюсом этой особенности является то, что в засушливый год наполнение зерна происходит за счет необходимых веществ листьев и стеблей.

Полевые эксперименты в 2022-2023 годах проведены в экспериментальном хозяйстве ТашГАУ. Механический состав почвы опытного поля – тяжёлый песок, типичного серого цвета, подземные воды расположены на глубине 15 м, орошаются и обрабатываются.

Перед вспашкой на гектар вносили 5-10 тонн местных удобрений и проводили агропахотные мероприятия. В данном случае землю вспахивали на тракторе МТЗ-130, проводили мульчирование и засевные агромероприятия из расчёта 60 кг удобрений на гектар.

На опытном участке высеяны сорта африканского проса ННВС «высокий» и ІСТР8203 Эксперимент содержит 6 вариантов, в каждом варианте по 8 рядов, расстояние между рядами 70 см, $8 \times 7 = 5,6$ метра, длина ряда 50 метров, $5,6 \times 50 = 280$, площадь каждого участка составляет 280 м², в четырех повторностях, в одном ярусе

В 2022/2023 году в условиях орошаемых типичных серозёмов Ташкентской области сорта высаживали по системе 70х7 см. За вегетационный период сортов проса африканского на опытном поле проведены обработка и прополка. Посев сортов проса африканского на посевных полях проводился с междурядьями 70 см. Семена полностью

прорастали через 6-9 дней, а междурядную обработку проводили в зависимости от роста и развития растений и в зависимости от влажности почвы.

Одновременно с посадкой произведён полив полностью. Вода поступает в корнеобитаемый слой почвы. С водой в почву подают питательные вещества.

Рекомендуемая схема полива при или бороздовом орошении

Фаза развития	Срок полива (дней после посева)	Норма полива (м ³ /га)	Кол-во полив
До всходов (предпосевной влагозарядковый полив при необходимости)	-	500–800 м ³ /га	1
Всходы — кущение	10–15 дней	600–700 м ³ /га	1
Выход в трубку	30–35 дней	700–800 м ³ /га	1
Колошение — цветение	50–55 дней	800–1000 м ³ /га	1
Молочная спелость	65–70 дней	600–700 м ³ /га	1

По фенологическим наблюдениям. В апреле 2023 года на опытном поле посажены сорта проса африканского NNVBC высокорослое и ICTP8203. Первые всходы появились через 13 дней и полное всходы наблюдалось 23 апреля. Полевые испытания 2023 года высажены 3 апреля. Первые всходы появились через 11 дней, а общая динамика всходов наблюдалась 14-15 апреля. Опыты 2022 г. показывают, что в мае средняя высота растений составляла 47-48 см у сорта NNVBC высокорослый и 44-45 см у сорта ICTP8203.

При фенологических наблюдениях июня высота растений у высокорослого сорта NNVBC составила в среднем 115-119 см. Сорт ICTP8203 имел высоту 105-110 см. Видно, что

наблюдалась высота NNVBC high по сравнению с сортом ICTP8203. Высокий сорт NNVBC имеет быстрый вегетационный период.

Поскольку сорт ICTP8203 быстрорастущий, его вегетационный период составил 95-97 дней. Длина побегов на стебле составила 26,6-28,4 см.

Зерна африканского проса имеют округлую, овально-округлую или овально-продолговатую форму, цвет зерна бледно-жёлтый, желто-коричневый, красный, серый, коричневый и масса 1000 зёрен 4,7-4,8 г.

Структура семян проса аналогична структуре семян других зерен и разделена на три части: эндосперм, стручок и плод. В целом применение органических удобрений

при повышении урожайности зерна проса африканского приводит к удлинению колосков, увеличению массы 1000 зерен. был отмечен положительный эффект.

Результаты по урожайности достигнуты на основе полевых опытов, проведенных по агротехнологии выращивания проса африканского органическим способом в условиях орошаемых типичных серозёмов Ташкентской области. Увеличение доли органических удобрений на урожайность проса африканского также привело к формированию дополнительного урожая, что подтвердилось результатами проведённых опытов. Дополнительная урожайность по вариантам. На контрольном варианте сорта ННВС высокий в среднем за 2 года исследований достигнута урожайность 8,5 ц/га.

При применении препарата средняя урожайность зерна составила 15,0 ц. /га, при увеличении внесения органических удобрений на 5 тонн удалось повысить урожайность на 2 ц/га и получить урожайность зерна африканского проса 17 ц/га с гектара. Дополнительная урожайность по вариантам на контрольном

варианте сорта «ІСТР8203» за средние 2-летние исследования достигнута урожайность из расчёта 7,05 ц/га.

В 5-м варианте опыта экспериментаторы внесли 20 т. навоза и препарата Ризоком-1. при внесении средняя урожайность зерна составила 12,5 ц/га, при увеличении продукта органического навоза на 5 тонн это привело к увеличению урожайности на 2,4 ц/га и урожайности зерна 14,1 ц/га. га на гектар.

Выводы. Точечное распределение водных и питательных веществ. Орошения позволит поддерживать оптимальный водно-воздушный баланс во время вегетационного периода. Экономное - точечное внесение подкормок и удобрений, химических средств защиты растений растворимых в жидкости. Максимальная эффективность внесения удобрений с водой.

Подкормка вносится в корневую область вместе с поливом. Скоротечное и интенсивное впитывание питательных веществ в развитую корневую систему. Эффективный способ возделывания сельскохозяйственных культур в засушливых регионах

Использованная литература:

1. Перспективность внедрения проса на землях Азии К.Тодерич, И.Массино, Ташкент
2. 2016 Основы технологии сельскохозяйственного производства. Земледелие и растениеводство. Под ред. В.С. Никляева. - М.: «Былина», 2015. - 555 с.
3. http://old.tuvsu.ru/upload/shf/VKR/tehnologia/bacalavr/2016%20ZFO/Maadir_A_V.pdf
4. Norkulov U., Eshonqulov J.S // Growth and development of sunflower planted after flooding of sardoba reservoir // International Multidisciplinary Conference Hosted from Manchester (25th August 2023). – England, 2023. – P. 15-19.

ДЎЗАНИ ТОМЧИЛАТИБ СУДОРИШДА ТУПРОҚНИНГ СУВ ФИЗИК ХОССАЛАРИ

Камилов Б. С.¹, Зиятов М. П.², Бобоев С. Ш.³, Шарипова М. С.⁴,

¹қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим,

²қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим,

³кичик илмий ходим,

⁴мустақил тадқиқотчи,

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада Тошкент вилоятининг эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида, ўзанинг районлашган, янги ва истиқболли навларининг илдиз тизими томчилатиб суғориш (ТС)га мосларини танлаш ва уларни ресурстежамкор парваришлаш технологияси устида олиб борилган илмий изланишлар натижалари келтирилган.

Бунда ўзани С-6524(назорат), С-6570, С-8298, Порлоқ-4 ва Сурхон-104 навлари ТСда ҳамда эгатлаб суғоришда солиштириб ўрганилган. Мавсум давомида ўзанинг ривожланиши ҳамда тупроқ ва суғоришлар устида ўтказилган кузатувлар натижасида куйидаги маълумотлар олинди. Тадқиқотларда ўза навлари тупроқнинг чекланган дала нам сифими (ЧДНС) нисбатан икки хил намликда 65-70-65 ва 70-75-65% тартибларда суғорилиб ўрганилди.

Даладаги ўсимликлар кучат қалинлиги гектарига ўртача 90-95 минг тупни ташкил этди. Ўза ТСда 1-тартибда 11 марта, ўртача 303-388 м3/га, 2-нисбатан юқори тартибда эса 13 марта, ўртача 270-380 м3/га меъёрида суғорилди, мавсум давомида мутаносиб равишда жами 3840 ва 4117 м3/га сув сарфланди.

Бунда, эгатлаб суғорилган назоратда ўртача жами 5950 м3/га ёки ТС орқали тартибда суғорилган вариантларга нисбатан 35 ва 38 % сув кўп сарфланганлиги аниқланди.

Синалган навлар орасида маҳсулдорлик бўйича ўзанинг С-8298 навида кузатилиб, эгатлаб суғоришда 1 ц пахта ҳосили етиштириш учун бошқа навларга нисбатан энг кам-146,9 м3 сув сарфланиб, 37,1 ц/га ҳосил олишга эришилди.

ТСда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан, 65-70-65 % бўлган вариантида ҳам юқори ҳосил С-8298 навидан олинди, ёки 1 ц ҳосил етиштириш учун нисбатан кам 89,9 м3сув сарфланиб, 39,1 ц/га ҳосил олинди, суғориш тартиби 70-75-65 % вариантда эса 1 ц пахта ҳосили етиштириш учун 95,6 м3сув сарфланиб, энг юқори-43,5 ц/га ҳосил олишга эришилди.

Таянч сўзлар: типик бўз тупроқ, ғўзани томчилатиб суғориш технологияси, суғориш меъёри, тупроқ намлиги, ҳисобий қатлам, сув ўтказувчанлик, кўсак сони, сув тежамкорлиги, пахта ҳосили.

Кириш. Мамлакатда йилдан-йилга ўсиб бораётган аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, тўқимачилик саноатини эса қимматли хомашёга бўлган талабини қондириш, экинларни, шу жумладан, ғўза майдонларини етарли миқдорда суғориш суви билан таъминлаш катта роль ўйнайди.

Ушбу муаммо йилдан-йилга тобора кучайишини ҳисобга олса, мавжуд сув захираларидан самарали фойдаланиш, сув ҳамда ресурс тежовчи технологияларни қўллаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳон пахтачилигида ғўзани суғориш ва озиқлантиришда янги инновацион технологияларни қўллаш орқали тупроқда ўсимлик илдизи тарқалган фаол қатламни бир текис намлаш ҳамда минерал ўғитлардан фойдаланиш коэффицентини оширишга эришилмоқда. Ўсимлик учун тупроқда мақбул намлик, ҳаво, иссиқлик ва озиқа тартиби яратилганда унинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашади, юқори ва сифатли ҳосил олинади.

Республикада қишлоқ хўжалиги соҳасининг асосий тармоғи бўлмиш пахтачиликда ер, сув ва бошқа мавжуд табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда юқори ҳосилдорликка эришишни таъминлайдиган замонавий инновацион ишланмалардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, ҳудудларининг

тупроқ-иқлим шароитларига мос, маҳаллий олимлар томонидан яратилган янги ва истиқболли ғўза навларини самарали, сувтежамкор комплекс усулларни қўллашга асосланган агротехнологиялар ҳамда илмий асосланган чора-тадбирлар мамлакат деҳқончилигида тўлиқ ўз ўрнини топмаган.

Шунингдек, ҳозирги кунда кенг майдонларда қўлланиб келинаётган ТС технологиясида тупроқни намлаш жараёнининг ўзига хослиги, имкониятлари чегараланганлиги, бу ҳолатга мос ғўза навларини танлашга кам эътибор қаратилмаганлиги ҳисобланади.

Мазкур тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги “Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4087-сон қарорининг 11-бандида белгиланган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда маҳаллий ва жаҳон илм-фани ва амалиётининг энг яхши ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда 2019-2020 йилларда томчилатиб суғориш учун мослаштирилган илдиз тизимига эга ғўза навларини етиштириш агротехнологиясини

яратиш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борсин” топшириғи ижросини таъминлашга қаратилганлигида.

Бугунги кунда республикамизда пахтачилик тармоғида ғўзани суғоришда ресурстежамкор технологияларни қўллаш орқали юқори натижаларга эришилмоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда пахта майдонларида ғўзани томчилатиб ва қатор орасига полиэтилен плёнка тўшаб суғориш ва бунда минерал ўғитларни сувда эриган ҳолда (фертигация) қўллаш ҳамда суғоришда сувни эгатга сунъий эгилувчан қувурлар орқали тақсимлаш нафақат сувни тежаш, балки ўғитлардан самарали фойдаланиш имкониятини яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сон фармони билан 2019-2022 йиллар давомида 253381 га экин майдонида сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг прогноз кўрсаткичлари тасдиқланган.

Шунингдек, масалага тегишли топшириқлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Қишлоқ хўжалигидасувнитежайдигантехнологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-144-сонли қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган.

Юқорида келтирилган фармон, қарорлар ҳамда меъёрий ҳужжатларнинг топшириқларидан келиб чиқиб, мазкур амалий лойиҳа Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари (ПСУЕАИТИ) ҳамда Ирригация ва сув муаммолари (ИСМИТИ)

илмий-тадқиқот институтлари ҳамкорлигида амалга оширилган.

Адабиётлар шарҳи. Академик С. Н. Рыжов [9] ғўзанинг яхши ўсиб, ривожланиши ва юқори ҳосил бериши учун ҳар қандай шароитда ҳам тупроқнинг суғориш олди намлигини ЧДНС га нисбатан 65-70 % атрофида ушлаб турилиши, шўрланишга мойил майдонларда эса тупроқ эритмаси концентрациясини пасайтириш мақсадида, намлик ЧДНС га нисбатан 75% сақлаш зарурлигини тавсия этган.

Б. Доспеховнинг [5] аниқлашича тезпишарлиги турлича бўлган ғўза навлари турли тупроқ-иқлим шароитларида ривожланиш даврларига қараб, ҳар хил тупроқ намлигини талаб қилади. Шунинг учун ҳар бир ғўза навига мос ҳолда мақбул тупроқ намлиги режимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Одатда, суғориш олди тупроқ намлигининг ЧДНСга нисбатан энг кам миқдори ўсимлик илдиз тизими жойлашган қатламда 65-65-60 (65)%, 65-70-60(65)%, 70-70-60(65)%, 70-75-60(65)%, 75-75-60(65)% ва хатто ундан ҳам юқори 80-80-60(65)% кўрсаткичга тенг бўлганда ғўзага сув бериш тавсия этилади. Бунда, уч ҳадли кўринишнинг биринчиси ғўзани шоналаш давригача, иккинчиси гуллаш-ҳосил тўплаш, учинчиси кўсақларни очилиши давридаги тупроқ намлиги билан ифодаланади.

Шўрланган сизот сувлари сатҳи яқин жойлашган майдонларда тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-65%, 70-80-65% ва 80-80-65% тартибда белгилаш юқори самара беради.

Олим томонидан ўсимликни суғоришда тупроқда тўпланган намлик билан ЧДНС белгиланган намлик ўртасидаги фарқ 1-2 фоиздан ошмаслигини таъкидлаб ўтилган.

Сўнги йилларда Н.Х.Дурдиев томонидан [8] ўтказилган тадқиқотларида, типик бўз тупроқнинг сув физикавий ва агрофизик хусусиятлари таҳлил қилиниб, дала нам сиғими 0-70, 0-100 см қатламларда мутаносиб равишда 21,1-21,6 ва 21,2-21,8 % ташкил этган.

Суғориш ишлари тупроқнинг ЧДНСга нисбатан 70-70-60% режимда ўтказилганда ғўза мавсуми якунида ҳажм массаси 0-30,0-50,0-70 ва 0-100 см қатламларда тегишлича 0,02-0,04 г/см³ га ошганлиги, ЧДНСга нисбатан 70-75-65 % да эса бу кўрсаткичлар 0,03-0,06 г/см³ бўлган. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги амал даври охирига келиб, ЧДНСга нисбатан 70-70-60% ва 70-75-65% суғориш тартибларида тегишлича 49 ва 95 м³ /га камайиши аниқланган.

Муаллиф, ушбу тупроқлар сувга чидамсиз структурали бўлиб, суғоришлар натижасида диспергацияга учрайди ва сув ўтказувчанликни пасайтиришга олиб келади деган хулоса қилган.

Томчилатиб суғориш технологиясини ғўзада синовлари бўйича Г.Безбородов, Б.Камилов, М.Эсанбековларнинг [4] маълумотларига кўра, ўсимликлар эгат орқали суғоришда мавсум давомида ўртача 5673 м³/га, сув сарфлаган бўлса, томчилатиб суғоришда 3663 м³/га сув сарфланган ва гектарига 1810 м³ ёки 31,9% сув тежалишига эришилган.

М.Авлияқулов ва Б.Матякубов [3] томонидан ғўзага ТС қўллаш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларда эгатлаб суғоришга нисбатан 35-40% гача азотли ўғитлар, 40-55% гача суғориш суви тежалиши, меҳнат сарфи 1,5-2 маратобадан камайиши ва пиравордида пахта ҳосили гектарига 8-10 центнерга ошиши аниқланган.

Т.Дуйсенов, Б.Камиловларнинг [7] таъкидлашича, Мирзачўлнинг ўрта ва енгил қумоқли ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида

эгат узунлиги 100 м бўлган майдонда парваришланган ғўзани суғоришларини гуллашгача бўлган даврда эгат оралатиб, кейинги даврда эса ҳар бир эгатдан ўтказиш амалга оширилганда юқори самарадорликка эришилган.

Ўғзани ТСда минерал ўғитларни сув билан бирга бериш, тупроққа сочиб қўллашга нисбатан 50%гача тежайди, мақбул озикланиш тизими вужудга келади ва ғўза ҳосили 5,6-7,1 ц/га юқори бўлади.

Юқорида номлари келтирилган олимлар тавсияларининг моҳияти шундан иборатки, эгатдаги сув оқими ва эгат узунлиги тупроқ сув-физик хусусиятларига жойнинг нишоблигига ва майдоннинг текисланганлигига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

А.Шамсиев [10] тадқиқотларида ғўза қатор ораси мульчаланган тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий хоссалари ҳамда иссиқлик, ҳаво, микробиологик режимига, ўсимликни ўсиши, ривожланиши, ҳосил тўплашига ижобий таъсири кўрсатиши кузатилган. Ўғзани қатор оралатиб ЧДНСга нисбатан 65-70-60% суғоришда 30-40% сув тежалиши, пахта ҳосилдорлиги эса гектарига 6-8 центнерга ошиши аниқланган.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда салоҳиятли олимларнинг кўп йиллик тажрибалари натижасида тўплаган маълумотлари, илмий хулосалари ва амалий тавсияларига таянган ҳолда ҳамда амалга ошириш суғорма деҳқончиликнинг асосини ташкил этади.

Чунки, мавжуд ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш арзон, иқтисодий самарадорлиги юқори ва сифатли ҳамда экологик тоза маҳсулот етиштиришни таъминлайди.

Тадқиқот объекти ва услуги.

Тадқиқотлар А-КХ-2019-40 рақамли амалий лойиҳа материаллари асосида ПСУЕАИТИ Марказий тажриба хўжалиги далаларида олиб борилган. Тажриба майдони автоморф, эскидан суғориладиган, механик таркиби ўрта ва оғир қумоқ, типик бўз тупроқлар билан қопланган.

Илмий тадқиқотларда ғўзанинг “С-6524”, “С-6570”, “С-8298”, “Порлоқ-4” ва “Сурхон-104” ва навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-65 ва 65-70-65 фоизда томчилатиб суғориш ҳамда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 фоизда эгатлаб суғоришда илдиз тизимининг ривожланиши бўйича дала тадқиқотлари олиб борилди.

Тажрибада ғўза навлари, тупроқ ва сув устида олиб борилган барча кузатувлар, ҳисоб-китоблар ПСУЕАИТИда қабул қилинган қўлланмалар ва илмий-амалий тавсиялар ҳамда услубларга қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилди.

Шу жумладан, дала тажрибаларида ғўза ўсимлиги устида биометрик ўлчовлар, тупроқ, ўсимлик намуналари таҳлиллари “Методика полевых опытов с хлопчатником” (1981), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) бўйича ўтказилди.

Тадқиқот натижалари. Қишлоқ хўжалиги экинларидан, шу жумладан ғўза ўсимлигидан мўл ва сифатли ҳосил маҳсулоти олишда тупроқларнинг агрофизикавий ва сув-физикавий кўрсаткичларининг мақбул меъёрга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Айниқса турли ғўза навларини тежамкор суғориш технологиясини ишлаб чиқишда тупроқнинг бу хусусиятини мақбул тартибда сақлаш зарур. Марказий Осиё, ҳусусан Ўзбекистон тупроқларининг сув-физикавий хоссаларининг

ғўзани сув режимига, ўсиши ривожланиши ва илдиз тизимга таъсирини С.Н.Рижов, Н.И.Зиминова (1969), В.П.Кондратюк (1972), М.Мухаммаджанов ва С.Сулеймановлар (1973), А.Э.Авлиёқулов (1985), каби маҳаллий олимлар ўрганишган.

Маданийлашган ва эскидан суғорилиб келинаётган бўз тупроқлар минтақаси учун улар хажмий массанинг мақбул кўрсаткичи сифатида 1,2-1,3 г/см³ қабул қилганлар.

Шунингдек, бу олимлар тупроқ ҳайдов қатламини хажмий массасининг энг юқори кўрсаткичи оғир механик тупроқларда кузатилиб 1,5 г/см³ гача етиши мумкинлигини кўрсатиб ўтганлар. Илмий лойиҳа бўйича дала тажрибалари ўтказилган майдонларда тупроқнинг хажмий массаси ва ғоваклиги дала шароитида аниқланган.

Бу кўрсаткичлар энг муҳим агрофизикавий хоссаларидан бири бўлиб, ўсимликнинг илдиз тизими тупроқ қатламида тарқалиши, уни ер устки қисмини бир маромда ўсиб ривожланиши, ҳосил элементларини шаклланиши ва ҳосилдорликни ошишига ўз таъсирини кўрсатади.

Тадқиқотларда, эрта баҳорда тажриба вариантларини жойлаштиришдан олдин даланинг диагонали бўйича уч нуқтадан кесмалар қазилиб тупроқнинг хажмий массаси 0-100 см чуқурликкача ҳар 10 см қатламлар бўйича аниқланди, ғоваклик эса солиштирма оғирликдан (2,70 г/см³) келиб чиқиб ҳисобланди. Ўтказилган аниқлашлар ва уларнинг таҳлиллари натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, эрта баҳорда, ғўзани амал даври бошида тупроқларнинг хажмий массаси ва ғоваклиги 0-30 см ҳайдов қатламида 1,27 г/см³ ва 52,9

%, 0-50 см қатламида 1,32 г/см³ ва 51,2 %, мос равишда ўртача 1,35-1,36 г/см³, 50,0-49,6 пастки 0-70 см, ҳамда 0-100 см қатламларида фоизни ташкил этганлиги кузатилди.

1-жадвал

Тажриба даласи тупроғининг ҳажмий массаси ва ғоваклиги

Қатламлар, см	0-30	0-50	0-70	0-100
Амал даври бошида (Умумий фонда)				
Ҳажмий масса, г/см ³	1,27	1,32	1,35	1,36
Ғоваклик, %	52,9	51,2	50,0	49,6
Амал даври охирида (вариантлар бўйича)				
Эгатлаб суғориш 70-70-60%	1,35	1,41	1,43	1,44
Ғоваклик, %	50	47,7	47,0	46,6
ТС 65-70-60 %	1,29	1,33	1,37	
Ғоваклик, %	52,2	50,7	49,2	
ТС 70-75-65%	1,30	1,34	1,38	
Ғоваклик, %	51,8	50,3	48,8	

Шунингдек, қуйидаги қонуниятни кўриш мумкин, яъни баҳордан кеч кузга қадар ва ҳамда тупроқ юзасидан генетик қатламлар бўйича пастга қараб чуқурлашган сайин, ҳажмий массанинг ортиб бориши (1,44 г/см³гача) ғовакликнинг эса маълум даражада пасайиб

(46,6%) бориши кузатилди. Батафсил таҳлиллар натижасида, ғўза ҳар-хил тупроқлар шароитида парваришланаётганлигига қарамасдан ҳажмий масса ва ғоваклик кўрсаткичларига ўсимлик навларининг деярли таъсир этмаганлигини кўриш мумкин.

2-жадвал

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, м³/га

Вариантлар	Кўрсаткичлар	Соатлар						6 соатда
		1	2	3	4	5	6	
Амал даври бошида (март)								
Умумий фонда	м³/га	423	177	100	72	62	48	882
	мм/мин	0,71	0,29	0,16	0,11	0,10	0,07	0,24

Амал даври охирида (ноябрь)								
Эгатлаб суғориш (70-70-60%)	м ³ /га	208,7	152,8	117,0	76,2	60,9	51,4	657,0
	мм/мин	0,34	0,25	0,18	0,11	0,08	0,07	0,17
ТС (65-70-60%)	м ³ /га	253,0	159,9	134,6	102,2	94,9	73,8	818,4
	мм/мин	0,42	0,27	0,22	0,18	0,16	0,12	0,23
ТС (70-75-65%)	м ³ /га	228,7	165,5	121,7	102,4	91,3	66,0	775,6
	мм/мин	0,38	0,28	0,28	0,18	0,15	0,11	0,23

Чунки, тупроқларнинг агрофизикавий хусусиятлари қисқа вақт (2-3 йил) ичида деярли ўзгармаслигини кўплаб олимлар томонидан таъкидланган.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги механик таркиб, структуравий тузилиши, ўзлаштирилганлиги муддати, мавсумий суғоришлар, қатор орасига ишлов берилганлик даражаси, сизот сувнинг сатхи каби ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради.

Шу билан биргаликда тупроқнинг бу хусусияти, айниқса суғоришлар сони ва меъёрлари таъсирида ўзгариб амал даври бошидан охирига қараб кескин пасайиши кузатилади.

Тупроқни сув ўтказувчанлигини аниқлаш устида далада олиб борилган кузатувлар натижалари 2-жадвалда келтирилган. Уларга кўра эрта баҳорда, умумий фонда сув ўтказувчанлик жами 6 соат давомида 882 м³/га ёки минутига ўртача 0,24 мм бўлди.

Ўўза вегетациясининг охирига, кеч кузга бориб, мавсумий агротехник тадбирлар, шу жумладан суғоришлар таъсирида барча вариантларда сув ўтказувчанлик анча пасайди.

Кузга бориб, эгатлаб суғоришда (назоратда) жами 657 м³/га ёки баҳорга

нисбатан 25,5% сув кам синганлиги кузатилди. Тажрибанинг ТС вариантларида бу кўрсаткич кескин пасаймасдан ЧДНСга нисбатан 65-70-65% режимда 9,5%, 70-75-65% да эса 12%дан ошмаганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, ТСда шланглар (ленталар) қатор оралатиб ётқизилганда ўўзанинг илдиз тизими намланган қаторлар томон ўсганлиги кузатилди. М. Мухамеджанов ва С. Сулеймановлар (1973) нинг олиб борган тадқиқотларида ўўзани эгатлаб суғоришда энг қулай микробиологик ва озуқа муҳити юзага келиши ҳисобига илдиз тизими асосан суғорилмаган қаторлари томонга ривожланганлигини таъкидлашган.

Хулоса. Юқорида айтиб ўтилганидек, ўўза навининг қимматли морфобиологик ва хўжалик хусусиятларига ҳамда яхши ривожланган илдиз тизимига эга бўлишида суғоришларнинг роли беқиёсдир.

Тадқиқотларда эгатлаб суғориш прогрессив, ресуртажамкор ТС билан солиштирган ҳолда, 2 хил режимларда (65-70-65 ва 70-75-65%) ўўза навлари ўрганилган. 1-тартибда ўўза 11 марта, ўртача 303-388 м³/га, 2-нисбатан юқори тартибда эса 13 марта, ўртача 270-380 м³/га меъёрда суғорилди ёки мавсум

давомида мутаносиб равишда жами 3840 ва 4117 м³/га сув сарфланди. Бунда, эгатлаб суғориш ўтказилган назорат вариантыда ўртача жами 5950 м³/га ёки ТС орқали тартибда суғорилган вариантларга нисбатан 35 ва 38 % сув қўп сарф бўлганлиги аниқланди. Натижада, энг юқори маҳсулдорлик ғўзанинг “С-8298” ўрта толали навидан олинди. Бунда, эгатлаб суғоришда 1 ц пахта ҳосили етиштириш учун бошқа навларга нисбатан энг кам-146,9 м³ сув сарфланиб, 37,1 ц/га ҳосил олишга эришилди.

Томчилатиб суғоришда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан, 65-70-65 % бўлган вариантларида энг юқори ҳосил ҳам ғўзанинг “С-8298” навидан олинди.

Ушбу навдан 1 ц пахта ҳосили етиштириш учун нисбатан кам 89,9 м³ сув сарфланиб, 39,1 ц/га, суғориш тартиби 70-75-65 % вариантларида эса 1 ц пахта ҳосили етиштириш учун энг кам-95,6 м³ сув сарфланиб, энг юқори -43,5 ц/га ҳосил олишга эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги ПҚ-5-сонли “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Безбородов Г., Комилов Б., Эсонбеков М. Томчилатиб суғориш; қулай арзон, самарали. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, Тошкент 2008 йил. №3, 7-10-бет.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта.-М. : Агропромиздат-1985 йил. С-248-255.
4. Мухаммеджанов М., Сулайманов С. Корневая система и урожайность хлопчатника. Ташкент. Узбекистан. 1973 С 330.
5. Дуйсенов Т.К., Камилов Б.С. Ёзани ресурстежамкор суғоришда ҳосилдорликни ошириш омиллари. “Ёза ва ёза мажмуидаги экинларни парваришlash агротехнологияларини такомиллаштириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. 2013 йил., 118-121 бетлар.
6. Рыжов С.Н. Фарғона водийсида ёзани суғориш. ЁзССЖ ФА нашриёти. Тошкент, 1948 йил. 10-22 бет.
7. Шамсиев А.С. Қатор орасини мульчалаб суғориш орқали ёзанинг сув истеъмолини мақбуллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати Тошкент – 2015 йил. № 23-26-бет.
8. Услубий қўлланма. ЁзПТИ, 2007 йил.

MAKKAJO'XORI YETISHTIRISHDA KO'CHAT QALINLIGIGA BOG'LIQ HOLDA BIRINCHI SO'TA JOYLASHISH BALANDLIGINING O'ZGARUVCHANLIGI

Allashov B. D.¹, Zulfiqorov M. X.²,

¹Chorvachilik va parrandachilik ilmiy-tadqiqot instituti,
ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha direktor o'rinbosari

²Samarqand davlat veterinariya meditsinasi,
chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya. Chorvachilikda ozuqa bazasi muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. Ozuqa bazasi qishloq xo'jaligi yerlarida yetishtirib olinadigan ozuqabop ekinlar hisobiga mustahkamlanadi. Makkajo'xori o'simliklarining mahsuldorligi o'ziga xos o'sish sharoitlariga bog'liq bo'lgan murakkab ko'rsatkichdir. Hosildorlikni baholashning eng muhim mezonini uning tuzilishidir, chunki u barcha omillarning bir o'simlikning mahsuldorlik elementlariga ta'sirini aks ettiradi. Makkajo'xori hosildorligi darajasini belgilaydigan asosiy ko'rsatkichlar: o'simliklarning individual mahsuldorligi bo'lib, u rivojlangan so'talar soni, shuningdek, uning tuzilishi elementlari, jumladan, so'ta uzunligi, so'taning don bilan og'irligi, so'tadagi donning og'irligi, so'tadagi don qatorlari soni, ming dona urug' vazni. Makkajo'xorining "O'zbekiston 2018" navi bo'yicha yuqori don hosilini yetishtirishda maqbul qo'chat qalinligini aniqlash ushbu tadqiqotlarning asosiy maqsadi hisoblanadi. Makkajo'xorining "O'zbekiston-2018" navi don uchun ekilgan tajriba ko'chatzorida ko'chat qalinligiga bog'liq holda birinchi so'ta joylashgan balandligi o'rganildi va olingan natijalar ushbu maqolada keltirilgan.

Tayanch so'zlar: chorvachilik, mahsuldorlik, ozuqa bazasi, ozuqabop ekinlar, makkajo'xori, don hosildorligi, so'ta, birinchi so'ta joylashish balandligi, ko'chat qalinligi, iqtisodiy samaradorlik.

Kirish. Ma'lumki, nafaqat O'zbekistonda balki dunyoda qoramolchilik, chorvachilikning yetakchi tarmog'i hisoblanib, aholini sifatli sut, go'sht kabi oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlashda muhim o'rin tutadi.

Makkajo'xori – chorvachilikda muhim ozuqa ekini bo'lishi bilan bir qatorda, ko'p tarmoqli foydalanishda qimmatli, serhosil, donli ekin hisoblanadi. Makkajo'xoridan yaxshi konsentrat, yashil massa va silos yetishtirish mumkin. Makkajo'xorini 1 kg donida 1,34 ozuqa birligi mavjud.

Makkajo'xorining "O'zbekiston 2018" navi bo'yicha yuqori don hosilini yetishtirishda maqbul qo'chat qalinligini aniqlash ushbu tadqiqotlarning asosiy maqsadi hisoblanadi.

T. I. Borsh (2005), V.V.Kravchenko (2015), A.V.Kvasha (2016), ma'lumotlariga ko'ra, makkajo'xori o'simliklarining mahsuldorligi o'ziga xos o'sish sharoitlariga bog'liq bo'lgan murakkab ko'rsatkichdir. Hosildorlikni baholashning eng muhim mezoni uning tuzilishidir, chunki u barcha omillarning bir o'simlikning mahsuldorlik elementlariga ta'sirini aks ettiradi. Makkajo'xori hosildorligi darajasini belgilaydigan asosiy ko'rsatkichlar: o'simliklarning individual mahsuldorligi bo'lib, u rivojlangan so'talar soni, shuningdek, uning tuzilishi elementlari, jumladan, so'ta uzunligi, so'taning don bilan og'irligi, so'tadagi donning og'irligi, so'tadagi don qatorlari soni, ming dona urug' vazni va boshqalar hisoblanadi.

Bugungi kunda Chorvachilik va parandachilik ilmiy-tadqiqot instituti olimlari tomonidan yaratilgan makkajo'xorining "O'zbekiston 2018" navini don uchun yetishtirishdagi maqbul qo'chat qalinligini aniqlash dolzarb bo'lib, global iqlim o'zgarishi davrida undan yuqori hosil yetishtirish uchun resurs tejamkor agrotexnologiyalarni ishlab chiqish va chorva mollarini shirali

ozuqalarga bo'lgan ehtiyojini qondirish muhim dolzarb ahamiyat kasb etadi. Don hosildorligida birinchi so'ta joylashish balandligi ham muhim ko'rsatkichlardan biri hisoblanadi.

Makkajo'xori ekinida ko'chat qalinligining hosildorlikka bo'lgan ta'sirini xorijiy va mahalliy olimlardan Shmapaev, G.G. (1975), Kvyatkovskiy, A.F. (1980), Shmaraeva G.Ye. (1985), Severov V.I., Kalashnikov K.G. (1988), sikov, V.S. (1989), Derov, A.I. (1992), Sheshina A.A. va boshalar (1992), Yankovskiy, N.G. (1994), Telix, K.M. (1999, 2002), Асыка, Yu.A. (2001), Bagrinseva, V.N. (2001), Kravsov, I.A. (2001), Petrenko, I.M. (2001), Orlyanskiy N.A., Orlyanskaya N.A. (2005), Massino A.I. (2010), Massino A.I. (2011), Azubekov L.X., Urusov A.K. (2012), Shindin A.P., Bagrinseva V.N., Борщ Т.И., Gorbacheva A.G., Sotchenko V.S., Sotchenko Ye.F., Sotchenko Yu.V. (2012), Bagrinseva V.N. (2013), Beltyukov L.P., Kuvshinova Ye.K., Tyurin I.M., Kozlov V.A. (2015), Mingalev S.K. (2018), Shmalko I.A., Bagrinseva V.N. (2019), Cherkashina A.V., Sotchenko Ye.F. (2019), Orlyanskiy N.A., Orlyanskaya N.A. (2021), Heather Darby, Joe Lauer (2021), Cherkashina A.V. (2021), Gubin S.V., Loginova A.M., Gets G.V. (2022), Merkulov P.Yu., Mingalev S.K. (2022) lar tadqiqotlarida makkajo'xori ekini hosildorligiga ko'chat qalinligi bilan bog'liqligi o'rganilgan.

Tadqiqot materiallari va uslubi.

Tadqiqot ob'ekti sifatida makkajo'xorining "O'zbekiston-2018" navi olingan. Tadqiqotning predmetiko'chatqalinligining o'simlik boshpoyasida birinchi so'taning joylashish balandligiga ta'sirini o'rganish bo'lgan. Ilmiy tadqiqotlarda dala, laboratoriya tajribalari, fenologik kuzatuvlar umumqabul qilingan "Metodika polevyykh opytov s kukuruzoy" (Dnepropetrovsk. 1984), "Metodika selektsionnykh eksperimentov s kukuruzoy" I.V.Savchenko (2012), uslubiy qo'llanmalaridan

foydalanildi. Olingan natijalar B.A.Dospexov "Metodika polevogo opyta" (M.1985) va zamonaviy ANOVA (Analysis variance) dispersion uslublarida statistik tahlil qilingan.

Natijalar va ularning tahlili. Makkajo'xorining "O'zbekiston-2018" navini don uchun yetishtirishda eng maqbul ko'chat qalinligini aniqlash bo'yicha ham tadqiqotlar olib borildi.

Makkajo'xorining "O'zbekiston-2018" navi don uchun ekilgan tajriba ko'chatzorida ko'chat qalinligiga bog'liq holda o'simlikda birinchi so'ta joylashish balandligi ham o'rganildi. 31-ildavada tadqiqotlarning dastlabki yilida o'simlikdagi birinchi so'ta joylashish balandligi bo'yicha olingan natijalar bo'yicha ma'lumotlar keltirilgan. Jadvalda keltirilgan ma'lumotlardan ko'rish mumkinki, 60 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 4 ta

takrorlanishlar bo'yicha birinchi so'taning joylashish balandligi o'rtacha 136,9 sm ni, 65 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 4 ta takrorlanishlar bo'yicha birinchi so'taning joylashish balandligi o'rtacha 139,4 sm ni, 70 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 4 ta takrorlanishlar bo'yicha birinchi so'taning joylashish balandligi o'rtacha 141,5 sm ni, 75 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 4 ta takrorlanishlar bo'yicha birinchi so'taning joylashish balandligi o'rtacha 143,3 sm ni, 80 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 4 ta takrorlanishlar bo'yicha birinchi so'taning joylashish balandligi o'rtacha 146,3 sm ni va 85 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda esa 4 ta takrorlanishlar bo'yicha birinchi so'taning joylashish balandligi o'rtacha 148,8 sm ni tashkil etdi.

1-jadval

Don uchun har xil ko'chat qalinligida ekilganda o'simlikdagi birinchi so'taning joylashishi o'rtacha balandligi, sm (2022 yil)

Variantlar	Takrorlanishlar				O'rtacha ko'rsatkich, sm
	1-takrorlanish	2-takrorlanish	3-takrorlanish	4-takrorlanish	
1-variant, 60 ming tup/ga	135,2	137,6	138,4	136,4	136,9
2-variant, 65 ming tup/ga	137,4	138,2	140,6	141,4	139,4
3-variant, 70 ming tup/ga	139,2	140,4	142,8	143,6	141,5
4-variant, 75 ming tup/ga	140,8	142,8	144,4	145,2	143,3
5-variant, 80 ming tup/ga	144,6	146,4	148,2	145,8	146,3
6-variant, 85 ming tup/ga	146,6	148,6	149,4	150,5	148,8

Tadqiqotlarning ikkinchi yilida o'simlikdagi birinchi so'taning joylashish balandligi bo'yicha ko'rsatkichlar 2-jadvalda keltirilgan.

2-jadval

Don uchun har xil ko'chat qalinligida ekilganda o'simlikdagi birinchi so'taning joylashishi o'rtacha balandligi, sm (2023 yil)

Variantlar	Takrorlanishlar				O'rtacha ko'rsatkich, sm
	1-takrorlanish	2-takrorlanish	3-takrorlanish	4-takrorlanish	
1-variant, 60 ming tup/ga	137,4	138,2	138,4	139,4	138,4
2-variant, 65 ming tup/ga	139,6	140,4	141,6	140,6	140,6
3-variant, 70 ming tup/ga	141,2	142,6	144,8	143,2	143,0
4-variant, 75 ming tup/ga	142,4	143,8	146,4	145,2	144,5
5-variant, 80 ming tup/ga	145,6	148,4	147,2	146,8	147,0
6-variant, 85 ming tup/ga	148,6	150,6	152,4	151,5	150,8

Keltirilgan ma'lumotlardan ko'rish mumkinki, 60 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda birinchi so'taning joylashish balandligi o'rtacha 138,4 sm ni, 65 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 140,6 sm ni, 70 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 143,0 sm ni, 75 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 144,5 sm ni, 80 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 147,0 sm ni va 85 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda esa birinchi so'taning joylashish balandligi o'rtacha 150,8 sm ni tashkil etdi.

Tadiqotlarning uchinchi yilida o'simlikdagi birinchi so'taning joylashish balandligi bo'yicha

ko'rsatkichlar 3-jadvalda keltirilgan.

Keltirilgan ma'lumotlardan ko'rish mumkinki, 60 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 4 ta takrorlanishlar bo'yicha birinchi so'taning joylashish balandligi o'rtacha 137,6 sm ni, 65 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 138,4 sm ni, 70 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 142,0 sm ni, 75 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 144,0 sm ni, 80 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 146,2 sm ni va 85 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda esa birinchi so'taning joylashish balandligi o'rtacha 149,2 sm ni tashkil etdi.

3-jadval

Don uchun har xil ko'chat qalinligida ekilganda o'simlikdagi birinchi so'taning joylashishi o'rtacha balandligi, sm (2024 yil)

Variantlar	Takrorlanishlar				O'rtacha ko'rsatkich, sm
	1-takrorlanish	2-takrorlanish	3-takrorlanish	4-takrorlanish	
1-variant, 60 ming tup/ga	136,4	137,4	139,2	137,2	137,6
2-variant, 65 ming tup/ga	138,2	137,4	139,6	138,4	138,4
3-variant, 70 ming tup/ga	140,4	142,6	141,2	143,8	142,0
4-variant, 75 ming tup/ga	142,6	143,2	145,4	144,8	144,0
5-variant, 80 ming tup/ga	145,8	144,8	146,4	147,6	146,2
6-variant, 85 ming tup/ga	148,2	147,4	149,6	151,4	149,2

Don uchun ekilgan tajriba ko'chatzorlarida har yili takrorlanishlar bo'yicha birinchi so'taning joylashish balandligi bo'yicha o'rtacha ko'rsatkich tahlil qilib borildi.

Har yili olingan o'rtacha ko'rsatkichlar yillar kesimida ham o'simlikdagi birinchi


so'taning joylashish balandligi bo'yicha o'rtacha ko'rsatkichlari tahlil qilindi va yillar bo'yicha har xil ko'chat qalinligida ekilganda bitta o'simlikdagi birinchi so'taning joylashish balandligi ko'rsatkichlari quyidagi 4-jadvalda va 1-diagrammada keltirib o'tilgan.

4-jadval

Don uchun ekilgan tajriba ko'chatzorida 2022-2024 yillar bo'yicha birinchi so'ta joylashish balandligi o'rtacha ko'rsatkichlari, sm

variantlar \ yillar	1-yil 2022 y	2-yil 2023y	3-yil 2024y	O'rtacha
1-variant	136,9	138,4	137,6	137,6
2-variant	139,4	140,6	138,4	139,5
3-variant	141,5	143,0	142,0	142,2
4-variant	143,3	144,5	144,0	143,9
5-variant	146,3	147,0	146,2	146,5
6-variant	148,8	150,8	149,2	149,6

Ko'chat qalinligi o'simlikdagi birinchi so'taning joylashish balandligiga ta'siri kuzatildi.



1-diagramma. Don uchun ekilgan tajriba ko'chatzorida birinchi so'ta joylashishi o'rtacha balandligi, sm

Jadvalda keltirilgan ma'lumotlardan ko'rish mumkinki, 60 ming tup/ga ko'chat qalinligida

ekilganda yillar bo'yicha birinchi so'taning joylashish balandligi o'rtacha 137,6 sm ni, 65 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilgan 139,5 sm ni, 70 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 142,2 sm ni, 75 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 143,9 sm ni, 80 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilganda 146,5 sm ni va 85 ming tup/ga ko'chat qalinligida ekilgan esa yillar bo'yicha birinchi so'taning joylashish balandligi o'rtacha 149,6 sm ni tashkil etdi.

Xulosa. Olib borilgan tadqiqotlar natijalariga va yuqorida keltirilgan jadval va diagramma ma'lumotlaridan shunday xulosa qilish mumkinki, ko'chat soni ortib borgan sari, ya'ni ekinlar qanchalik tig'iz ekilgan sari o'simlikdagi birinchi so'ta joylashish balandligi ham ortib boradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Азубеков Л.Х., Урусов А.К. Памятка кукурузовода. Налчик, 2012. С. 19.
2. Асыка, Ю.А. Гибрид кукурузы. Прогноз 132СВ / Ю.А. Асыка // Кукуруза и сорго. – 2001. – № 1. – С. 24.
3. Atabayeva X.N., Ro'zmetov R. Dala ekinlarini yetishtirishni ilg'or texnologiyalari. Toshkent 2004 yil. 33 bet.
4. Багринсева В.Н. Сортовая агротехника как фактор реализации генетического потенциала гибридов кукурузы // Доклады Российской академии сельскохозяйственных наук. 2013. № 5. С. 17–19.
5. Багринсева, В.Н. Урожайность гибридов кукурузы при разной густоте стояния растения / В.Н. Багринсева, Т.И. Бопш, И.А. Шапапова // Кукуруза и сорго. – 2001. – № 5. – С 2–4.
6. Белтюков Л.П., Кувшинова Е.К., Тюрин И.М., Козлов В.А. Продуктивность гибридов кукурузы в зависимости от удобрений и густоты стояния растений: монография. Зерноград : Азово-Черноморский инженерный институт ФГБОУ ВПО ДГАУ, 2015. 182 с.
7. Возделывание силосной кукурузы по зерновой технологии и производство копмов из початков. Агрономическая тетрадь/ Под редакцией Х.А. Пospelова. М.: Росселхозиздат, 1985. - 94 с.
8. Домашнев П.П., Дзюбеский Б.В., Костюченко В.И. Селекция кукурузы. М. : Агропромиздат, 1992. 204 с.
9. Доспехов Б.А. «Методика полевого опыта. 5-е изд.» - М.: Агропромиздат, 1985. 351 с.
10. Karimov, A. A. (2005). Makkajo'xori va uning seleksiyasi. Toshkent: Agrobiologiya va seleksiya instituti.
11. Kuznesov A.I., Kuleshov M.S. "Makkajo'xori seleksiyasi va genetikasi: yangi navlar va duragaylarni yaratish" -(2015)
12. "Методика полевых опытов с кукурузой" (Днепропетровск, 1984) uslubiy qo'llanmasi.

TADQIQOT MAYDONINING TUPROQLARIDAN SUV EKSTRAKTINING KIMYOVIIY TAHLIL NATIJALARI

Kamalov M. M.,

Qoraqalpog'iston Qishloq xo'jaligi va Agrotexnologiyalar instituti tayanch doktoranti

Annotatsiya. Maqolada tadqiqot maydonining tuproqlaridan suv ekstraktining kimyoviy tahlil natijalari keltirilgan hamda mineral moddalardan foydalanishning samaradorligi yuqori ekanligi, tajriba maydonida mineral moddalar tahlillari, ularning tuproqqa va o'simliklarga ta'sirini, shuningdek, ma'muriy yoki ekologik ta'sirlarni hisobga olish muhimligi yoritilgan.

Tayanch so'zlar: tadqiqot, tuproq, og'ir-sozli, o'rta sozli qumli va yengil mexanik tarkib, o'simlik, mineral moddalar, quruq qoldiq, karbonatlar, xlorli ionlar, anionlar, kationlar.

Kirish. O'zbekistonda don mahsulotlariga bo'lgan talab yuqori bo'lib, sholi respublikamiz aholisining muhim oziq-ovqat manbai sanalib, Qoraqalpog'istonda suv resurslarining kamayishi va tuproq sho'rlanishi sholi yetishtirish uchun katta to'siq bo'lgani tufayli yuqori hosildor va stress omillarga bardoshli navlarni yaratish zaruriyatini oshirmoqda. Statistik ma'lumotlarga ko'ra, mamlakatimizda 2022 yilda 100 ming gektarga yaqin maydonda sholi yetishtirilgan, ammo tuproq va iqlimga bog'liq muammolar hosildorlikka salbiy ta'sir

ko'rsatgan. Respublikamizda Prezident qarori bilan qabul qilingan "Agrosanoat majmuini rivojlantirish" dasturlari doirasida sholi yetishtirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Qoraqalpog'iston sharoitida sholining kolleksion namunalarini o'rganish orqali stress omillarga bardoshli donorlarni aniqlash dolzarb bo'lib, bu borada tadqiqotlar o'tkazilishi talab etiladi. Shu nuqtai nazardan, ushbu tadqiqot ishi oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash uchun yangi stressga bardoshli uzun donli sholi donorlarini yaratishga qaratilgan.

Qoraqalpog'iston Respublikasi uchun uzun donli sholi navlarining brendini yaratishda hech qanday to'siqlar yo'q, ammo muammo yangi navlarda biologik jihatdan murakkab mos kelmaydigan xossa va xususiyatlarni – hosildorlik hamda stress omillarga chidamlilikni muvaffaqiyatli uyg'unlashtirishda hisoblanadi. Qoraqalpog'iston sholichilik sistemalari yaylov-cho'l tuproqli yerlarga qurilgan. Bunday tuproqlar respublikamiz mintaqasida 57,9 % ni tashkil etadi.

Tuproqlarning ancha bo'lagi og'ir-sozli, o'rta sozli qumli va yengil mexanik tarkibga ega va haydaladigan qatlamlarda 0,6-1,02 % chirindi bor. Bu tuproqlar har xil darajada bo'lganligi bilan ajralib turadi hamda ko'pincha xlorli tipda sho'rlangan. Shu sababdan bunday tuproqlardan bir tekis yuqori hosil yetishtirish uchun har xil tuzilishdagi izeykeshlar qo'yilgan bo'lib, yerlar 5 sm ga keltirilib yaxshi tekislangan bo'lishi lozim. Shularni inobatga olgan xolda, tadqiqot dlamizdan uch joydan uch xil chuqurlikdan tuproq natijalarini olib tekshirganimizda dlamizning tuproq yaylov cho'l tuproq mexanik tarkibi bo'yicha o'rta soz tarkibli tuproqqa to'g'ri kelishini aniqladik.

Tadqiqot natijalari. Tuproqlardan suv ekstraktining kimyoviy tahlillari natijalari Qoraqalpog'iston tabiiy fanlar ilmiy-tadqiqot instituti, Don va sholi ilmiy ishlab chiqarish birlashmasida ko'rib chiqildi.

Tuproqlardan suv ekstraktining kimyoviy tahlillari yoritilgan. Grunt turida har bir mavjud tuproq turi (masalan, №2, №3 va boshqalar) va ularning chuqurlik darajalari (0-10 sm, 11-20 sm va 21-30 sm berilgan. Bu parametrlar tuproqning yukori, o'rta va chuqur qismlaridagi kimyoviy tarkibni ko'rsatadi.

Quruq qoliq (%) tuproqning qurish holatida qolgan og'irlikni ko'rsatadi. Bu ko'rsatkich tuproqning umumiy kimyoviy turini tushunishga yordam beradi, chunki qurish darajasi mineral moddalarning

konsentratsiyasini o'zgartirishi mumkin. Bunda quruq qoliq ko'rsatkich tuproqning quruq holdagi og'irligi va uning kimyoviy tarkibi haqida ma'lumot beradi. CO₂-3, SO₂-3, SO₂-4 - bu anionlar turli kimyoviy birikmalar (masalan, karbonatlar, bikarbonatlar, sulfatlar)ni ko'rsatadi. Sa, Mg- kationlar (kaliy va magniy) tuproqning mineral tarkibi haqida ma'lumot beradi. Har bir turda sho'rlanish darajasi ko'rsatilgan, bu tuproqdagi minerallar va yerning umumiy holati haqida ma'lumot beradi.

Masalan: SO₂3 (karbonat anioni): Agar tuproqda karbonatlar ko'p bo'lsa, bu zarur qo'shilmalarning ko'payishi va tuproqning so'nggi kismida kislotalarning konsentratsiyasini ko'rish mumkin.

HSO-3 (bikarbonatlar): Bu anionlar zarur shakldagi tuzlar hisoblanadi, ular hosildorlikka ta'sir qiladi.

Cl % - bu xlorid ionlarining namunadagi foizini bildirib, agar sulfatlar va xloridlar birgalikda mavjud bo'lsa, sulfatlarning nisbiy miqdorini ko'rsatish uchun ishlatilishi mumkin. Mg/ekv - bu sulfat ionlarining konsentratsiyasini milligramm ekvivalentga ko'ra ifodalash bo'lib, yerlar yoki boshqa atrof-muhit namualarini tahlil qilishda keng tarqalgan o'lchov birligi hisoblanadi.

Misol uchun, agar siz tuproq yoki suvda sulfat konsentratsiyasini o'lchayotgan bo'lsangiz, mg/ekv birligini ishlatib, sulfat ionlari necha milligramm ekvivalentga to'g'ri keladi. Bu birlikka o'tish uchun sulfat ionning molekulyar massasi va uning zaryadidan foydalanish kerak.

SO₂-4 (sulfat ioni): sulfatlar, ko'pincha, minerallarning qismlarini tashkil etishi mumkin va ular tuproqdagi sulfat ionlarining miqdoriga ishora qiladi.

Anionlar va kationlar — bu zaryadlangan zarrachalar (ionlar) bo'lib, ular atom yoki molekularning elektron yo'qotishi yoki qo'lga

kiritishi natijasida hosil bo'ladi.

Anionlar — bu manfiy zaryadlangan ionlar. Ular neytral atom yoki molekula elektron qo'shib olganda hosil bo'ladi. Masalan, Cl^- (xlorid ion), O^{2-} (oksid ion), SO_4^{2-} (sulfat ion)

Kationlar — bu musbat zaryadlangan ionlar. Ular neytral atom yoki molekula elektron yo'qotganda hosil bo'ladi. Masalan, Na^+ (natriy ion), Ca^{2+} (kalsiy ion), Fe^{3+} (temir (III) ion)

Anionlar – elektron qo'shib oladi va manfiy zaryad olgan ionlar.

Kationlar – elektron yo'qotadi va musbat zaryad olgan ionlar.

Kationlar (Ca, Mg): Bu kalsiy (Ca) va magniy (Mg) ionlarining miqdorini bildirib, tuproqdagi mineral moddalar tarkibiga bog'liq. Ular tuproqning hosildorligiga ta'sir qiladi va ekinlar uchun muhim oziq moddalardan biri hisoblanadi.

SHo'rlanish turi: Bu ko'rsatkich tuproqning sho'rlanish darajasini ko'rsatadi. Ushbu parametrning yoritilishi shunday:

Kuchli sho'rlangan: Tuproqda sho'rlanish darajasi yuqori bo'lib, ushbu tuproqda mineral moddalarning ko'payishi va o'sish uchun mutanosib shartlar yaratilgan

O'rta sho'rlangan: Bu turdagi tuproqda sho'rlanish darajasi o'rtacha bo'lib, unda turli mineral moddalar ham, ammo o'rta darajada taqsimlangan.

Kuchsiz sho'rlangan: Bu tuproqlar sho'rlanish darajasi past va ular ko'proq mineral moddalarni emas, balki organik moddalarni o'zlashtirgan.

rN (sulfidlash indeks): pH darajasi, ya'ni yerning kislotaligi va ishqorililigini ko'rsatadi. Agar rN 8,0 yoki undan yuqori bo'lsa, bu tuproqning ishqorli bo'lganini anglatadi.

Xlorli sho'rlangan tuproqlarda $rN \approx 8,0$ bo'lishi ishqorli muhitni ko'rsatadi. SHo'rlanish darajasi kamaygan sari rN ham bir oz o'zgarishi mumkin. O'rtacha sho'rlangan tuproqlar: $rN \approx 7,5 - 8,0$. Hali

ham ishqorli muhit saqlanadi, lekin kuchli sho'rlangan tuproqqa qaraganda bir oz past bo'lishi mumkin. Kuchsiz sho'rlangan tuproqlar: $rN \approx 7,0 - 7,5$. Yaqinroq neytral muhitga, ya'ni kam ishqorli yoki deyarli neytral bo'ladi.

SHo'r yuvish yoki qo'shimcha namlik miqdori tuproq rN'ini pastlatishi mumkin. Demak, sho'rlanish darajasi kamaygan sari rN bir oz neytrallashib boradi, lekin tuproqdagi sho'r va ishqoriy moddalarga bog'liq ravishda farq qiladi.

Tuproqdagi suv ekstraktining kimyoviy tahlili shuni ko'rsatdiki, chuqurlik 0-10 sm dan 21-30 sm gacha, quruq qoldiq esa 1,515 % dan 1,559 % gachani tashkil etdi. SO_3 mg/ekv. karbonat anioni kuzatilmadi, HSO_3 bikarbonatlari 0,012/2,0 dan 0,122/2,0 % mg/ekv.gachani tashkil etdi. Cl % mg/ekv.da xlor ion ushbu sharoitda 0,050/1,4 dan 0,213/6,0 % mg/ekv. ga teng bo'ldi. SO_4^{2-} (sulfat ion) 0,408/8,5 dan 0,816/17,0 % mg/ekv. gachani tashkil etdi. Kationlar miqdori, ya'ni kalsiy (Ca) ionlari 0,085/4,25 dan 0,220/11,0 % mg/ekv. gacha, magniy (Mg) ionlari 0,027/2,25 dan 0,135/11,15 mg/ekv. gacha hisoblanadi.

Jadvalda Don va sholi ilmiy ishlab chiqarish birlashmasi tajriba maydoni tuproqning grunt turi, chuqurligi, tuproqdagi suvdan xoli bo'lgan qatlam, tuproqdagi turli xil tuzlar (negativ yoki pozitiv zaryadga ega elementlar), – tuproqdagi asosiy elementlar: fosfor (P), kaliy (K), azot (N), gumusning miqdori keltirib o'tildi. Shuningdek, normativlar – bu aniq parametrlar uchun talab qilinadigan o'rtacha yoki minimal miqdorlarni ko'rsatadi, shuning uchun ular ham keltirib o'tiladi. Jadvalga ko'ra, mineral moddalaridan foydalanish, ushbu tuproq-iqlim sharoiti uchun tuproq turi uchun asosiy kimyoviy elementlar va ularning meyorlari (azot (N), fosfor (P), kaliy (K) va gumus) ko'rsatilgan. Tajriba maydoni tuproqlaridagi mineral moddalardan foydalanishda, odatda mineral o'g'itlar va tuproqqa

mineral moddalarni qo'shishning ta'siri va ahamiyati yoritiladi. Bu moddalar turli kimyoviy elementlardan iborat bo'lib, o'simliklarning rivojlanishi uchun zarur bo'lgan elementlarni ta'minlaydi. Ularning asosiy kategoriyalari quyidagi tashkiliy elementlarga bog'liq: 1) Azot (N) - azot o'simliklar uchun muhim makroelement bo'lib, ularning peshqadam o'sishi va barglarning rivojlanishiga xizmat qiladi. Azotli mineral moddalardan foydalanish maydonni gumus bilan boyitishga yordam beradi. Azotli o'g'itlar, masalan, ammoniy nitrat (NH_4NO_3) yoki karbamid ($\text{CO}(\text{NH}_2)_2$), uning asosiy manbalari hisoblanadi.

2) Fosfor (P) - fosfor o'simliklar uchun energiya manbai va mustahkamlikni ta'minlaydi. Uning o'simliklarda minerallash va fotosintez jarayonlariga ta'siri katta. Superfosfat ($\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$) yoki

fosfor(V) oksidi (P_2O_5)ni qo'shish tuproqning fosfor moddalari bilan boyitilishini ta'minlaydi, bu esa o'simliklarning minerallash va genetik harakatini kuchaytirishi mumkin.

3) Kaliy (K) - kaliy o'simliklarda sug'orish jarayonlarini tartibga solish va o'simlikning suvni o'zlashtirish va uni saqlash qobiliyatining pasayishi, shuningdek, suv yetmaganda o'simlikning biologik faoliyatining pasayishi yoki buzilishiga qarshi qarashda muhim rol o'ynaydi.

U o'simliklarda suvni saqlash va transportirovka qilish jarayonlarini tartibga soladi. Kaliy suvni o'simliklar organizmda samarali taqsimlashga yordam beradi, shuning uchun u suv yetkazib berish va suvning yo'qotilishiga ta'sir qiladi. Kaliy xloridi (KCl) yoki kaliy sulfati

Jadval

Don va sholi ilmiy ishlab chiqarish birlashmasi tajriba maydoni tuproqlari (2022-2024 yillar uchun o'rtacha)

No	Grunt turi	Chuqurligi, sm	Quruq qoldiq v %	Tuz miqdori, %	R_2O_5 mg/kg	K mg/kg	Azot (N), %	Gumus, %	R_2O_5 normativlari	K normativlari	Azot (N) normativlari	Gumus normativi
1	Uch 2 Razred -1	0-10	1515	1431	146	234	019	073	yuqori	o'rtacha	o'rtacha	past
2	--	11-20	1559	1472	135	1209	019	070	-	past	-	-
3	-	21-30	0771	0725	1357	1346	017	091	-	past	-	-
4	Razred	0-10	0894	0842	145	1365	021	082	-	past	yuqori	-
5	-	11-20	0825	0778	128	1404	019	085	-	-	o'rtacha	-
6	-	21-30	1118	1058	125	2964	018	075	-	-	o'rtacha	-

(K₂SO₄) kabi mineral moddalar tuproqning kaliy bilan boyitilishiga yordam beradi, bu esa o'simliklarning immunizatsiyasi va quvvatini oshiradi.

4) Gumusning qishloq xo'jaligidagi ahamiyati juda katta. Gumus – bu tuproqning organik moddalari bo'lib, uning tarkibida o'simliklar va hayvonlardan kelib chiqqan moddalar mavjud.

Qishloq xo'jaligida gumusning asosiy foydalari shulardan iborat: tuproqni fertilligini oshiradi: gumus, organik moddalarni o'z ichiga olgan uchun, tuproqning strukturasi yaxshilashga yordam beradi. Bu tuproqni toza va mahsuldor qilib, o'simliklar uchun qulay muhit yaratadi. Gumusning yordamchi xususiyati shundaki, u suvni yaxshi saqlaydi. Bu qishloq xo'jaligi uchun juda muhim, chunki suvning yetkazib berish masalasi ko'p hududlarda muammo hisoblanadi.

Gumus tuproqni suvga o'zlashtirish va undan samarali foydalanishga yordam beradi. Gumus tuproqdagi minerallar va oziq moddalarni saqlash va ularni olingan o'simliklarga yetkazishga yordam beradi. Bu o'simliklarning o'sishini va o'sish sur'atini

yaxshilashga yordam beradi. Tuproq strukturasi yaxshilaydi, gumus tuproqning kislotaligini va rN darajasini muvozanatlashtirishga yordam beradi. Bu o'simliklar uchun muhitni optimizatsiya qilishga yordam beradi, shu bilan birga toksik moddalarning kimyoviy ta'sirini kamaytiradi. Himoya vositasini bajaradi, ya'ni gumus tuproqni xavfli ximikatlardan va zararli mikroorganizmlardan himoya qilishga yordam beradi. Uning organik moddalari tuproqdagi bakteriyalarning faoliyatiga ijobiy ta'sir ko'rsatib, infeksiyalar va zararli mikroorganizmlarga qarshi tabiiy himoya yaratadi.

Xulosalar. Gumusning qishloq xo'jaligidagi ahamiyati shuni tashkil etadiki, u tabiiy resurs sifatida nafaqat mahsuldorlikni oshiradi, balki ekosistema barqarorligini saqlashga ham yordam beradi.

Demak, mineral moddalardan foydalanishning samaradorligi nihoyatda katta hisoblanadi. Tajriba maydonida mineral moddalar tahlillari, ularning tuproqqa va o'simliklarga ta'sirini, shuningdek, ma'muriy yoki ekologik ta'sirlarni hisobga olish muhimdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Davletov E.N. (2021). Sholining tuproq sho'rlanishiga bardoshli navlarini yaratish istiqbollari. – Nukus: "Ilim" nashriyoti, 205 b.
2. Dey, M.M., Paraguas, F.J., Sombilla, M.A., Rosegrant, M.W. (2022). Rice Breeding Strategies for Future Food Security. Food Policy, 101, 102–117.
3. Qurbonov I.B., Nuriddinov S.A. (2023). O'zbekistonda sholining zamonaviy seleksiya yo'nalishlari. – Toshkent: Qishloq xo'jaligi nashriyoti, 222 b.

КУНГАБОҚАР ЎСИМЛИГИ НАВИ, F1 ДУРАГАЙИ ВА ТИЗМАЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ЛАБОРАТОРИЯ ТАҲЛИЛЛАРИ

Xabibullayev X. A.,

Don-dukkakli ekinlar ilmiy-tadqiqot instituti tayanch doktoranti

Аннотация. Мақолада, кунгабоқар нави, F1 дурагайи ҳамда тизмаларида қимматли хўжалик белгилари ва технологик кўрсаткичлари бўйича ўтказилган лаборатория таҳлилига кўра, умумий дон сони ва тўла етилган донлар сони, 1000 дона уруғ оғирлиги, ўртача ҳосилдорлик, мойдорлик, 1 га майдонда олинадиган мой миқдори, 1 га майдондан олинадиган кунгабоқар шроти бўйича яратилган янги Мадина навининг устунлиги келтирилган. Кунгабоқарнинг Мадина навини уруғини кўпайтириб, кенг майдонларида экилиши мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилган.

Таянч сўзлар: кунгабоқар, F1 дурагай, тизма, нав, умумий дон сони, тўла етилган донлар сони, 1000 дона уруғ оғирлиги, ўртача ҳосилдорлик, мойдорлик, 1 га майдонда олинадиган мой миқдори, 1 га майдондан олинадиган кунгабоқар шроти.

Кириш. Жаҳонда кунгабоқар бўйича етакчилик қилаётган мамлакатларида ғўза селекцияси йўналишида турли стресс омил-ларга бардошли, қимматли хўжалик белгиларининг ижобий кўрсаткичларига эга донорларни аниқлаш ва уларни селекция жараёнига жалб этиш орқали бойитилган генотипга эга янги кунгабоқар навлари ва дурагайлари яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу йўналишда бирмунча ютуқларга эришган ҳолда, экстремал ҳолатларнинг тез-тез такрорланиб туришини инобатга олиб, тезпишар, серҳосил, ташқи муҳитнинг кескин ўзгарувчан омилларига, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, ноқулай

шароитларида етиштиришга мос, энг муҳими, сифат кўрсаткичлари юқори бўлган юқори бўлган кўплаб кунгабоқар навлари ва дурагайлари яратилмоқда.

Республикамизда кунгабоқардан юқори сифатли уруғ ҳосили олишда ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, районлаштирилган кунгабоқар навларини тўғри танлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, танлаган нав биотик ва абиотик стрессларга чидамлилиги юқори бўлиши талаб этилади, бу эса юқори даромад гарови бўлади. Ҳозирги вақтда кунгабоқар етиштиришда селекция ишларининг самарали олиб борилиши ҳисобига, кунгабоқарнинг кўплаб дурагайлари ва

навлари яратилган ва ишлаб чиқаришда мақсадли фойдаланиб келинмоқда.

Тадқиқот натижалари.

Биз томонимиздан кунгабоқар селекцияси борасида тадқиқотлар олиб борилиб, *Helianthus annuus* L. турига мансуб ҳосилдор, сув танқислигига ва касаллик, зараркунандаларга бардошли, биологик тезпишарлик, доннинг таркибидаги технологик сифат кўрсаткичларини юқори бўлган, Янги замон нави, Олимп F1 дурагайи, Линия 1 ва Линия 2 тизмаларининг уруғлари кўпайтирилиб, Мадина навига Интеллектуал мулк агентлигидан патент олинган ҳамда ушбу кунгабоқар нави бошқа шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари томонидан патент олиш ёки фойдаланиш учун тақдим этилмаганлиги тасдиқланган.

Кунгабоқар нав ва дурагайлари лаборатория таҳлилларидан ўтказилди ва таҳлилларга кўра натижалар келтириб ўтилди. Алоҳида ажратиб олинган саватчалардаги ўртача дон сони ўрганиб

чиқилди (1-жадвалга қаранг). Умумий дон сони бўйича кўрсаткичлар 902 дона (Линия 1) дан 1098 дона (Мадина) гачани ташкил этди. Белги бўйича энг юқори кўрсаткич андоза Мадина навида кузатилиб, 1098 донани ташкил этди. Бунга сабаб, сават диаметрининг катталиги, аммо бунда ўрта ярусдаги донлар тўла етилмаганлигини кўриш мумкин. Андоза Янги замон навида белги бўйича кўрсаткич 1012 донани ташкил этди.

Тўла етилган маҳсулдор донлар сони 866 (Линия 1) дондан 988 дона (Мадина) гачани бўлганлиги кузатилди. Бу ўринда яратилган Мадина навининг белги бўйича кўрсаткичи андоза Янги замон нави (970 дона)дан 18 дона кўп бўлганлиги кўринди.

Тўла етилмаган донлар сони бўйича кўрсаткичлар 23 дона (Олимп F1)дан 128 дона (Янги замон) гачани ташкил этди. Яратилган Мадина навида белги бўйича кўрсаткич 24 донани ташкил этиб, ижобий натижа қайд этилди.

1- жадвал

Ўрганилган нав, дурагай ва тизмаларнинг дон сони бўйича кўрсаткичлари

Нав, дурагай ва тизмалар	Умумий дон сони	Тўла етилган донлар, дона	Тўла етилмаган донлар, дона
Олимп F ₁	974	951	23
Линия 1	902	866	36
Линия 2	933	901	32
Мадина	1012	988	24
Янги замон (st)	1098	970	128

Дон сифатини баҳолашда қуйидаги белгилар муҳим омил ҳисобланади, бунда баҳолаш қуйидагича амалга оширилади:

- доннинг шакли;
- 1000 дона уруғнинг ўртача оғирлиги (50 граммгача-оз, 51-70 граммгача- ўртача, 71 граммдан

ортиқ-юқори);

- дон таркибидаги мой миқдори (22 % гача кам, 22-40 % гача ўртача, 40 % дан ортиқ юқори);

- дон таркибидаги углевод ва бошқа озукавий моддалар миқдори.

1000 дона доннинг ўртача оғирлиги ва ранги

бўйича маълумотлар 2-жадвалда келтирилган. Ўрганилган нав, дурагай ва тизмаларда 1000 дона уруғ оғирлиги 55-57 г (Линия 1) дан 85-88 г (Мадина) гача бўлиб, янги яратилган Мадина навининг белги бўйича кўрсаткичи андоза Янги замон навидан 14-15 г юқори бўлганлиги қайд этилди. Дон рангги бўйича эса ўрганилган нав, дурагай ва тизмаларнинг

турлича бўлганлиги кўринди.

Яратилган Мадина навининг донини рангги қора кулранг чизиқли, андоза Янги замон навида қора чизиқсиз, Олимп F1 дурагайида тўқ қора, Линия 1 ва Линия 2 да оч қора рангда бўлганлини намоён бўлди.

2- жадвал

1000 дона доннинг ўртача оғирлиги ва ранги

Нав, дурагай ва тизмалар	1000 дона уруғ оғирлиги, г	Дон ранги
Олимп F ₁	57-59	Тўқ қора
Линия 1	55-57	Оч қора
Линия 2	60-62	Оч қора
Мадина	85-88	Қора кулранг чизиқли
Янги замон (st)	71-73	Қора чизиқсиз



1-расм. Кунгабоқар саватчаларининг кўриниши

3-жадвал маълумотларига кўра, ўрганилган нав, F1 дурагай, тизмаларда ўртача ҳосилдорлик

2600 кг/га (Линия1) дан 3200 (Мадина) кг/га бўлгани ҳолда, андоза Янги замон навида 3100 кг/га ни ташкил этди. Яратилган Мадина навида эса белги бўйича кўрсаткич 3200 кг/га ни ташкил этиб, андоза навидан 100 кг/га юқори натижани кўрсатди.

Нав ва дурагайлар таркибидаги мой миқдори 40 % (Линия 2) дан 49 % (Мадина) гачани ташкил этиб, яратилган Мадина навининг мой миқдори андоза Янги замон нави (46 %) га нисбатан 3 % юқори бўлганлиги қайд этилди.

1 гектар майдондан олинган мой миқдори бўйича 1080 кг (Линия 2) дан 1568 кг (Мадина) гача бўлган натижалар кузатилди.

Андоза Янги замон навида белги бўйича кўрсаткич 1426 кг ни ташкил этиб, яратилган Мадина навида андоза навидан 142 кг устунлик намоён бўлди.

Нав ва дурагайларнинг ҳосилдорлиги, таркибидаги мой ва шротининг таҳлили

Нав ва дурагай номи	Ўртача ҳосилдорлик га/кг	Мойдорлиги, %	1 га майдондан олинадиган мой, кг	1 га майдондан олинадиган кунгабоқар шроти, кг
Олимп F ₁	3000	47	1410	1500
Линия 1	2600	43	1118	1300
Линия 2	2700	40	1080	1485
Мадина	3200	49	1568	1536
Янги замон (st)	3100	46	1426	1500

1 га майдондан олинадиган кунгабоқар шроти таҳлили шуни кўрсатдики, Олимп F1 дурагайи ва андоза Янги замон навида 1500 кг бўлганлиги, Линия 1 тизмасида бирмунча пастроқ натижа кузатилиб, 1300 кг ни ташкил этганлиги, нисбатан юқори кўрсаткич яратилган Мадина навида кузатилиб, 1536 кг га тенг бўлганлиги қайд этилди.

Хулоса тарзида таъкидлаб ўтиш жоизки, кунгабоқарнав ва дурагайлари ҳамда тизмаларининг лаборатория таҳлиliga кўра, умумий дон сони ва тўла етилган донлар сони, 1000 дона уруғ оғирлиги

бўйича Мадина навининг устунлиги қайд этилди. Ушбу навнинг дон рангги қора кулранг чизиқли бўлганлиги аниқланди.

Ўрганилган навлар, F1 дурагай ва тизмалар орасида ўртача ҳосилдорлик, мойдорлик, 1 га майдонда олинадиган мой миқдори, 1 га майдондан олинадиган кунгабоқар шроти бўйича устунликни намоён қилди.

Биз томонимиздан янги яратилган Мадина навини уруғини кўпайтириб, кенг майдонларида экилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Zilola Maxsudbek qizi Matnazarova Xorazm sharoitida kungaboqar o'simligi o'sish va rivojlanishining biometrik ko'rsatkichlari tahlili International Conferences, 2022
2. Farxod Doniyorovich Mamadiyrov, Abdullo Norboy o'g'li Ro'zmanov Takroriy ekin sifatida ekilgan kungaboqar navlarining hosildorligiga oziqlantirish me'yorlarining ta'siri. : Innovative Development in Educational Activities, 2023. openidea.uzopenidea.uz
2. Sh.D. Xudoyberdiyeva, X.A. Xabibullayev Kungaboqar ekini haqidagi ma'lumotlar va uning seleksiyadagi ahamiyati. Научный Фокус, 2024. nauchniyimpuls.ru
3. Agrokimlab.uzkarantinhimoya.uz+1agrokimlab.uz+1

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУТ ЕТИШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР: ИМКОНИ- ЯТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Шербекова Арыухан Рашидовна,

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада қишлоқ хўжалигида сут етиштириш соҳасида инновацион технологияларнинг аҳамияти, турлари ва самарадорликка таъсири таҳлил қилинган. Шунингдек, рақамли мониторинг ва биотехнология каби ечимларнинг ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот сифати ва иқтисодий самарадорликни оширишдаги ўрни кўрсатиб берилган.

Таянч сўзлар: инновацион технологиялар, сут етиштириш, қишлоқ хўжалиги, автоматлаштириш, рақамли мониторинг, биотехнология.


Кириш. Бугунги кунда жаҳон бозорида сут ва сут маҳсулотларига бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, аҳолининг сони ортиши, овқатланиш маданиятидаги ўзгаришлар ва функционал озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган қизиқиш сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш заруриятини туғдирмоқда.

Шу билан бирга, экологик барқарорлик, маҳсулот сифатини таъминлаш ва истеъмолчи талабларига жавоб бериш ҳам сутчилик соҳасини модернизация қилишни талаб этмоқда. Сутчилик қишлоқ хўжалигининг

муҳим ва стратегик тармоқларидан бири сифатида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқот материаллари ва услуби. Сўнгги йилларда сут етиштиришда инновацион технологияларнинг кенг қўлланилиши ушбу соҳанинг самарадорлигини сезиларли оширишга хизмат қилмоқда.

Хусусан, роботлаштирилган соғиш ускуналари, автоматлаштирилган озиқлантириш тизимлари, биотехнологиялар ва рақамли мониторинг каби ёндашувлар орқали ишлаб чиқариш жараёнлари оптималлаштирилмоқда.



1-расм. Сут ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар

Бундай технологик ечимлар меҳнат сарфини камайтириб, маҳсулот сифати ва ҳажмини оширишга ёрдам беради. Ушбу мақоланинг мақсади — қишлоқ хўжалигида сут етиштириш жараёнида инновацион технологияларнинг ролини таҳлил қилиш, уларнинг иқтисодий ва амалий имкониятларини очиб бериш ҳамда соҳанинг истиқболли ривожланиш йўналишларини белгилашдан иборат [1].

Сут етиштириш соҳасида инновацион технологияларнинг жорий этилиши ишлаб чиқариш жараёнларини тубдан янгилamoқда. Жумладан, роботлаштирилган соғиш ускуналари меҳнат тежамкорлиги ва санитар-гигиеник талабларга тўлиқ мослиги билан ажралиб туради.

Ушбу ускуналар доимий ва барқарор соғиш циклини таъминлаб, инсон омилини

минималлаштиради ва маҳсулот сифатини оширади. Шунингдек, автоматлаштирилган озиқлантириш тизимлари ҳар бир сигирнинг индивидуал эҳтиёжларига асосланган ҳолда озуқа бериш имконини беради, бу эса рационни аниқ назорат қилиш ва маҳсулдорликни оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, генетик селекция усуллари ривожланиши натижасида сут маҳсулдорлиги юқори бўлган зотларни саралаб етиштириш мумкин бўлди.

Биотехнологиялар сут сифатини яхшилаш ва хасталикларга чидамликни оширишда муҳим роль ўйнайди. IoT (ашёлар интернет) ва рақамли мониторинг ечимлари ҳар бир сигирнинг ҳолати, фаоллиги ва физиологик параметрларини real-time режимда кузатиш имконини яратади. Бу маълумотлар асосида ветеринария ва озиқлантириш

бўйича аниқ қарорлар қабул қилинади. Шунингдек, микроклимат назорати тизимлари иссиқлик, намлик ва ҳаво алмашинувиани автоматик тарзда бошқариб, сарай муҳитини оптималлаштиришга ёрдам беради, бу эса ҳайвонлар саломатлиги ва маҳсулдорлигига бевосита таъсир кўрсатади [2].

Инновацион технологияларнинг қўлланилиши сут етиштиришдаги самарадорликни бир неча жиҳатдан оширади. Энг аввало, роботлаштириш ва автоматлаштириш воситасида 1 сигирга тўғри келадиган сут миқдори ошади, чунки озиклантириш ва соғиш жараёнлари тўлиқ назорат остида бўлади.

Бу ўз навбатида меҳнат сарфини камайтиради, инсон ресурсларига бўлган эҳтиёжни қисқартиради ва иш унумдорлигини оширади. Шу билан бирга, харажатлар оптималлашиб, озуқа, энергия ва техник хизмат кўрсатиш учун сарфлар тежалади.

Гигиена ва сут сифати яхшиланиб, маҳсулотни қайта ишлашга янада мос, барқарор хомашё базаси шаклланади. Натижада, фермер хўжаликлари рақобатбардош ва иқтисодий жиҳатдан барқарор тизимга айланади (1 - расм).

Инновацион технологияларнинг қўлланилиши қишлоқ хўжалигида, хусусан, сут ишлаб чиқариш соҳасида инвестицияларнинг юқори қайтиши билан тавсифланади.

Роботлаштириш ва автоматлаштириш каби ечимлар бошланғич капитал харажатлари юқори бўлса-да, узоқ муддатли истиқболда меҳнат, энергия ва озуқа харажатларининг камайиши орқали умумий харажатлар оптималлашади. Бундан ташқари, маҳсулот сифатининг яхшиланиши ва маҳсулдорликнинг ошиши даромадлар ўсишига олиб келади.

Аниқ ҳисоб-китобларга кўра, бундай

инвестициялар бир неча йил ичида ўзини оқлайди ва фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигига хизмат қилади.

Шу билан бирга, инновацион ечимлар кичик ва ўрта фермерлар учун ҳам тобора кенг имкониятлар яратаётгани кузатилмоқда. Масофавий мониторинг, мобил иловалар ва рақамли платформа хизматлари орқали фермерлар оз маблағ эвазига юқори технологик имкониятлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда.

Қатор давлатлар (Европа Иттифоқи, АҚШ, Жанубий Корея) кичик агробизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида субсидиялар, имтиёзли кредитлар ва техник ёрдам дастурларини йўлга қўйган. Ўзбекистонда ҳам агротехнопарклар, агросаноат кластерлари ва рақамли қишлоқ хўжалиги ташаббуслари орқали ана шундай механизмлар тадбиқ этилмоқда.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, давлатнинг стратегик қўллаб-қувватлови инновациялардан самарали фойдаланишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга [3].

Сут ишлаб чиқаришда инновацион технологияларнинг ривожланишида бир қатор истиқболли йўналишлар ажралиб турибди. Жаҳон амалиётида смарт-фермалар концепцияси — яъни барча ишлаб чиқариш жараёнларини рақамли платформалар орқали автоматлаштириш ва марказлаштирилган назорат тизимида бошқариш — тобора кенг тарқалмоқда.

Шунингдек, сунъий интеллект (AI) асосида real-time режимда сут сифати ва ҳайвон саломатлигини баҳолаш технологиялари самарадорликни янада оширмоқда. Биоэкологик интеграция, яъни маҳсулот ишлаб чиқаришда табиий ресурслардан оқилона ва барқарор фойдаланиш, ҳам иқтисодий, ҳам

экологик жиҳатдан устувор йўналиш сифатида қаралмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакат миқёсида ишлаб чиқиладиган рақамлаштириш стратегиялари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва глобал рақобатга тайёрлашда муҳим ўрин тутди.

Сут ишлаб чиқаришда инновацион технологияларни жорий этиш қишлоқ хўжалиги соҳасини замонавийлаштириш ва самарадорликни оширишда ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлмоқда. Роботлаштирилган ускуналар, автоматлаштирилган озиқлантириш тизимлари, IoT, биотехнология ва сунъий интеллект каби ечимлар ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириб, меҳнат ва ресурс сарфини камайтириш, маҳсулот

сифатини яхшилаш, ҳамда барқарор хомашё базасини шакллантириш имконини бермоқда.

Инновацион ёндашувлар нафақат йирик агрокорхоналар, балки кичик ва ўрта фермер хўжаликлари учун ҳам янги имкониятларни яратадигани, шунингдек, давлат қўллаб-қуввати ва халқаро тажрибанинг муҳим аҳамиятга эгалиги амалда тасдиқланмоқда.

Истиқболда смарт-фермалар, биоинтеграция ва рақамли мониторинг сингари технологиялар соҳани янада самарали ва экологик барқарор йўл билан ривожлантиришда асосий вазифалардан бирига айланиши кутилмоқда.

Шу боис, қишлоқ хўжалигида сут етиштириш самарадорлигини оширишни инновацион ечимларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Coelli, T., Rao, D. S. P., O'Donnell, C. J., & Battese, G. E. (2005). An introduction to efficiency and productivity analysis (2nd ed.). Springer.
2. Latruffe, L. (2010). Competitiveness, productivity and efficiency in the agricultural and agri-food sectors. OECD Food, Agriculture and Fisheries Papers, No. 30. <https://doi.org/10.1787/5km91nkdt6d6-en>
3. Timur, N. (2023). BASES OF ECONOMIC EFFICIENCY OF AGRICULTURAL PRODUCTION. Бюллетень науки и практики, 9(5), 412-415.

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI CHORVACHILIK TARMOG'INI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSIYALAR ZARURIYATI VA ISTIQBOLLARI

Sultaniyaz Baltashov,

Qoraqalpog'iston qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti

Ishlar boshqarmasi boshlig'i, i.f.f.d.

Annotatsiya. Ushbu maqolada Qoraqalpog'iston Respublikasida chorvachilik tarmog'ini yanada rivojlantirish, aholini arzon va sifatli go'sht hamda boshqa oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash, sohada innovatsion texnologiyalarni qo'llash va hodimlar tajribasini oshirishga oid ma'lumotlar keltirilgan.

Tayanch so'zlar: chorvachilik tarmog'i, yirik shoxli mollar, sigirlar, qo'y va echkilar, parrandalar, go'sht, sut, tuxum, intensiv, ekstensiv.

Kirish. Chorvachilik tarmog'ini jadal rivojlantirish xalqimizni arzon va sifatli go'sht hamda boshqa oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta'minlash, ayniqsa, qishloq joylarida istiqomat qilayotgan axolining bandligini oshirish va daromadlarini ko'paytirishda muhim o'rin tutadi.

Chorvachilik – qishloq xo'jaligining muhim tarmoqlaridan biridir. U muhim ozuqa mahsulotlarini – sut, go'sht, tuxum, pilla, baliq kabi chorvachilikdan olinadigan oqsil moddasi manbasi, sanoat ishlab chiqarishi, qayta ishlovchi sanoat uchun xomashyo (sut, go'sht, teri, jun, pilla va boshqalar) va o'simlikchilik uchun organik o'g'itlar tayyorlab berish bilan xizmat

qiladi. Chorvachilik mahsulotlarini etishtirish bevosita chorva mollari va parrandalar bosh soni bilan bog'liq [1].

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 8-fevraldagi PQ-120-son Qaroriga asosan 2026-yilga qadar respublikada sut ishlab chiqarish hajmi aholi jon boshiga 11,5 million tonnadan 22 million tonnaga yetkazilishi rejalashtirilgan.

Mol go'shti yetishtirish (tirik vaznda) 2864 ming tonna, qo'y va echki go'shti 650 ming tonnaga yetkazilishi, umumiy chorva mollari tarkibidagi zotli yuqori mahsuldor qoramollar ulushi 9 foizdan 33 foizga, yaxshilangan chorvachilik esa 54 foizdan 90 foizga oshirilishi lozim. Demak, sohaga zamonaviy

texnologiyalarni joriy etish, yangi ishlab chiqarish soni o'sish sur'atini tahlil qilar ekanbiz yirik shoxli quvvatlarini qurish va mavjudlarini modernizatsiya mollar va sigirlarda 102 foiz, qo'y va echkilarda 102,2 qilish dolzarb masala. foiz, otlarda 101,5 foiz, cho'chqalar bosh soni 98,6

Tahlil va natijalar. 2023-2024 yillarda foiz, parrandalar bosh soni 101,4 foiz o'sishini ko'rish Qoraqalpog'iston Respublikasida chorva mollari bosh mumkin (1-jadval).

1-jadval

Qoraqalpog'iston Respublikasida chorva mollari va parrandalar bosh soni bo'yicha ma'lumot

Chorva mollari va parrandalar	O'lchov birligi	Barcha toifadagi xo'jaliklar		
		2023 y.	2024 y.	O'sish sur'ati, %
Yirik shoxli mollar	ming bosh	1 208,2	1232,1	102,0
Sigirlar	ming bosh	350,7	356,3	101,9
Qo'y va echkilar	ming bosh	1 213,9	1 240,8	102,2
Otlar	bosh	27 610	28 034	101,5
Cho'chqalar	bosh	1005	991	98,6
Parrandalar	ming bosh	5196,8	5271,2	101,4

Chorva mollari va parrandalar bosh soni o'sishi albatta asosiy turdagi chorvachilik mahsulotlari yetishtirishining o'sishiga ta'sir ko'rsatadi (2-jadval).

2-jadval

Qoraqalpog'iston Respublikasida chorvachilik xo'jaliklari tomanidan etishtiriladigan mahsulotlar bo'yicha ma'lumot

Mahsulot nomi	O'lchov birligi	Barcha toifadagi xo'jaliklar		
		2023 y.	2024 y.	O'sish sur'ati, %
Go'sht	tonna	120 860	123 759	102,4
Sut	tonna	434 438	448 163	103,2
Tuxum	ming dona	386 966	398 332	102,9
Jun	tonna	1 505	1 562	103,8
Qorako'l teri	dona	92 715	93 937	101,3
Pilla	tonna	802	858	107,0
Baliq	tonna	11 386	11 597	101,9

Tahlillardan ko'rishimiz mumkin mahsulot intensiv usilda mahsulot etishtirishni ko'paytirishga etishtirish ekstensiv yani chorva mollari bosh soni zarurlik mavjud.

ko'payishi evaziga amalga oshirilgan. Demak respub- Chorvachilik tarmog'ida innovatsion faoliyat likada innovatsion texnologiyalarni qo'llash orqali deganda chorvachilik tarmog'ining yangi yoki

yaxshilangan (sifat, ko'rinishi va samaradorlik ko'rsatkichlari bo'yicha) mahsulot ishlab chiqarishga qaratilgan faoliyatga aytiladi.

Ushbu faoliyat ilmiy tadqiqot va ishlanma yoki ishlab chiqarishni modernizatsiyalash hamda bozorni egallash maqsadida ilg'or tajribalardan foydalanish natijasida vujudga keladi.

Chorvachilikning eng yaxshi amaliyotlari: mahsuldor zotlarga o'tish. Bunday yondashuv, tabiiyki, miqdoriy samaradorlikni oshiradi. Hayvonlarni parvarish qilishni yaxshilash, shu bilan birga davolash va dori-darmon xarajatlari masalasi hal qilish, texnik xizmat ko'rsatish va parvarish qilish uchun uskunalari xarid qilib olish, yangi texnologiyalardan foydalangan holda yuqori sifatli sharoitlar yaratiladi.

Chorvachilikda mahsulot etishtirish sohasiga qarab asosiy ikki go'sht va sut etishtiruvchi sohalarga ajratiladi. Go'sht - bu go'sht uchun chorvachilikni ko'paytirishga ixtisoslashgan sanoat, sut - bu sut mahsulotlarni ishlab chiqarishdir.

Chorvachilik va u bilan bog'liq jarayon murakkab tizimdir. Shu sababli, ushbu sohada innovatsion jarayonlarni rivojlantirish istiqbollari mavjud.

Xodimlar bilan bu sohada ishlashda ko'pincha qiyinchiliklar paydo bo'ladi, chunki qishloq xo'jaligini chorvachilik sohasini zamonaviy standartlarga mostlashtirib borish zarur.

Bunda zotlarni ko'paytirish har bir chorvachilik mahsulotlarini ishlab chiqaruvchi qishloq xo'jaligi subektlarida samaradorlikga va muvaffaqiyatga erishishga qaratilgan bo'lishi kerak. Naslchilik zotini belgilangan talablar va xususiyatlarga muvofiq olib borgan holda:

- yangi nasl zotini biologik xususiyatlarini aniq yaratish (ba'zi kasalliklarga genetik moyillikning yo'qligi, go'sht va sut sifati, o'sish va pishib etish darajasi);

- parvarishlash va parvarish qilishni belgilangan talablar bo'yicha amalga oshirish;

- xodimlarning bilim, tajribalari va yangi

innovatsion texnologiyalarda ishlash ko'nikmalarini oshirib borish;

- ishlab chiqarish jarayonini rejalashtirish, hujjatlashtirishdan tortib yuqori texnologiyali qurilmalargacha bo'lgan har bir bosqichni avtomatlashtirishga e'tibor qaratish;

Har bir chorvachilik xo'jaligi egasi yoki menejeri ovqatlanish shakli va turi to'g'risida qaror qabul qiladi va natija uchun javobgar hisoblanadi. Biroq, so'ngi jahon tadqiqotlari nuqtai nazaridan, eng sifatli oziqlantirish muvozanatli ozuqa aralashmalaridir. Ilgarilari chorva mollarini tabiiy oziqlantirishga ustunlik berilgan.

Oziqlantirish va oziqlantirishga yondashuv yo'nalish tamoyillariga qarab o'zgartiriladi, tadqiqot natijalariga va ilmiy asosli xarakteriga ega bo'ldi.

Bu orqali chorvachilikda innovatsion uskunalarini joriy etish va texnologiyalarni rivojlantirish mumkin bo'ladi. Chorva mollarini boqishning eng muhim nuqtalari: muvozanatli ovqatlanish. Zamonaviy texnologiyalar kuchli ixcham paketda blankalar va aralashmalar yaratishga imkon beradi. Dunyoning rivojlangan chorvachilik xo'jaliklarida bir vaqtning o'zida bir nechta xo'jaliklariga xizmat ko'rsatadigan ozuqa omborlari bazalari yaratilgan. Bunday bazalar ozuqani yuqori sifatli saqlash uchun barcha kerakli qurilmalar bilan jihozlangan. Shuningdek ozuqa bazasida oziqni yuklash, uni ochadigan va kerakli joyga tushiradigan avtomatik yuklagichlar o'rnatilgan [2]. Hayvonlarning har bir guruhi uchun ozuqa tarkibi har xil. Ular jinsi, yoshi va tarkibi yakuniy maqsadi yani go'sht yoki sut yo'nalishi bo'yicha bo'linadi. Guruhlarning har biri ma'lum bir ozuqa tarkibiga muhtoj.

Oziq-ovqat va sut laboratoriya tadqiqotlari ularning tarkibidagi muvozanatni aniqlashga imkonini beradi. Oziqlantirish sohasida texnologik usullar majmuasidan foydalanish kutilgan muvaffaqiyatli natijani beradi.

har bir hayvon haqidagi ma'lumotlarni saqlash (kunlik, haftalik, oylik va hokazo. sut sog'ib olish);

sut sifatini tahlil qilish; hayvonlar kasalliklarini tashxislash va oldini olish;

avtomatik tozalash va sanitariya-gigiena me'yorlariga rioya qilish ishlarni olib borishidir.

Chorvachilikda davom etayotgan naslchilik ishlari shunchaki oddiy bir bosqich emas, balki kelajakdagi natijani belgilaydigan lahzadir.

Genetika yutuqlari yordamida olimlar uchun bunday ishni bajarish ma'suliyatli va natijadarlikka erishish yo'lidir. Naslchilik eng yaxshi genetik materialdan foydalangan holda zotlarni yaxshilashni o'z ichiga oladi. Chorvachilik mahsulotlari etishtirishni ko'paytirishning asosiy innovacion vositasi axborot-tahliliy tadqiqotlardir. Har bir hayvon zoti haqidagi mavjud ma'lumotlarni tahlil qilib, tizim har bir chorva hayvonining naslchilik qiymatini va ma'lum bir maqsad uchun barcha genetik afzalliklari va kamchiliklarini aniqlaydi.

Barcha ma'lumotlar ehtiyotkorlik bilan qayta ishlanadi va tavsiyalar shaklida uzatiladi. Ushbu ilmiy yondashuv bizga eng yaxshi zotlarni yaratishga, oldingi xatolarning sabablari va aloqalarini aniqlashga, eng muhimi – ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga imkon beradi. Innovacion faoliyatning samaradorligi yakuniy natija bilan belgilanganligi sababli, tanlov usullari kutilgan samaraning aniq prognozlarini beradi.

Hech kimga sir emaski, veterinar ko'p hollarda faqat kasal hayvonlarni davolovchi sifatida qaraladi.

Bugungi kunda veterinar nafaqat davolaydigan, balki kasalliklarning oldini olish bilan shug'ullanadigan shaxsdir. Ilg'or mamlakatlar tajribasidan o'rgangan mahalliy chorvachilik xo'jaliklari veterinar rolini jiddiy qadrlashadi. Sanitariya - gigiena sharoitlariga rioya qilish, hayvonlarning muayyan guruhlarini kuzatish, yuqumli kasalliklarning oldini olish, kasalliklarning oldini olish, erta tashxis qo'yish va davolash-bularning barchasi chorvachilikda zamonaviy veterinarning vazifalaridir.

Rivojlanish istiqbollari zamonaviy va texnologik jihatdan ilg'or innovacion ishlanmalar qanchalik zamonaviy bo'lmasin, menejment doimo asosiy muammo bo'lib qoladi. Jarayonni tashkil etish, shuningdek moliyalashtirish chorvachilik sohasining zaif tomonlari hisoblanadi [3].

Xulosa. Qoraqalpog'istonda chorvachilik davlatning eng muhim tarmog'i ekanligini, aholining hayot sifati bevosita unga bog'liqligini va yo'qoridagi tahlillarni hisobga olgan holda mahsulot etishtirishni, ishlab chiqarishning har bir bosqichida innovacion texnologiyalardan foydalanish, xar taraflama mukkamal zotlarini yaratish, chet ellik hamkasblarning tajribasini o'rganish tahlil qilish, bilim va tajribalar almashish, ushbu sohada samaradarlikni oshirib borishda tadqiqotchilar va muhandislar oldiga sifatli ishlab chiqarish darajasi oshiruvchi eng muhim vazifalarni belgilab qo'yish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Qoraqalpog'iston Respublikasi Davlat statistika Qo'mitasi ma'lumotlari <https://www.qrstat.uz/>
2. A.Rahimov. Farg'ona vodiysi qoramolchilik tarmog'ini rivojlantirishda tashkiliy innovაციyalar zaruriyati va istiqbollari "AGRO ILM" 3-son [81] 2022 yil
3. Абдикади́рова А.А. Кластеры в животноводстве как один из видов государственной поддержки и регулирования АПК Казахстана. Материалы Международного экономического форума. 2012 г. Институт экономики и права Ивана Кушнера
4. <https://innovation.gov.uz/news/post-1799>
5. <https://viafuture.ru/katalog-idej/innovatsionnye-tehnologii-vzhivotnovodstve>

IQTISODIY ISLOHOTLAR:

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO'JALIGIDA IXTISOSLASHUVNING O'RNI

Nurimbetov T. U.,

Qoraqalpoq davlat universiteti xalqaro hamkorlik bo'yicha prorektori

Annotasiya. Maqolada qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishida ixtisoslashuvning ilmiy-nazariy asoslari va uning iqtisodiy ahamiyati yoritilgan. Qoraqalpog'iston Respublikasi misolida 2018–2024 yillarda amalga oshirilgan islohotlar, tarmoqlar kesimidagi o'zgarishlar va davlat statistikasi asosidagi tahlillar keltirilgan. Ixtisoslashuvning resurslardan samarali foydalanish va bozor talablariga moslashishdagi o'rniga alohida e'tibor qaratilgan.

Tayanch so'zlar: qishloq xo'jaligi, ixtisoslashuv, Qoraqalpog'iston, agrar islohotlar, resurslardan foydalanish, bozor iqtisodiyoti.

Kirish. Bugungi kunda agrar sohaning barqaror va samarali rivojlanishida qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishini ixtisoslashtirish muhim o'rin tutadi. Iqtisodiyotning tarmoqlararo muvozanatini ta'minlash, mehnat unumdorligini oshirish, resurslardan oqilona foydalanish hamda mahsulot tannarxini pasaytirish kabi vazifalar qishloq xo'jaligida samarali ixtisoslashuvni talab etadi.

O'zbekistonda amalga oshirilayotgan agrar islohotlar, fermer xo'jaliklarining rivojlanishi va bozor munosabatlarining chuqurlashuvi sharoitida ishlab chiqarishni hududiy va tarmoqlar kesimida maqsadli yo'nalishlarga ixtisoslashtirish dolzarb masalaga aylangan. Bunda zamonaviy bozor mexanizmlari, resurs potentsiali, agroiqlimiy shart-sharoitlar va mahsulotga bo'lgan talab darajasi kabi omillar hal qiluvchi ahamiyatga ega.

Tadqiqot materiallari va uslubi. Tadqiqotning nazariy-uslubiy asoslari qishloqxo'jaligida ishlab chiqarishida ixtisoslashuv deganda korxona yoki hudud faoliyatini asosan muayyan turdagi mahsulot yetishtirishga yo'naltirish tushuniladi. Bunda xo'jalik mahsulot tarkibida aynan o'sha asosiy mahsulotning ulushi ustun bo'ladi

Ixtisoslashuv aslida ijtimoiy mehnat taqsimotining ko'rinishi bo'lib, korxona va hududlar tabiiy-iqlimiy hamda iqtisodiy sharoitlaridan kelib chiqib, ilmiy asosda tarmoq va mahsulot turini tanlashni nazarda tutadi. Ixtisoslashuvning bosh maqsadi qishloq xo'jaligi resurslaridan samarali foydalanish, ya'ni asosiy ishlab chiqarish vositasi bo'lgan yer va boshqa resurslar unumdorligini oshirishdan iborat.

Ixtisoslashuv jarayonida, odatda, biror mahsulotni katta miqdorda yetishtirishga ixtisoslashgan xo'jaliklar

shakllanadi va bu orqali ishlab chiqarish ko'lam samarasiga erishiladi.

Natijada mehnat taqsimoti chuqurlashib, maxsus texnika va ilg'or usullarni qo'llash osonlashadi, bu esa mahsulot tannarxini pasaytirib, samaradorlikni oshiradi [1]. Shunday qilib, ixtisoslashuv qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishining ilmiy-nazariy asosi sifatida yuqori samarali faoliyat yuritishga xizmat qiladi.

Tahlil va natijalar. Mustaqillik yillarida, xususan 2017-yildan boshlab, O'zbekiston qishloq xo'jaligida katta islohotlar boshlangan bo'lib, ularning markazida ishlab chiqarishni diversifikatsiya qilish va samarali ixtisoslashuvga erishish masalasi turadi.

Avval mamlakat qishloq xo'jaligi asosan paxta va g'allaga yo'naltirilgan edi, bu esa monomadaniyat tufayli bir qator muammolarni keltirib chiqargan (tuproq unumdorligining pasayishi, suv resurslarining tanqisligi va boshqalar).

Shu bois O'zbekiston hukumati qishloq xo'jaligida yangi tarmoqlar va yuqori qiymatli ekinlarga ixtisoslashishni rag'batlantirmoqda. 2019-yilda qabul qilingan Qishloq xo'jaligini rivojlantirish strategiyasida (2020–2030 yy.) agrar sohani modernizatsiya qilish, tarmoqlarni optimallashtirish va mahsulot yetishtirishni bozor talablariga mos ravishda o'zgartirish ustuvor vazifalar sifatida belgilandi.

Ayniqsa, klaster tizimi joriy etilib, hududlarda paxta-to'qimachilik, meva-sabzavot, chorvachilik kabi yo'nalishlar bo'yicha ixtisoslashgan agroklastlar tashkil qilindi. Bu yangicha yondashuv ixtisoslashuvni yanada chuqurlashtirib, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash va eksport qilishni oshirishga xizmat qilmoqda.

Qoraqalpog'iston Respublikasi misolida ixtisoslashuv masalasi alohida dolzarbdir. Mazkur hududning agrar salohiyati mamlakat miqyosida nisbatan cheklangan bo'lsa-da (masalan, 2021-yilning birinchi yarmida Qoraqalpog'istonning yurt bo'yicha qishloq xo'jaligi mahsuloti ishlab chiqarishdagi ulushi atigi 2,9 %

ni tashkil etdi), hududning tabiiy xususiyatlariga mos tarmoqlarda ixtisoslashish uning iqtisodiy rivojlanishi uchun muhim ahamiyatga ega. Qoraqalpog'istonda suv tanqisligi va sho'rlanish kabi omillar tufayli an'anaviy ekinlar hosildorligi cheklanishi mumkin.

Shu bois, so'nggi yillarda hudud uchun moslashuvchan ixtisoslashuv yo'nalishlari – masalan, kam suv talab qiluvchi ekinlar, chorvachilik va poliz-bochkorlik tarmoqlarini rivojlantirish masalalari dolzarb bo'lmoqda. Xususan, hukumat Aral dengizi inqirozi ta'sirini yengillashtirish maqsadida Qoraqalpog'istonda qishloq xo'jaligini diversifikatsiya qilishga oid maxsus dasturlarni amalga oshirmoqda.

Bu chora-tadbirlar Qoraqalpog'iston qishloq xo'jaligini zamon talablariga mos tarzda ixtisoslashtirish va hudud aholisining farovonligini oshirishga qaratilgan. Qoraqalpog'iston Respublikasining 2018–2024 yillardagi qishloq xo'jaligi ishlab chiqarish tarkibida o'simlikchilik va chorvachilik tarmoqlari muhim o'rin tutadi.

Rasmiy statistikaga ko'ra, so'nggi yillarda hudud yalpi qishloq xo'jaligi mahsulotining qariyb yarmi dehqonchilik (ekin) mahsulotlari, yarmi esa chorvachilik mahsulotlari hissasiga to'g'ri kelmoqda. Masalan, 2024-yilning yanvar-sentyabr holatida Qoraqalpog'istonda jami 312,7 trln so'mlik qishloq xo'jaligi mahsuloti ishlab chiqarilgan bo'lib, uning 149,6 trln so'mi (taxminan 48 %) o'simlikchilik, 163,1 trln so'mi (52 %) chorvachilikka to'g'ri keldi. Bu ko'rsatkichlar hudud agrar sektori ko'p tarmoqli xarakterga egaligini, ya'ni ekin va chorva tarmoqlari nisbatan muvozanatlashgan holda rivojlanayotganini ko'rsatadi.

Asosiy mahsulot turlari bo'yicha, Qoraqalpog'iston hali ham an'anaviy paxtachilik va g'allachilik tarmoqlariga ega. Paxta xomashyosi yetishtirish Qoraqalpog'iston qishloq xo'jaligining tarixiy tarmog'i bo'lib qolmoqda – respublikada minglab gektar sug'oriladigan maydonlar paxtaga ixtisoslashgan (O'zbekiston bo'yicha ishlab

chiqariladigan paxta xomashyosining bir qismi Qoraqalpog'istonda yetishtiriladi). Shuningdek, g'alla (asosan bug'doy) yetishtirish ham strategik ahamiyatga ega bo'lib, oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash maqsadida davlat yillik rejalari asosida bu ekin ekiladi. 2018–2021 yillarda paxta va g'allaning ekin maydonlari kamaytirilib, o'rniga boshqa daromadli ekinlarni joylashtirish ishlari boshlangan – jumladan, bog'dorchilik, sabzavotchilik va yem-xashak ekinlari maydonlari oshirilmoqda. Bu o'zgarishlar ixtisoslashuvning yangi bosqichini anglatib, hududga mos mahsulot turlarini ko'paytirishga xizmat qildi.

Bundan tashqari, sabzavot-poliz mahsulotlari va bog'dorchilik ham rivojlanmoqda. Masalan, 2018–2024 yillarda Qoraqalpog'istonda sabzavot yetishtirish hajmi bosqichma-bosqich ko'paygani, yangi meva bog'lari va tokzorlar barpo etilgani kuzatilgan. Xususan, Qoraqalpog'iston va boshqa viloyatlarda 2023-yil davomida jami 25 ming gektar mevali bog'lar va 86 ming gektar tokzorlar barpo etildi, natijada barcha toifadagi xo'jaliklarda meva va uzum yetishtirish hajmi oshdi.

Mazkur ekin turlari hududning iqlimiga moslashtirilgan navlar bo'lib, ularni ko'paytirish Qoraqalpog'istonni kelgusida meva-sabzavot eksportiga ixtisoslashgan hududga aylantirish imkonini beradi.

Chorvachilik tarmog'ida esa qoramolchilik va qo'ychilik asosiy yo'nalishlardandir. Rasmiy ma'lumotlarga ko'ra, Qoraqalpog'iston qishloq xo'jaligi mahsulotining katta qismi go'sht, sut, jun va boshqa hayvonchilik mahsulotlari hisobiga shakllanadi. 2018–2024 yillarda mintaqada chorva bosh soni va mahsulot hajmi izchil oshdi, jumladan, yirik shoxli qoramol va qo'y pog'onalari ko'paymoqda.

Hukumat tomonidan chorvachilikni rivojlantirish uchun yirik fermalar tashkil etilib, ular negizida yirik ozuqa bazasi va hatto biogaz ishlab chiqarish kabi tashabbuslar qo'llab-quvvatlandi. Natijada, Qoraqalpog'istonning chorvachilikka ixtisoslashuvi chuqurlashib, nafaqat mahalliy ehtiyojlarni ta'minlash,

balki go'sht-sut mahsulotlarini boshqa hududlarga yetkazib berish salohiyati ham ortmoqda [2]. Hudud yoki korxonaning to'g'ri tanlangan ixtisoslashuvi qishloq xo'jalik resurslaridan oqilona foydalanish va ishlab chiqarishni optimallashtirishning muhim omilidir.

Yuqorida ta'kidlanganidek, ixtisoslashgan xo'jaliklar o'zlariga xos bo'lgan texnika va texnologiyalarni joriy etib, mehnat unumdorligini oshirish imkoniga ega bo'ladi.

Masalan, faqat bitta mahsulot turi yetishtirishga ixtisoslashgan fermer xo'jaligi ushbu mahsulot uchun maxsus texnika (kombayn, sug'orish uskunalari va hokazo)dan samarali foydalana oladi, xodimlar malakasi aynan shu yo'nalishda oshadi. Bu esa ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirib, mahsulot tannarxini pasaytiradi va natijada raqobatbardoshlikni kuchaytiradi.

Statistik tahlillar ham ko'rsatmoqdaki, Qoraqalpog'istonda ixtisoslashgan korxonalar yillik mahsulot hajmini oshirish evaziga ishlab chiqarish xarajatlarini nisbatan qisqartirishga erishgan.

Ixtisoslashuv shuningdek, ishlab chiqarishni bozor talablariga moslashtirishga xizmat qiladi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida har bir hudud o'zining nisbiy afzalliklariga mos mahsulotlarni yetishtirishi maqsadga muvofiqdir. Masalan, Qoraqalpog'iston tuproq-iqlim sharoiti ayrim poliz ekinlari va go'sht chorvachiligiga qulay bo'lsa, ana shu yo'nalishlarda ixtisoslashuv hududga yuqori daromad keltiradi.

Mutaxassislarning ta'kidlashicha, ixtisoslashuvda bozor talabini hisobga olish eng muhim omillardandir – hududlar o'z mahsulot tarkibini iste'molchilar ehtiyojiga qarab shakllantirganda, ishlab chiqarilgan mahsulotning sotilish imkoniyati va narxi yuqori bo'ladi.

Masalan, so'nggi yillarda O'zbekiston bozorida hamda eksportda sabzavot va meva mahsulotlariga talab o'sayotgani inobatga olinib, Qoraqalpog'istonda ushbu mahsulotlarga ixtisoslashgan xo'jaliklar soni oshirildi. Natijada, hududning meva-sabzavot yetkazib berishdagi ulushi ko'payib, bozor kon'yunkturasiga

moslashishi yaxshilandi. Bundan tashqari, ixtisoslashuv ishlab chiqarishni optimallashtirishda, ya'ni eng maqbul tuzilmani shakllantirishda muhim rol o'ynaydi. Xususan, har bir xo'jalikda asosiy va yordamchi tarmoqlar nisbati to'g'ri belgilanishi kerak: qo'shimcha tarmoqlar asosiy ixtisoslashgan tarmoqni ta'minlash va to'ldirishga xizmat qiladi.

Misol uchun, Qoraqalpog'istonda paxtachilikka ixtisoslashgan fermer xo'jaliklari yonida chorvachilikni yordamchi tarmoq sifatida rivojlantirish amaliyoti bor – chorva mollari paxta maydonlaridagi qoldiq ozuqa (paxta poyalari, chigit)dan foydalanadi va shu bilan yer unumdorligini saqlashga ko'maklashadi.

Bu kabi integratsiya ishlab chiqarishning ichki optimal tuzilishini ta'minlab, xo'jalikning barqarorligini oshiradi [3].

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, 2018–2024 yillarda Qoraqalpog'iston Respublikasida qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishida ixtisoslashuv jarayonlari

bosqichma-bosqich chuqurlashmoqda. Agrar sohaning nazariy asoslari va davlat statistik ma'lumotlari tahlili shuni ko'rsatadiki, ixtisoslashuv tufayli hudud resurslaridan samaraliroq foydalanishga, ishlab chiqarish tuzilmasini optimallashtirishga va bozor talablariga moslashishga erishilmoqda.

Bu jarayonda davlat statistika qo'mitasi va Qishloq xo'jaligi vazirligi ma'lumotlari muhim dalillarni taqdim etadi: hududning yalpi qishloq xo'jaligi mahsulotida chorvachilik ulushining ortib borayotgani, ayrim ekin maydonlarining qisqarib, o'rniga bozorgir ekinlar joylashtirilayotgani kabi o'zgarishlar bu boradagi islohotlarning samarasini tasdiqlaydi.

Shu bois, Qoraqalpog'istonda qishloq xo'jaligida ixtisoslashuv masalasi nafaqat ilmiy-nazariy, balki amaliy jihatdan ham dolzarb bo'lib, uning izchil tatbiqi hududning agrar salohiyatini ro'yobga chiqarish va iqtisodiy o'sishga erishishning muhim omili bo'lib qoladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti (2019). 2020–2030 yillarda O'zbekiston Respublikasida qishloq xo'jaligini rivojlantirish strategiyasi to'g'risida [Farmon PF-5853, 2019-yil 23-oktabr]. TDIU nashriyoti.
2. Davlat statistika qo'mitasi. (2024). Qoraqalpog'iston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy holati: Statistika to'plami (2018–2023). Toshkent: O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi.
3. Tursunov, B. O. (2021). Qishloq xo'jaligida ixtisoslashuv va diversifikatsiya jarayonlarining rivojlanish omillari. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, 6(4), 55–63.

ПЕВЕЦ НЕЗАВИ- СИМОГО УЗБЕКИСТАНА



От приобщения к литературе человек обогащается духовно.

Ш. М. Мирзиёев,

Президент Республики Узбекистан

В период работы в аппарате ЦС НДП Узбекистана и после выхода на пенсию, я по предложению тогдашних главных редакторов – выдающегося узбекского поэта Азима Суюна, а потом видного государственного и общественного деятеля, журналиста с Большой буквы Сафара Остонова, в течение 25 лет работал общественным переводчиком редакции газет «Ўзбекистон овози» и «Голос Узбекистана».

В редакции, я как-то увидел человека с опрятными усами. Он оказался новым заведующим отделом духовности и культуры редакции газеты «Ўзбекистон овози» Нуриллохом Остоном. «Я читал

Ваши сатирические, юмористические произведения. Считаю Вас узбекским Азизом Несином», – сказал я. Так, я познакомился и подружился с известным детским поэтом, писателем, журналистом и пламенным публицистом Н. Остоновым. Вспоминается это мне, в связи с тем, что Нуриллоху Остонову исполняется 70 лет...

Он родился 10 сентября 1955 года в селе Туркманкишлак Самаркандского района. В 1981 году окончил факультет журналистики ТашГУ (ныне Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека), в 1989 году – высшую партийную школу в Ленинграде (ныне Санкт-Петербург).



Нуруллох Остон (Нуруллох Остонов) является членом Союза писателей Узбекистана с 1991 года. За прошедшие более пятидесяти лет творчества, им опубликован ряд сборников со стихами для детей, юмористическими и сатирическими рассказами.

Нуруллох Остонов в 1989-1990 годах работал заведующим сектором печати Самаркандского обкома партии, в 1991-1996 годах был корреспондентом Главной редакции "Ахборот" Узбекского телевидения по Самаркандской области, в 1998-2002 годах –межобластным корреспондентом Узбекского телевидения, В 2003-2008 годах был главным редактором газеты "Самарканд".

Н. Остон в течение ряда лет плодотворно работал в Национальном информационном агентстве Узбекистана, Ташкентском областном управлении печати и информации.

С 2014 года он возглавлял отдел культуры и духовности газеты «Ўзбекистон овози». В данное время он работает заведующим отделом редакции газеты "Халқ сўзи".



На снимке: У нас в народе не зря говорят: "Хорошая шутка удлиняет жизнь"

Он многие годы пишет стихи для учащихся и детей дошкольного возраста. Многие его стихи помещены в учебные пособия и учебники для школ.

За прошедшие годы он выпустил на узбекском языке книги для детей под названием : "Ночь, когда сверкали звёзды", "Родник на пути", "Цветок моего беспокойного сердца", "Танец весны", "На древних дорогах", "Небо полно ангелами", "Весенняя пора", "Навстречу заре", "Храбрый козлёнок", "Здоровые ребята", "Луна купается в шалаше" и другие...

Нуруллох Остон является талантливым переводчиком. Он перевёл на узбекский язык произведения знаменитых на весь мир таких детских поэтов, как: Лафонтен, Сергей Михалков, Иван Крылов, Майкл Розен, Агния Барто, Корней Чуковский, Яков Аким, Борис Заходер, Екатерина Серова, Ян Бжехва, Альфредо Валлини, Онил Кандислал, Роберт Луис Стивенсон, Овсей Дриз, Генри Лонгфелло, Леннарт Хельсинг, Хальфдан Расмуссен, Шэл Сильверстейн, Огден Нэш, Уолтер Де Ла Мар и других.

В основном он пишет для детей дошкольного и школьного возраста.

Он в своих стихах передаёт чистые чувства детей, весёлые, шуточные их проделки, ведёт речь об их отношении к родителям, Наблюдательный поэт умело изображает специфику детского мира, его стихи просты и написаны доступным языком, привлекают к себе.

Он мастерски использует богатства узбекского языка, поэтому его произведения быстро доходят до сознания детей.

Представляя детям художественные образы и трогательные за душу слова, он в полном смысле выступает в роли наставника и воспитателя детей.

Он хорошо понимает, что дети, занимающиеся творчеством, многое понимают глубоко и чувствуют.

Его поэма “Султан Джалалиддин. Шейх Кубро” воспитывает в детях веру в светлое будущее, знакомит с золотыми страницами истории Родины и нашего народа, учит ценить наши вековые национальные ценности.



На снимке: Н.Остонов с известным журналистом Ирисматом Абдухаликовым

Особое значение в творчестве Н.Остонова имеет сборник «Хурватан» («Свободная Родина»), в который вошли лирические стихи, мухаммасы, газели, поэма и сказки для детей... Как-то при встрече с выдающимся переводчиком, доктором филологических наук, профессором Асилом Рашидовичем Рашидовым, который свою трудовую деятельность начинал в нашей газете, мы разговаривали об этом сборнике. Асиль Рашидович тепло отозвался об этой книге и пожелал успехов автору...

Произведения Н.Остона, написанные до независимости, полны патриотических чувств и призыва бороться за свободу и независимость. Произведения, написанные после обретения Узбекистаном независимости, призывают беречь Родину как зеницу ока, хранить и приумножать богатое наследие наших великих предков, духовные и материальные ценности нашего народа, воспевают красоту человеческой души, любовь, весну и вместе с тем наполнены решимостью бороться с недостатками, имеющимися в обществе и повседневной жизни людей.

Необходимо отметить, что на Востоке испокон веков одной из основных форм стихосложения являлись газели. А самые талантливые авторы сочиняли мухаммасы на газели великих поэтов. В творчестве Нуруллоха Остона также значительное место принадлежит газелям, кроме того, он написал ряд мухаммасов на стихи великих поэтов Алишера Навои, Абдурахмана Джамии, Захириддина Мухаммада Бабура. Тематика его лирики и прозы обширна, он интернационалист, относящийся с

большим уважением к национальным и общечеловеческим ценностям. Например, в сборнике «Хурватан» есть стихи, посвященные Санкт-Петербургу, Петродворцу, Александру Пушкину, Сергею Есенину, Владимиру Высоцкому...

Он воспевает любовь, представительниц прекрасной половины человечества и весну:

ЖЕНЩИНА И ВЕСНА

Ты похожа на гурию из рая,
Глаза твои, словно звезды сияют.
Слова твои сыплются, как розы,
Ты пришла или весна?

Всю зиму я испытывал стужу,
Устал я от нее совсем.
Меня очаровал чудесный смех,
Смеялась ты или весна?

Сады все вдруг зацвели,
Бутоны там и тут: повсюду.
Мои уши слышат шепот о любви,
Шепчет ветер или ты, весна?

Ты пришла, и мир проснулся весь,
Легкий ветерок струится.
Поля и горы все в цвету,
Ты – цветник или весна?

Светлыми стали лунные ночи,
Улицы наполнились светом.
Всё исполнилось любви,
Ты влюблена или весна?

Как еще тебя воспеть,
О, давшая мне жизнь и надежду?

Свидание с тобой покончило с разлукой,
Кто прекрасней? Ты или весна?

Твоя краса выше всех сравнений,
Ты гурия, пришедшая из рая.
Ты пришла – в цветах весь мир,
Ты – волшебница или весна?

Ты прекрасна, я весь очарован,
Твои глаза меня пленили.
Никак не могу понять:
Очаровала ты или весна?

(Подстрочный перевод Н. Т.)

Н. Остон пишет на злобу дня, о горестях людей, чужой беде, мимо которой невозможно пройти равнодушно:

РЕПОРТАЖ ИЗ ДОМА ПРЕСТАРЕЛЫХ

В сердцах у них невысказанная боль.
У кого-то трое детей,
У кого-то – двое.

У них всегда есть, о чем поговорить:
О старости, радикулите, ревматизме.
Но никто здесь не ведет речь
о самой главной боли сердца.

Никто не вспоминает про войну,
и беды, что она им принесла.
Это, оказывается, еще не все:
судьба вновь испытывает их терпение.

Как дети, в полночь,
они рыдают беззвучно, наедине с собой.
Старики живут, тоскуя
О дорогих для них внучатах.

А внуки с каждым днем взрослеют.
и со временем, пойми:
вырастивших их родителей,
отправят также, в этот дом они!

(Подстрочный перевод Н. Т.)



На снимке: Нуриллох Остонов в кругу друзей

Нужно отметить, что Н.Остонов выступает в печати и как пламенный публицист.

В своё время он написал статью «Забота о народе выводит на арену великие личности». Так, он в ней писал объективно, с твёрдой убеждённоcтью:

«Однажды я встретился с знакомым, который работал на ответственной должности. В ходе беседы с ним речь зашла о независимости нашей страны.

– К нам часто приезжают зарубежные гости для обмена опытом, – сказал мой знакомый. – Один из них вдруг говорит:

«Вы обрели независимость без борьбы. Союз распался, и вы сразу стали независимыми».

Я опроверг его слова, разъяснив, что многие наши предки отдали свою жизнь в борьбу за свободу, что в годы Первой мировой войны по указанию царя Николая II тысячи людей были отправлены насильно на различные работы, затем в годы советской власти проводилось раскулачивание деhкан, а сотни патриотов были репрессированы». Это достойная отповедь фальсификаторам истории, искажающих представления об исторических событиях ... Накануне своего юбилея, Н.Остонов с благодарностью вспоминает покойного выдающегося журналиста Сафара Остонова, сыгравшего судьбоносную роль в его жизни, известного детского поэта Турсунбая Адашбаева, который в своё время собрал написанные Н.Остоновым стихи и через издательство «Шарк» выпустил их сборником. Н.Остонов считает его своим устазом-наставником.

Своим духовным отцом, он считает поэта Хакима Назира, который выступил с его поддержкой при принятии в члены Союза писателей Узбекистана в 1991 году и в частности сказал: «Я читал стихи Нуриллоха Остона, написанные для детей. Хорошие стихи. Они мне нравятся»...

Поздравляя Нуриллоха Остона со славным 70-летием, желаем ему крепкого здоровья, большого счастья, новых творческих успехов в создании произведений, служащих строительству Нового Узбекистана и созданию основ III Ренессанса.

Носир Таиров,
заместитель председателя Совета ветеранов
при ЦС НДП Узбекистана, член Союза журналистов Узбекистана

ИЖОБАТ БЎЛГАН ДУО:



ХАЛҚДАН ОЛИБ ХАЛҚҚА БЕРГУВЧИ ХАЛҚ КУЙЧИСИ

Кўшиқнинг сеҳри нимада? Чолғудами ёки овозда? Бугунги ҳофизларимизнинг овоз поғонаси (диапазони) қай даражада, овоз кучайтиргич ва турли ишловлар билан сайқалланган овозлар ёнида барваста, табиий овоз янграса қай бири инсонни ўзига жалб этади?..

Табиийки, саволлар ҳам, жавоблар ҳам бисёр. Бугун эътиборингизга ҳавола қилинаётган ҳофиз Комилжон Раҳимовни 40 йилдан ошдики, халқ қадрлайди, олқишлайди.

Соҳир овоз соҳиби, мумтоз адабиётни севиб ўқувчи ва қадим оҳанглар шайдоси, тарғиботчиси Комилжон Раҳимов 1964 йилнинг 12 апрелида Хоразм вилоятининг Шовот туманида туғилди. Болалигидан Хоразмнинг санъат дарғалари, устоз ҳофизларнинг куй кўшиқларини тинглаб уларга эргашди, қўлига тор олди. Шу сабаб 1986-1990 йилларда Ҳамза Ҳакимзода

Ниёзий номидаги Тошкент давлат музыка билим юртида таҳсил олди. Шу қатори халқ ансамблларида фаолият олиб бориб элга танила борди.

У 1978 йилдан, яъни ўқувчилик даврларидан бошлаб Шовот туман Қиёт қишлоғида ташкил қилинган «Оқ олтин» ашула ва рақс халқ ансамблида кўшиқчи бўлиб ишлади. Ансамбль раҳбари раҳматлик Ўктам Хўжаев, устоз санъаткорлардан Жумабой бахши Йўлдошев, Қодир Раҳимов, Жуманазар Раҳимовлардан илк санъат сабоқларини олди.

Музиканинг кўп қирраларини яхши билган Карим Искандаровдан ўзбекнинг соз санъати сирларини пухта ўрганди. Суҳандон санъатсевар Бозорбой Раҳимов билан эса доимо санъат, манавият, маърифат борасида дўстона фикрлашар эдилар. Ҳозирда Отабой Қурбонов, Ботир Ражабовлар билан тез-тез дийдорлашиб,



бугунги ва мумтоз санъат борасида баҳс-мунозара қилиб турадилар, ёшларга ўғит, насихат берадилар.

Айтишларича буюк овоз соҳиби, Ўзбекистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон халқлари артисти, халқимизнинг севимли ҳофизи, маданият дарғаси Комилжон Отаниёзов 1964 йилда Комилжон туғилган, чақалоқ пайтида акаси Озодбекка суннат тўйи қиладилар. Шу тўйга Комилжон Отаниёзов келиб ҳизмат қилган эканлар. Онасининг қўлидан олиб кўтариб Мати амакиси гўдак Комилжонни устоз Комилжон Отаниёзовга рўбарў қиладилар ва:

- Комилжон ака, бу жигаримизга Сизнинг исмингизни қўйдик, йўлингизга йўл, из бўлсин, дедик, - дейдилар.

Шунда устоз санъаткор чинқариб йиғлаётган гўдак Комилжонга, яъни қўлидаги гўдакка меҳр билан қарайди. Чақалоқ бироз йиғидан тўхтайдди, устоз санъаткор эса унга оқ фотиҳа беради:

- Илоҳим халқ қўшиқчиси бўлсин, умри узоқ бўлсин! - деб дуо қиладилар.

Худди зиёли устоз айтганлари каби унинг овози дастлаб оила аъзоларини, кейинчалик мактабдаги устозларини ўзига жалб қиладди. У санъатни севарди, қўшиқ

янграса тўхтаб қулоқ тутар, нолалари ёқса қўшилиб куйларди...

1985 йилда улар яшайдиган Қиёт маҳалласидаги тўйга таниқли санъаткор, республикада ҳизмат кўрсат артист Жуманазар Бекчанов келадилар. Шу ерда илкборучрашгачулар ўртасида борди-келди бошланади. Орадан йиллар ўтиб у киши элда бироз танилиб улгурган Комилжон Раҳимовни Отажон Худойшукуровнинг «Аму тўлқини» ашула ва рақс халқ ансамблига таклиф қиладди, бирга берадилар. Устоз ва шогирднинг танишуви шундай бошланади.

Бугун унинг ўзи устоз, кўпчиликнинг кўнглига йўл топишнинг ўзи бўлмайди, изланиш, ўрганиш керак бўлади, “бешиқдан қабргача илм изла деганлар”, - дейди Комилжон.

Комилжон Отаниёзов, Отажон Худойшукуров, Жуманазар Бекчанов каби мумтоз санъат етакчилари бўлган буюк устозларнинг қўшиқларини куйлар экан, замонамиз шоиру шоираларининг шеърларини ҳам дилдан куйлаб халққа ҳавола қилмоқда. Унинг ёнида эса ўзига яқин табиий санъат ижодкорлари жамланган. У соҳталикни, сунъийликни ёмон кўради. Самимий соҳир овоз эгаси, жўшиб-жўшиб, тошиб-тошқинланиб куйлайди у. Оддий

халқ ижодкорлари шеърларига куй
басталаб қўшиқ қилади. Халқдан олиб
халққа берадиган сеҳрли овоз соҳиби у.

Қаҳрамон Матниёзов, Аҳмад Шомурод
каби шоирлар билан ҳамкорликда ишлайди.

Самарқандлик шоир (раҳматли)
Тошканбой Турсун ўғли билан ҳамкорликда
ҳам бир қанча қўшиқлар яратиб ижро
қилди.

Қашқадарёда, Самарқанду Бухорода
ҳамиша дўстлар даврасида янги қўшиқлари
билан эл кўнглини олади.

Ҳа, у Комилжон Раҳимов... 60 йил олдин
«Илоҳим, халқ қўшиқчиси бўлсин!» - деб
дуо қилган устоз Комилжон Отаниёзовнинг
дуоси ижобат бўлгани шу!

У тўғридан-тўғри фонограммасиз
халқ олдида куйлайди, янги қўшиқ яратиб
халққа ҳавола қилади.

Кечагина ёзган шеъримни бугун
қўшиқ холида эшитяпман. Тингланг,
Комилжон куйламоқда...

Сўрамагин онангни ҳеч ёшини,
У гўзалдир ёшу кекса чоғда ҳам.
Ўзи учун пиширмагай ошини,
Қуввати бўл, эгмасин тик бошини.

Сўрма отам олдами деб маошини,
Чўнтагига қўл солмагин қанча деб?
Олиб кетмас, сенга тутар борини,
Қуввати бўл эгмасин тик бошини.

Баски ҳизмат қилганича ўтарлар,
Оҳ урмасин, тўкма кўздан ёшини.

Топганини боламга деб йиғарлар,
Қуввати бўл, эгмасин тик бошини.

Зар чапонин барин тутиб, қўлин ўп,
Йўли тугар, бадар кетар бир куни.
Ота онанг топгани сен, наслинг кўп,
Қуввати бўл эгмасин тик бошини...

Отанг-онанг эшигингда чашми нур,
Меҳр томган кўзларидай кун-туни.
Сенинг учун жон бермоққа тайёр дур,
Қуввати бўл эгмасин тик бошини.

Ҳозирги кунда мана ўн йилдирки
эстрада йўналишида ўғли Маъмуржон ҳам
халқ ҳизматида.

Бугун дунёни ҳар ҳил турфа
жанрлардаги куй-қўшиқлар шоу-
бизнеслари эгаллаб, такомиллашаётган
турфа муқомдаги бепарда рақсу
оҳанглар қуршаётганда мумтоз санъатни
тарғиб этаётган Хоразм қўшиқчилиги,
созандачилиги, халқчиллиги эътирофга
лойиқдир.

Муқаддас куй-қўшиқлар элнинг
юрагидаги нолалар, садолар билан
ҳамроҳдир. Тарбиявий аҳамият касб
этадиган насихат қўшиқлари эса бугунги
ёшларимизга таълимий сабоқ беради.
Санъатимиз фидойиларидан биз ана шу
баҳшидаликни кутиб қоламиз. Санъатга
бахшумрнинг сўнгсизмўъжизаси, каромати,
кучи ана шу покликда, соҳирликда ва
зоҳирлигидадир...

Жозиба,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Турон Фанлар Академияси академиги, шоира, журналист, публицист.

КОМИЛЖОН РАҲИМОВГА

*Халқ ичида хониш айлаган,
Овозини олам хушлаган.
Устозидан чин олқиш олган,
Дуо иззат, саодат топган
Комилжонни дер эл ҳофизим.*

*Осон эмас санъатни севмоқ,
Минг ичидан биттаси бўлмоқ.
Фарзандлари сийловли ҳамроҳ,
Дуо билан топганни ҳиммат,
Комилжонни эл дер ҳофизим.*

*Қўли қадоқ деҳқонни куйлар,
Ишчи олим, хушхонни куйлар
Кузда ҳирмон тўлганда яйрар
Дуо билан топгани иззат,
Комилжонни эл дер ҳофизим.*

*Катта кичик ҳурматин қилар
Борган жойда ҳизматин қилар.
Кўксида қўл, тор олиб куйлар,
Дуо олқиш топгани фақат,
Комилжонни эл дер ҳофизим.*

*Ким манманлик қилса бўлмагай
Манман касга қулоқ солмагай,
Яхши сўзу қўшиқ сўлмагай,
Дуо билан топган дўст, ҳурмат
Комилжонни эл дер ҳофизим.*

Жозиба.

СУБҲИДАМГИ ТИЛАКЛАРИМ



Шукуржон Жаббарова,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Турон ФА академиги, публицист, журналист, шоира.

СУБҲИДАМГИ ТИЛАКЛАРИМ

Боқийлик мулкидан келмасдан хабар,
Охиратни ўйланг, яхшилик мазмун.
Эзгулик ва меҳр дунёни бўйлар,
Олмосу зар қолар бўлиб бир тугун!

Гулнинг хуш бўйлигин булбулдан сўранг,
Бола ширинлигин мунис онадан.
Илмга мафтун бўлган ул зотга қаранг,
Ҳаёт дарсин излар кутубхонадан.

Қарангки шоирнинг “Ҳаёт дарсин излар кутубхонадан” деган мисрасининг ўзи илм изламоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ бугунимизнинг аслини тасаввур қилишга йўл очадиган бир турткидир. Маърифатли зот ўзидан янги бўлмаса ҳам ҳаёт сўқмоқлари, равон йўлларида қоқилмасликка ўргантувчи дурдоналарни яратади ва қолдиради ҳам.

Юқоридаги мисралар геолог журналист ака дўстимиз, қадрдонимиз Маҳмудхон Тоиров қаламига мансуб.



Ҳар куни тонгда муаззиннинг Азон айтаётган сокин ва равон овози эшитилаётган паллада, мўмину муҳсин мусулмонлар Аллоҳнинг бугунги кунига ҳамду сано айтаётганда юрагида кўри бор инсонлар уйғониб, бугунги кунига шукроналик билдирадилар.

Бугунни кўраётган қораю ола, мовий кўз инсонлар, жонли мавжудотлар узоқ яшасинлар, дегим келади гоҳ-гоҳ субҳи саболарга.

Эътиқодимни мустаҳкам, дўстларимни садоқатли, кўнглимни мунаввар қил, дилимни сипою ибодатимни манзур қил, бирор сўз қораласам уни мукаммал қил, эй оламлар сарвари якто Аллоҳим, дейман.

Ҳар субҳи сабо эсаётган маҳалда ижод қилишга изн бергани учун севиnamан. Агар ёзганим кўнглимга ёқса дўстларимга, яқинларимга илиnamан.

“Кўнгил денгизидаги марваридлар” деб дўст ҳақида фикр мулоҳазаларимни ёзаётганимга анча йиллар бўлди. Шу номдаги

битта китоб муҳлисларга ҳавола қилинди. Дўстлар севинди...

Яқиндагина субҳни қаршилаб дунёга, борлиққа тик боқиб, оила даврасида хуррам ўтирган эдик, бир мужда ҳабар келди.

Телефонни қўлга олдим. Маҳмудхон ака қуюққина хол аҳвол сўрадилар, телеграмни очинг, сизга ташлаб қўйдим, янги китоб..., дедилар.

Дархол телеграмни титиб Маҳмудхон ака ҳабарларига кўз ташладим. Каттагина 324 бетлик китоб. Бир бир саҳифаларини кўздан кечирдим. Охирида энг яхшилари... деганларидек 299 бетдан тортиб 319 бетгача менинг фикрларим берилганидан хурсанд бўлдим. Шу куни қайта телефон қилиб табрикладим. Вақт ўтиб китобни ўзини қўлимга олиб, салмоғидан ҳам, қаймоғидан ҳам қувондим. “Ҳикматга йўғрилган ҳаёт” бир қарашда доимо эслатиладиган жумлалар, доноликка қиёс сўз. Шу номдаги китоб фонида она Ўзбекистонимиз пойтахти

сўлим Тошкент манзара-ларига уйғун тарзда
Маҳмудхон аканинг қиё боққан сувратлари,
қўлларига ручкани тутганларича ҳаёл оғушида
дунёга боққандай... таассурот қолдиради
киши онгида. Гўё “Жим... Мени эшитинг”...
деб таъкидлаётгандай... Китоб Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Ўзбекистон
қишлоқ ва сув хўжалиги” журнали Бош
муҳаррири Тоҳир ака Долиевнинг сўзбошиси
билан бошланиб, муаллифнинг 70 йиллик
ҳаёти, 50 йиллик ижодий фаолияти ҳақидаги
дўстона фикрлар билан муқаддималанади.

“Тўғри йўлнинг ҳақиқий баҳосини фақат
адашган одам билади”, деб ёзган эди Маҳмуд-
хон ака ўз дурдона сўзларидан бирида.

Наҳотки, адашиб кўрмаган одам, тўғри
йўлда бораётган собит шахс адашиб йўл топган
одамчалик умрни баҳолай олмаса?! Бу ерда
аллақандай ички хатолик, ички дунё, ички
чалкашликдан тийилиб тўғрилиқка ўтган
банданинг хатоси назарга олиняптими? Ёки
ўзида синалган тафаккур билан ҳақиқатни
излаётган гувҳари инжаликми бу? Аслида
дунёга келган банданинг қай бири адашмай йўл
топган?!...

Китобни варақлар эканман кўйидаги
сатрларни ёзгим келди:

Номи ўчмас кўп инсонларнинг
Оламни тарк этганида ҳам.

Порлар изи руҳи равоннинг,
Изларида илми бор бекам.

Бораяпти ана қаранглар,
Авлодига тутиб машъала.
Ҳаётидан қолган жаранглар
Айланади дунёни гўё.

Изларида боғ ила бўстон,
Қурилади ҳиёбон, уйлар.
Кўнгил мулкин айлаб бир осмон,
Икки дунё яшайди улар...

Ўйлайманки, Маҳмудхон акадек
инсонларнинг умри жонлари узоқ бўлиб, яна
ватанпарвар қалбларида ғоялар, ижобиятлар
туғилаверсин, дунё шаклидаги дунёни асровчи
диллар асло сўнмасин дейман. Китобнинг
дастлабки публицистика деб номланган
бўлимида 28 та мақола берилган.

Илк мақола атоқли давлат арбоби, ёзувчи
Шароф Рашидов ҳақида бўлиб, самимият билан
йўғрилган. Ўз даврида Шароф Рашидов билан
бирга ишлаган Жиззаҳ вилояти биринчи
раҳбари, Республика давлат сув хўжалиги
кўмитаси раиси лавозимида фаолият юритган
фидойи чўлқувар Тўхтамиш Боймировнинг
хотиралари орқали давлат арбобининг бир
кунлик ҳаёти гавдалантирилади.

“Главсредазирсовхозстрой” раҳбари
Нажим Ҳамроевга юклатилган 240 ўринли
Арнасой туман касалхонасининг қурилишига
туртки бўлган кун очиқланади. Кейинги
мақолада Шароф Рашидовни сўнгги йўлга
кузатишга бораркан, гулчамбарини олиб бориб
видолашув онда тобут олдиға қўйгани ва
сўнгги бор бу буюк зотга қараганини тилға
олади:

Шароф ота гўё тирикдай ётар эдилар...
Мана шу бир оғиз сўзни ўзи қалбдаги
самимиятни илғаб олишға асос бўла олади.

Ўлиmidан кейин қанча бўхтон тошлари
отилган буюк сиймонинг Мустақиллик дав-
рига келиб оқланганлигининг ўзи унинг аба-
дий тириклигидан нишонадир...

Хуллас, турли даврларни ва яхши амалли инсонларни тилга олиниши билан улар ҳаёти тарихини бугунги кун алломаларига, ёшларига сабоқ бўладиган томонлари асосий далиллар билан ёритилади. Китобнинг ўқимишлилиги кейинги бўлимларда яна орта боради.

“Илҳом ҳосилалари” деб номланган навбатдаги бўлимда шоирнинг ўқиса ўқиғудек сара шеърлари жойланган. Учинчи бўлим эса “Фикрат дурдоналари” деб номланган бўлиб асосан “70 йиллик умрнинг ҳулосалари” баёнида тафаккурнинг ёниқ шам эканлигини биродарларимизга эслатиб турса ажабмас. Охирги бўлим “Замондошлар дил изҳорлари” да Маҳмудхон Тоировнинг 20 дан зиёд замондош дўстлари, яқинлари у ҳақда ўз фикрларини, қарашларини билдирадилар. Умр салтанатининг оҳорли томонларини ўша элдош, ўша ҳамфикрлар ифодалаши шубҳасиз.

Маҳмудхон ака узоқ йиллардаги фаолияти давомида бир “дард”га чалиндилар. Шу “дард”га ошно бўлдилар, шу билан бедорландилар, беморландилар. Бу мотиваторлик қилиш, яъни ўзидан ўзгани бирор ишга руҳлантириш, етакчилигини оширишдир. Бу умр тажрибалари орқали суюкли бўлган инсонга Аллоҳ томонидан юктирилган дарддир. Ва бениҳоя қутлуғ дард...

“Ҳикматга йўғрилган ҳаёт” Маҳмудхон аканинг 50 йиллик фаолиятини ўз ичига олган 70 йиллик қарашларидан кўпчиб чиққан, дилидан сизиб чиққан публицистик қиссаларидир. Зеро бунда тарих бор, ҳақиқат бор, ғоя бор, ҳаёт бор! Нима ҳам деймиз, гап кўп, бироқ навбат кутаётган дўстларга ҳам гал бермоқ жоиз... Йўлларимиз ҳамиша ойдин, субҳидамдан тилакларимиз ижобат бўлаверсин! Янги китоб муборак бўлсин!



ТВОЁ ЖГУЧЕЕ ЛЕТО МНЕ НРАВИТСЯ...

(Цикл стихов)



Гулом Мирзо,
поэт, Заслуженный журналист Узбекистана

Язык птиц

Беспрестанно повторяя,
поет птица для меня:
– Мир тебя не оседлал!
Оседлай быстрее коня!

Поет птица: – Ты прости же...
Тебе небо для престижа?
Небо – родина птиц,
человек, спустись ниже...

Поёт птица, облетая
кольца жизненного круга:

– Птица клюёт зёрна, а человек?
Люди охотятся друг на друга!

Беспрестанно поёт птица...

Фонтан

Весь сквер полнится
стенаниями фонтана.
От этих стенаний
душе очень больно.

Мы вышли на сквер
поздно или рано,
скорее всего уже –
вечерело довольно...

А вокруг – весна
и букеты сирени...
Надоел этот фонтан:
нет ни света, ни тени,
нет у него защиты,
нет конца его рыданиям
и страданиям...

А фонтан стоит у здания...
А спросить тебя позволю:
как сильна твоя печаль,
как чиста твоя боль...

О, ты прозрачное творение...
О ты, хрустальное создание,
и ты, как ветерок,
печальное воздыхание...

Слушай, не прекословь...
О, ты блуждающая по улицам
холодная любовь...

На тутовом дереве гнездо или
воспоминания:
разорвавшись надвое – сердце бьется в
страдании...
Матушка! Даже во сне вижу то таинство:
на дороге в Кунград – два аиста...

Переноса небо – мучается черепаха,
надорогезмея написала знак равенства...
Как две белые розы – в белых рубахах –
на дороге в Кунград – два аиста...

Вся в рыхлой пыли дорога в Кунград,
топать по пухлой пыли мне нравится.
Я в тюбетейке с мамой – я счастлив и
рад,
на дороге в Кунград – два аиста...

Пыльные галоши целовали порог...
Дедушка, здравствуйте! Бабушка,
здравствуйте! –
мой рай тогда был у маминых ног...
На дороге в Кунград – два аиста...

Ладонью, покрашенной золотистой
хной,
солнце касается моей головы =
как будто бы мама снова со мной
в дуновении ветра, в листьях травы...

Неужели столько тоски, неужели
столько печали –
дай Аллах мне сил и терпения
справиться...

На всю жизнь я запомню, как нас
ожидали,
на всю жизнь я запомню, как нас
проводжали
на дороге в Кунград – два аиста...

Легенда о камне

Ровня с ровней, говорят,
в глаза говорят, в спину...
Тысячу лет назад,
один валун себе равных покинул...

Ураганы, бураны
бились в ворота и ставни...

Деревья вырывались с корнем.
Как росток...

Кучами обвалились камни.
У пропасти валуна
удержал еле-еле песок.

Они подружились вдвоём,
валун с песком. Песок с валуном...
И вместе встречали рассвет...

Были верны друг другу в ответ,
от начала времен, от самого начала.
Душа в душу жили они тысячу лет,
пока мелодия ручья не зазвучала...

Вода размывала этот кусок
по крупинкам и по солям...
А потом волна разнесла песок,
разбросала его по полям...

Далеко в полях слышно пение...
С тех пор еще прошли тысячи лун...
Кончилось тысячелетнее терпение,
в пропасть провалился валун...

О, моя роза!..

Ты замечательно ухаживаешь за
цветами.
Ты во всём мастерица: всё своими
руками...
Благодаря твоему уходу, цветы ожили,
иначе они бы завяли, иначе они бы
погибли...

Вокруг тебя роем кружатся, - А ну давай,
по домам!

До каких пор, я буду мучаться? Тосковать
по твоим губам?

Лучше ножницами своих бровей –
разрежь меня на кусочки, и не жалея,
о, моя роза!..

Город со своих длинных ресниц
сыплет трамваями, без возниц...

Неужели моя тоска так стара, как моя
кровь,
неужели она превратилась в любовь...

Мгновения беспрестанно капают.
С небес вода – это дар, это вода свыше...
Что: часы как сито – вся в дырках крыша?
И везде капает, и везде крыши, и везде
корыта...

В моём сердце плачет дождь,
и мое сердце открыто...
В моём сердце слёзы льёт терпение...
Останови вечность на мгновение...

От луны на небе
распространяется благоухание,
От любви сыплются воспоминания...
Меня – как мгновения, как капля за
каплей –
рассыпают часы...
Письмена на суахили и на фарси...

Ты, моя нежность, моя красавица...

Ты, моя нежность, моя красавица,
твоё жгучее лето мне нравится.

Как грустны голоса улетающих птиц
осенью – мне слова твои нравятся.

Твои зимы мне открываются,
до костей промерзают, и холода мне
нравятся.

Весною цветы раскрываются,
дружно цветы расцветают, мне
нравится.

Мне нравится мир, в котором моя
красавица,
и твой стан, аромат, голос, волос – мне
нравятся.

Кокетничай, но не обижай меня:
мне твоя нежность нравится...

Твои ресницы, вонзаясь в мой сон,
меня разбудили, любимая...

Жара. Чилля. Такой сезон –
Ты все равно люби меня...
Люби просто так, потому...

Твои сны, мои ресницы потянув,
меня разбудили, любимая...

Я читаю по буквам на белом облаке:
Ты люби меня... Ты люби меня...
Заря бросала солнце, словно яблоко,
И меня разбудила, любимая...

Ты помнишь? Аптека. Базар. Гастроном
–
Всю жизнь тебя ждал...
Поднявшись на крышу, вперемешку с
зерном –
я сны свои рассыпал.

Что для меня было всерьез –
то для тебя игрушки...
Вместе с птицами
прилетели
пушинки с твоей подушки.

Белые облака, как письма, плывут,
которым нет числа...
Их не надо спасать – они тут живут.
Ах, как она несла... Себя... Несла...

Твои ресницы, вонзаясь в мой сон,
меня разбудили, любимая...

Жара. Чилля. Такой сезон –
Ты все равно люби меня...
Люби просто так, потому...

Твои сны, мои ресницы потянув,
меня разбудили, любимая...

Перевод с узбекского – **Рифат Гумеров**

БАЙРАМОЛДИ МУНОСИБ ТУХФА



27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини арафасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Халқ шоири Сирожиддин Саййид бир гуруҳ ижодкорларга ушбу нуфузли уюшмага аъзо бўлганликлари ҳақида гувоҳнома топширди.

Қувонарлиси, уюшма янги аъзолари таркибида журналимиз бош муҳаррири Маҳмуд Тоиров ҳам ўрин олганлигидир.

Ижодкорларни уюшмага аъзо бўлганликлари билан табриклар эканмиз, улардан янги асарлар кутиб қоламиз.

Таҳририят.

ДОНИШМАНД ОЛИМ ВА БАҒРИКЕНГ УСТОЗ!

Дунёда шундай инсонлар бўладики, уларнинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти бошқалар учун намуна, ибрат мактабини ўтайди ва олий даражага олиб чиқади.

Яна шундай инсонлар бўладики, уларни минглаб инсонлар танийди ва унга эргашади. Ва яна шундай инсонлар борки, улар нафақат ўз даври, балки ўзидан кейинги авлодлар учун ҳам йўлни ёритувчи машъала бўлиб қолишади.

Кутубхоначилик соҳасида ҳам нафақат ўзбек халқига, балки хорижий давлатларда ҳам ўзига хос ҳурмати, тажрибаси ва илмий изланишлари, янги инновацион ғоялари билан машъала ёқиб юрган устозларимиз борлигидан мен ҳамиша фахрланаман.

***Ё аслинг каби кўрин,
Ё кўринганинг каби бўл!***

XIII асрда яшаб ижод қилган буюк аллома Жалолиддин Румийнинг ушбу пурмаъно ҳикматлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Инсон аслида бу дунёга нима учун келганини яхшилаб билиб, англаб олиши зарур. Инсонни одобли, яхши хулқли бўлишга чорлаб келган халқимиз доимо донишмандлари ва алломалари сўзларига таяниб ва озиқланиб келганлар.

Инсонийлик деганда - одамгарчиликни, яхшиликни, меҳр-мурувватни, вафосадокатни тушу-намиз. Бизда шундай одамлар борки, улар ўзларининг ҳалол меҳнати, хуш одоби, камтарлиги, жўшқин фаолияти, ажойиб инсоний фазилатлари билан кишилар ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган.



Улар инсон деган юксак номни ижтимоий ва шахсий ҳаётда покиза сақлаб, унга муносиб иш тутадилар, кишилар такдири ҳақида қайғуриб, оғирини енгил, мушқулини осон қилишга ҳаракат қиладилар. Ўзгаларни бахтиёр қилиш билан ўзларини ҳам бахтиёр сезадилар.



Хар қандай шароитда бўлмасин ҳузурига келган инсонни илиқ қаршилаш ва меҳр кўрсата олиш маданиятига эгалиги билан ўрнатилган бўла оладилар.

Ўзим ишлаётган соҳадан келиб чиқиб, ўз касбининг фидойиси, кучли билим ва тажрибага эга, қандай лавозимда бўлишидан қатъий назар инсонийлик фазилатлари, камтарлиги ва самимийлиги билан барчамизни қалбимиздан жой олган устозимиз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида узоқ йиллар директор лавозимида фаолият юритган, ривожланган давлатлар кутубхоналари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйган, “Ўзбекистон кутубхоналар ассоциацияси”нинг ташкил этилишига асос солган ҳамда айни кунда ҳам давом этиб келаётган, соҳамизнинг янада ривожланишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Фан таълим, маданият ва бизнес соҳаларида интернет ва ахборот-кутубхона ресурсларидан фойдаланиш» мавзусида, мамлакатимизда мунтазам анъананага айланган, “Central Asia” халқаро

конференциянинг ташкил этилиши ва ўтказилишига тамал тошини қўйган социология фанлари доктори, профессор – Абдусалом Одилов Умаровдир.

Устознинг хушфەъллиги маълум воқеа ва ходисалар, сир-асрорларни билишда, иш юритишда ходимлар кўнглига йўл топишда, қўл остидагиларни тўғри бошқаришда ва уларнинг диққат эътиборини қозонишга, сабр тоқатлилиги эса хатоларга йўл қўйишдан сақлаш билан бирга, кадрларнинг тарбияланиб боришига моҳирлик билан уларга раҳбарлик қилишга йўл очади.

Тафаккур, заковат, ғолиб бу юртда
Не-не алломалар даҳолар ўтган.
Ер юзин измига солганлар ҳатто,
Устози хурматин бошида тутган.

Раҳбарлик - Оллоҳу-таоло томонидан инъом этилган бахт дейишади. Раҳбарлик учун махсус билимлар, кўникмалардан ташқари одамлар билан муомала қилиш, қўл остидагилар билан тил топишиш, топқирлик,

ҳозиржавоблик, энг асосийси ҳар қандай мушкул вазифани қийин вазиятларда ҳам уддалай оладиган аҳил ва жипслашган жамоа тузиш қобилияти мужассам бўлиши лозим.

Зеро, энг “ақлли” техникаларни бошқаришдан кўра уч-тўрт нафар одамга раҳбарлик қилиб, уларга иш буюриш, тўғри йўлга солиш мушкулроқдир.

Йиллар давомида тўпланган тажрибаси, кучли билими ва барча яхши инсонийлик фазилатлари билан мужассамлашган раҳбарни - “раҳбарлик санъатининг устаси” десак бўлади. Ана шундай юксак баҳонинг соҳиби устозимиз Абдусалом Умаровдир.

Абдусалом Умаров ҳалол, камтар, камсуқум, ўзининг одоб-ахлоқи, чиройли хулқи, хушмуомалалиги билан зиёлилар эътиборини қозониб узоқ йиллар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг директори, Республикадаги энг йирик бир катта жамоани оқиллик ва фозиллик ила бошқарган устозларимиздан ҳисобланади.

У нафақат Миллий кутубхонани балки, республика миқёсидаги барча тизим кутубхоналарида фаолият олиб бораётган раҳбарлардан тортиб барча йўналишдаги мутахассислар учун ҳам касбимиз сирасорларини, мутолаа маданиятини юксалтириш, соҳанинг истиқболдаги тараққиётини таъминлаш йўлида ўз ўғитларини берган ва сингдира олган моҳир истеъдод эгасидир.

Абдусалом ака Умаровни билган, яқиндан таниган дўстлари ва яқинлари, шогирду-ҳамкасблари у киши ҳақида бирдек меҳр ва эҳтиром билан сўзлайди. Чунки у инсон тўғрисида сўз борганда ишонч билан

айта оламанки, юксак билимли, маданиятли, бағрикенг, том маънодаги зиёли шахс ва самимий ИНСОН қиёфаси гавдаланади.

Абдусалом Умаровнинг илмий-амалий фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, унда бир неча қирралар мавжудлиги қувонтиради кишини. Булар журналистлик, филология ва социология соҳаларида тадқиқотчилик, муҳаррирлик, таржимонлик. Айниқса, китобхонлик, мутолаа маданиятини ошириш бобида нигоҳ етмас юксак қояларни забт этган, камтарин ва донишманд олимдир.

Албатта бу соҳада илмий изланиш олиб борган инсонлар кўп, уларнинг китоблари ҳам кўп. Лекин А. Умаров олиб борган тадқиқотлар, яратилган янгиликлар, соҳанинг тараққиёти доирасидаги ҳалқаро ҳамкорликдаги нуфузли конференциялар асосчиси кам.

Юмшоқ кўнгиллик, мулойим сўзлик, зеҳн-заковатли ва юксак маънавиятли инсон ҳақида сўз айтиш қанчалик шараф десам айни ҳақиқатни айтган бўламан. Мен ёшлигимдан китоб ўқишга, адабиётга, санъатга ихлосим баланд бўлган.

Шунга бўлса керак тақдир тақозоси билан ҳаёт мени Тошкент давлат маданият институтига чорлади. Олийгоҳни муваффақиятли тамомлаб Андижонда ўз соҳам бўйича фаолиятимни бошлаганман, ҳозирда Тошкент шаҳар “Билим” ахборот-кутубхона маркази директорлиги вазифасида фаолият юритиб келяпман. А. Умаровнинг ижоди, фаолияти ва айниқса инсонийлик фазилатлари тўғрисида сўз айтишдан жуда бахтиёрман.

Мен устозим билан 1998 йили биринчи марта учрашганмиз. Андижон вилоят



кутубхонасининг илмий-методика бўлими раҳбари эдим. Кейинчалик 2000 йили раҳбарлик лавозимига тайинланганман.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори – А. Умаров менга ўхшаган барча вилоят кутубхонаси директорларига, бошқа тизимдаги соҳа мутахассисларига яқиндан кўмак берарди, жамоани бошқариш, янгиликлар яратиш, бюджетдан ташқари маблағларни иш фаолиятга жорий этиш, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, илмий-ижодий изланишлар олиб бориш каби йўналишларда олиб бораётган самарали ишлари нафақат намуна бўларди, балки хавасимиз келиб, юксак марралар сари парвоз қилишимизга қанот бағишларди.

Эндигина тайинланган раҳбар, Тошкентга директорлар кенгаши, семинар машғулотлари, республика кўрик танловлари каби тадбирларда А. Умаровнинг маърузаларининг соддалиги, ҳам илмий, ҳам оммавий ва қизиқарли бўлиши эътиборимни тортган. 1999 йилдан бошлаб у кишининг ташаббуси билан ўтказилаётган “Фан,

таълим, маданият ва бизнес соҳаларида интернет ва кутубхона-ахборот ресурсларидан фойдаланиш” мавзuida “Central Asia” туркумидаги Халқаро конференциясида то ҳозирги кунгача ўз маърузаларим билан мунтазам иштирок этиб келаётганлигимни ҳам ғурур билан таъкидлашни жоиз деб биламан.

Ушбу халқаро конференция А. Умаров раҳбарлигида анъанавий касбий байрамга айланиб улгурган деб бемалол айта оламан. Маълумки, байрамлар инсондаги меҳр-шавқат, марҳамат, вафо, садоқат ва шунга ўхшаш туйғуларни жўштиради, инсонларга ўзларини, ҳамда бошқаларни қувонтиришнинг йўли ҳисобланади.

Бу халқаро анжуман фақат шахсларнинг эмас, кутубхоначилик дунёсининг, жамоатнинг маънавий севинчи, ҳаяжони, кўнгил иқлимининг баҳори десам асло муболаға бўлмайди. Чунки устозимиз нафақат соҳа бўйича ташкил этилган шўъбалар, маҳорат дарслари, чел эл тажрибаларини мамлакатимиз мутахассисларига юқори даражада етказиш билан бирга конферен-

ция доирасида маданий дастурларнинг қизиқарлилиги, турли ва ноанъанавий конкурслар асосида номинациялар, мукофотлар таъсис этилиши каби ташкилий масалаларда ҳам қойил-мақом ижодий санъат ва иқтидорга эга ажойиб юксак қобилиятли инсон.

Абдусалом Одиловичнинг журналистлик-муҳаррирлик фаолияти ҳам анчагина сермахсул эканлигини биринчи ўзбек энциклопедиясининг 4-жилдидан то охирги 14-жилди нашригача иштирок этган муҳаррир ва муаллифлари қаторидан жой олганидан, айти кунда соҳамизнинг асосий нашрларидан бири “kutubxona.uz” журналининг бош муҳаррири сифатида олиб бораётган самарали фаолиятидан билиб олиш қийин эмас.

Мен ҳам 2009 йилдан буён айнан “kutubxona.uz” илмий-услубий журналнинг таҳрир хайъати аъзоси сифатида биргаликда илмий-ижодий, таҳлилий мақолаларнинг нашр этилишида елкадош ва ҳамфикр бўлиб фаолият юритаётганимдан фахрланаман.

Абдулла Авлоний таъкидлаганидек: “Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир,” – деган. Демак, устозларнинг зиммасига жуда ҳам буюк масъулиятли вазифа юкланган.

Дарҳақиқат, устозимиз нафақат ижод билан, нафақат юқорида келтирилган ноёб ва масъулиятли қирралар соҳиби, балки айти кунда ҳам Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида келажаги буюк давлат

учун комил, ҳар томонлама етук ва баркамол, маънан ва ахлоқан пок, ватанпарвар ва инсонпарвар инсонларни тарбиялашда камарбаста бўлиб фаолият юритиши кўп сонли шогирдларига, айтиқса ёш авлод учун ибрат мактаби вазифасини ўтайди. Чунки, ўқитувчилик жуда ҳам машаққатли, юксак сабр ва матонат талаб қиладиган касб.

Дунёда яшамоқ асли авлодлар учун ибрат сабоғини яратмоқдир. Бусиз ҳаёт ўз моҳиятини йўқотади.

Шукрки, устозимиз эзгу ишлари, илмий-ижодий фаолияти, юксак маданияти ва барча инсонийлик фазилатлари билан ўзидан яхши ном, ибрат мактабини қолдирмоқда.

Тиниб-тинчимас олимнинг “Ижтимоий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли” мавзусида диссертацияси, “Юксак санъат йўлида”, “Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт” номли монографиялари, “Китобхон ва мутолаа психологияси”, “Кутубхонашунослик асослари”, “Мутолаа маданияти” каби мавзулардаги ўқув қўлланмалари ёш мутахассислар учун айтиқса соҳа тараққиётига ўз хиссасини қўшиш учун илмий иш билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун асрлар давомида асосий манба вазифасини ўтайди.

Ҳурматли устоз, Абдусалом Одилович! Сизга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик, ижод қилиш бобида куч-қувват, масъулиятли ва ўз навбатида шарафли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман!

Ҳафиза Каримова,

Тошкент шаҳар “Билим” ахборот-кутубхона маркази директори

Muassislar:

- O'zbekiston fermerlari kengashi
- O'zbekiston Tadbirkorlik va fermerlikni qo'llab-quvvatlash markazi
- "Kafolat servis" MCH

Nashr
O'zbekiston Respublikasi
Oliy attestatsiya komissiyasi
Rayosatining
2020-yil 31-dekabrdagi
290/10-sonli qarori bilan
Oliy attestatsiya komissiyasining ilmiy
jurnallar ro'yxatiga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar
muallifga qaytarilmaydi.

ISSN 2010-9024

Nashr indeksi: 1123

Tahririyat manzili:
100140, Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi 77-uy
Tel/faks: +99895 195-52-52.
Tel: +99897 480-34-82.

Jurnal "Agro Biznes Inform"
MCHJ kompyuter markazida
sahifalandi.

Chop etildi: 31.07.2025-yil.

Guvohnoma raqami: №990721
2021-yil 17-mayda berilgan.

Qog'oz bichimi: 60x84 1/8.

Buyurtma № 02.
Adadi: 1100 nusxa.

Баҳоси келишилган нархда.

Manzil: Toshkent shahar,
Nukus ko'chasi, 77-uy.

Нашрни тайёрлашда ЎЗА ва интернет
материалларидан фойдаланилди.

MUNDARIJA

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриги	2
Ўрозов М. Тўкин дастурхонимиз жонкуярлари фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари қўллаб-қувватланмоқда	4
Набиева Г. Фабрикада тадбир	8
Тоиров А. Болалик эртагим	9
Тоиров Н. Истеъфодаги полковник отахон : халқимизнинг "йўл қондаси – умр фойдаси", деган сўзларида, бир олам ҳикмат бор	12
Ғулом Мирзо. Китоб ўқишда ҳикмат кўп	16
Рўзиев Ж. Коррупцияга қарши кураш - давр талаби	20
Нуримбетов Т. У. Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари.....	24
Норкулов У., Эшонкулов Ж. С., Абдумажитов А. А., Абдумажитова Р. Р. Агротехнология выращивания африканского проса	28
Камилов Б. С., Зиятов М. П., Бобоев С. Ш., Шарипова М. С. Ғўзани томчилатиб суғоришда тупроқнинг сув физик хоссалари	32
Allashov B. D., Zulfiqorov M. X. Makka jo'xori yetishtirishda ko'chat qalinligiga bog'liq holda birinchi so'ta joylashish balandligining o'zgaruvchanligi	40
Kamalov M. M. Tadqiqot maydonining tuproqlaridan suv ekstraktining kimyoviy tahlil natijalari	46
Хабибуллаев Х. А. Кунгабоқар ўсимлиги нави, f1 дурагаи ва тизмаларида олиб борилган лаборатория таҳлиллари	51
Шербекова А. Р. Қишлоқ хўжалигида сут етиштиришда инновацион технологиялар: имкониятлар ва истиқболлар	55
Baltashov S. Qoraqalpog'iston respublikasi chorvachilik tarmog'ini rivojlantirishda innovatsiyalar zaruriyati va istiqbollari	59
Nurimbetov T. U. Iqtisodiy islohotlar: Qoraqalpog'iston respublikasi qishloq xo'jaligida ixtisoslashuvning o'rni	63
Тоиров Н. Певец независимого Узбекистана	67
Жозиба. Ижобат бўлган дуо: халқдан олиб халққа бергучи халқ куйчиси	72
Жозиба. Комилжон Раҳимовга	75
Жаббарова Ш. Субҳидамги тилакларим	76
Ғулом Мирзо. Твоё жгучее лето мне нравится.....	80
Байрамолди муносиб тухфа	84
Каримова Ҳ. Донишманд олим ва бағрикенг устоз!	85